

**Сулаймон подшонинг
хукми**

Мазкур тўпلامга турли замонларда турли халқлар томонидан яратилган қозилар ва қозихоналар ҳакамлар ва маҳкамалар, баҳслар ва даъволар, маккорона терговлар ва антиқа ҳукмлар ҳақидаги афсоналар, ривоятлар, эртаклар, масаллар ва латифалар жамланган.

*Русчадан ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВНИНГ
эркин таржимаси*

47026201 — 000

С _____ эълонсиз 94

(04) — 94

© • Адолат • 1994



1. БАҲСЛАР ВА ДАЪВОЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

БОЛАЛАР ҲАҚИДА БАҲСЛАШУВЛАР

СУЛАЙМОН ПОДШОНИНГ ҲУКМИ

(Қидимги *Яҳудия* халқи ривояти. «Библия» дан.)

... Алқисса, кунлардан бир кун икки бадахлоқ аёл
қилиб Сулаймон подшо қошига келади.

Шунда аёллардан бири шоҳга юзланиб бундай
дейди:

О соҳиби давлат! Манави аёл билан икковимиз
бир уйда турамиз. Яқинда шу уйда менинг кўзим ёри-
ди. Орадан уч кун ўтгач, бу ҳамхонам ҳам бола туғ-
ди. Ва шундан кейин ҳам икковимиз ўша уйда ўз ўғил-
чаларимиз билан бирга яшайвердик. Ўзимиздан бош-
қа биронта ҳам бегона одам йўқ эди уйимизда...

Хуллас калом, кеча кечаси бу хотин уйқусида бо-
шиқираб ўз чақалоғини босиб ўлдириб қўйгану, мен —
фацир чўрингиз маст уйқуда ётганимда, ўғилчамни
оми жимида кўкрагимдан юлиб олиб, ўз кўксига бос-
ган. Ўзининг ўлик боласини бўлса, менинг қўйнимга
сўқилган.

Мен — гофил банда буни эрталаб уйғонганимда
содим. Ўғилчамни эмизмоқчи бўлиб, унга кўкрак бер-
сам... у ўлиб ётипти. Тикилиброқ қарасам, у мен туқ-
қан бола эмас...

Шунда иккинчи аёл шаллақилик қилиб бундай
дейди:

— Йўқ, йўқ, менинг болам тирик. Улган — сенинг боланг!

— Бекорларни айтибсан, — дейди унга жавобан биринчи аёл. — Сенинг ўглинг ўлган. Менинг ўглим тирик!

Хуллас, бу икки аёл шоҳ ҳузурида даҳанаки жанг қилиб, саройни бошларига кўтара бошлайдилар.

Оқибат, Сулаймон подшо можарога барҳам бериб, бундай дейди:

— Бул заифа: менинг ўглим тирик, сеники ўлган, демоқда. Униси бўлса: йўқ, сенинг ўглинг ўлган, менинг болам тирик, дейди. Қани, менга бир шамшир келтиринглар-чи!

Шу заҳоти шоҳга шамшир олиб келиб тутқаздилар.

Сулаймон подшо ўз ҳукмини шундай баён қилади:

— Манави шамширни олингларда тирик қолган болани икки нимта қилиб чопинглар. Сўнг бир нимтани бир аёлга, иккинчи нимтани иккинчи аёлга беринглар! Шунда ора очиқ бўлади!

Алқисса, боласи тирик аёл бу ҳукми эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади, ўз жигарпорасига раҳми келиб, Сулаймон подшога шундай илтижо қила бошлайди:

— О муаззам шоҳ! Майли, болани ўлдирмай манави хотинга берақолинг. Мен розиман.

Аммо иккинчи аёл бўлса:

— Майли, чопиб ташлашсин, — дейди, — менга ҳам бўлмайди, сенга ҳам.

Шу гапдан кейин, подшо биринчи аёлни кўрсатиб:

— Болани манави аёлга беринглар. Зеро гўдакнинг онаси шудир! — деб амр этади.

Шоҳнинг бу одил ҳукми бутун Исроил давлатига таралибди ва барча халқ ундан ҳайиқадиған бўлибди. Зеро Сулаймон подшонинг адолатли ҳукм чиқармоғи учун парвардигори оламдан унга илоҳий заковат адо этилганига энди бутун бани Исроил шоҳид бўлган экан...

ҚУШЛАР ТИЛИНИ БИЛУВЧИ ЯГИТ ВА ПОДШО (Осетин эртаги)

Бир мамлакатда бир йили очарчилик бўлиб, очликдан нафақат одамлар, ҳатто паррандаю даррандалар ҳам қирила бошлаган экан.

Уши пайт бир қарға бешта бола очган экан. Аммо бу онд-қарға полапонларини очлик азобидан асраш-ти, уларни боқишга ожизлик қилипти-ю, темирқанот боғичаларини ўз ҳолига ташлаб, очарчиликдан жон сиқиниш мақсадида, ўзи узок юртларга учиб кетипти. Ёшқирнинг тақозосини қарангки, бошқа бир бегона парви бечора полапонларнинг аҳволига ачиниб, улар ни ниҳоли қудрат парвариш қила бошлабди. Кун-уззу кун тиним билмай пир-пир учиб, бирон ушоқ ё битта-иримта дон топса ҳам олиб келиб қушчаларга бера-веришти. Шу зайлда у кўп машаққтлар чекиб, пола-понларни ўлимдан асраб қолипти.

Мана, очарчилик даври тугаб, жамики зироатлар қосилга кирипти, яна маъмурчилик даври бошланип-ти. Шунда она-қарға бегона юртдан учиб келибди-да, полапонларини боқиб парвариш қилган қарғага қар-шиб: — Бу қушчалар — менинг болаларим, уларни мен га қайтариб беришинг керак! — дебди.

Лекин қушларни очлик азобидан, ўлимдан асраб қолган қарға бемехр она-қарғага жавобан бундай дебди:

— Сенга болаларинг керак экан, нега уларни таш-либ қочиб кетдинг, нега ўзинг боқиб парвариш қил-мадинг уларни? Мен бу қушчаларни не ҳасратда оч-лик азобидан асраб боқиб катта қилдим, энди булар — менинг болаларим, уларни сенга асло бермайман.

Икки қарға ўртасидаги бу баҳс ҳадеганда тугай-вермабди. Улар иккови ҳар куни подшо қасрига учиб келиб, дарвоза бошига қўниб олармиш-да бир-бири-нинг устидан шоҳга шикоят қилиб, тинмай қағилла-шармиш, бутун қасрни бошларига кўтариб, айюхан-нос солишармиш. Аммо подшо бу қарғаларнинг не сабабдан шовқин солаётганини ҳеч тушуна олмабди.

Пиҳоят, кунларнинг бирида шоҳ бутун сарой аъён-ларини ўз қошига чорлаб, уларга воқеани баён қи-лишти.

— Кимда-ким дарвозам бошида тинимсиз қағил-лаб ётган анави икки қарганинг нима демоқчи бўлган-ини менга айтиб берса, ўша одамнинг бошидан зару дур сочурман... — дебди у.

Аъёнлар ўзаро маслаҳатлашиб, шоҳ ҳузурига қуш-лар тилини билувчи бр йигитни бошлаб келишипти.

— Агар сен, — дебди подшо йигитга юзланиб, — қиқикатан ҳам қушлар тилини билсанг, анави қар-

ғаларнинг не ҳақда мунозара қилаётганини менга сўзлаб бер.

— Бош устига, шоҳим, — дебди йигит шоҳга таъзим қилиб.

У анча вақтгача қарғаларнинг қағиллашига қулоқ солиб туриб, ахири шоҳга юзланиб шундай дебди:

— Аъло ҳазратлари, қаранг, анави бир ерда гуж бўлиб ўтирган бешта қарга — полапонлар. Улардан сал ажралиб ўтирган қарга эса, қушчаларни боққан энага-қарга. Энди бу ёқда бир ўзи шўппайиб ўтирган қаргага қаранг. Бу — полапонларнинг онаси. Гап шундаки, ўтган очарчилик йили она-қарга болаларини боқишга иродаси ҳам, оналик меҳри ҳам етмай, узоқ ўлкаларга учиб кетган. Шунда полапонларни анави бегона қарга келиб боқиб, уларни ўлимдан асраб қолган. Энди ҳамма ёқ тўкин-сочин бўлиб, тўқчилик замони бошланганда, она-қарга қайтиб келиб, энага-қаргадан болаларини қайтариб беришни талаб қилмоқда. Лекин полапонларни не машаққатлар билан боқиб, очлик даврида ўлимдан асраб қолган қарга она-қаргага: «Полапонларни мен боқиб ўстирдим. Демак энди улар менинг болаларим бўлди. Сенга бола керак экан уларни қийин пайтда ташлаб кетмай, ўлиб-тирилиб бўлса ҳам боқилинг, тарбиялашинг лозим эди» — деяпти. Улар бир неча кундан бери сизнинг истиқболингизга шу шикоят билан учиб келишаётган экан, аъло ҳазратлари. Улар сизнинг адолатли ҳукм чиқаришингиздан умидворлар: полапонлар қайси қарга билан бўлишлари керак — уларни боқиб катта қилган энага-қарга биланми, ё уларни тухумдан чиқариб, кейин, қийин пайтда ташлаб кетган она-қарга биланми? — шунини билишмоқчи.

Бу гапни эшитган подшо ўз салтанатидаги жамики олиму фозилларни чақиртириб, уларга маслаҳат солибди.

— Биз одилона ҳукм чиқармоғимиз лозим, — дебди у. — Хўш, айтинглари-чи, полапонларга қайси қарга оналик қилса адолатдан бўлади?

Шунда аҳли фузало биринчи бўлиб фикр айтмоқчи подшонинг ўзидан илтимос қилипти.

— Бизнинг ҳукмимиз бундай, — деб гап бошлабди подшо, — ўз болаларини қийин пайтда ташлаб кетган қаргани ўлган деб, полапонларни очлик пайти-

ди Улимдан асраб қолган қаргани уларнинг ҳақиқий ошиси деб ҳисобламоқ лозим.

Бизлар ҳам сиз, аъло ҳазратларининг бу одиёна фикрингизга қўшилурмиз, — дейиштипти бир ошоддан алломалар.

Шундан кейин подшо саройдан чиқиб, икки қарғани ўз ҳукмини эълон қилибди. Йигит эса, шоҳнинг ҳукмини қуш тилида қарғаларга таржима қилиб берибди. Подшо ҳукмини эшитган қарғалар шу заҳоти қиёсат қоқишиб учиб кетиштипти: она-қарға ёлғиз ўзи бир томонга, энага-қарға полапонлар билан бирга иккинчи томонга учиб кўздан ғойиб бўлиштипти...

ЧАҚАЛОҚ КИМНИКИ?

(Либерия ва Гвиенада яшовчи *ЛОМА* элати эртаги)

Бир қишлоқда Мавунгу исмли бир одам яшар экан. У қандай ишга қўл урмасин, нима нарсага жазм қилмасин, доим иши бароридан келар экан. У қишлоқнинг олди бойларидан бўлиб, иккита хотини бор экан. Битта хотинининг исми Кенги, иккинчисиники — Гунга экан. Мавунгу иккала хотинига ҳам ўз еридан томорқа ажратиб берипти. Хотинлар ўз томорқаларида жўхори, ловия ва бошқа экинлар экишар ва уларга ўзлари ишлов беришар экан. Хуллас, иккала кундош ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай, роҳатда, фароғатда яшар экан. Гарчи улар бирга яшашса, битта қозондан овқат ейишса ҳам, қар қайсиси ўз томорқасини жонидан ортиқ яхши кўрар ва у ерда унадиган ҳосилни еру кўкка ишонмас экан.

Кунларнинг бирида, овқат пишираётган Гунгага бир ошли ловия керак бўлиб қолипти. Лекин ўша пайт ўз уйида бир дона ҳам ловия йўқ экан, шунинг учун кундошининг томорқасига кириб, бир сиқим ловия териб чиқибди. Буни пайқаб қолган Кенгининг жони чиқиб кетибди ва Гунгани қаёқдаги куракда турмайдиган гаплар билан ҳақорат қила бошлабди. Гунга ўз қилмиши учун кундошидан узр сўрапти ва:

— Айтгулик катта гуноҳ қилмадим шекилли? — депти. — Икковимизнинг эримиз битта бўлса, ундан кейин, қозонимиз ҳам, дастурхонимиз ҳам бир бўлса, ловияни қайси томорқадан олиб пишириш барибир эмасми?

Лекин Кенги кундошининг изоҳини эшитишни ҳам истамабди. Ахири бўлмагач, улар: бундан буён ҳар биримизнинг томорқамизда нима унса, қандай ҳосил дунёга келса, унга фақат шу томорқа соҳибаси эга бўлади, деб аҳдлашишипти. Шу битимдан сўнг кундошлар яна тинч-тотув яшайверишипти, бошқа бирон марта ҳам жанжаллашишмабди.

Кунларнинг бирида, ҳар иккала кундош ўз томорқасида гивирсиб юрган экан, бирданига Кенганинг ҳомиласи безовталаниб, уни тўлғоқ тута бошлабди. У, зора дардим енгиллашса, деб ўйлаб тамаки чекмоқчи бўлибди, лекин уйда тамаки топа олмабди-ю, кундошидан бир чеким тамаки сўрагани Гунганинг томорқасига ўтипти. Гунга уни очиқ юз билан кутиб олибди, ўтириб дам олгани унга жой кўрсатибди, тамаки берибди. Тасодифни қарангки, шу ерда Кенгининг дарди тутиб кўзи ёриб ўгил кўрибди.

Унга Гунганинг ўзи доялик қилибди, чақалоқнинг киндигини кесибди, баданини мойлабди — хуллас, янги туғилган чақалоққа қилинадиган барча расм-русмларни ҳафсала билан бажарибди. Кўзи ёриган она бироз ҳушини йиғиб, тили калимага келгач, кундошига миннатдорчилик билдирибди.

— Вой, минг раҳмат-е сенга, Гунга, бинойидек доялик қилдинг. Яхшим сен бор экансан. Боламни худди ўз болангдай меҳр билан ювиб тарадинг. Бу яхшилигингни сираям унутмайман.

— Вой, ўз болам бўлгандан кейин, нега ахир ундан меҳримни аяр эканман, — деб жавоб қилибди Гунга. — Нима, шартимиз эсингдан чиқдимми? Ўгилча менинг томорқамда дунёга келди, демак у менинг болам. Мен уни сенга бермоқчи эмасман.

Кундошининг бу галини эшитган Кенги аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкипти, худонинг зорини қилиб унга ялиниб-ёлворибди, аммо Гунга кундошининг оҳу нола-сига парво ҳам қилмабди. У фақат битта нарсага — бу можарони ажрим қилиш учун шаҳарга, қабила сардори Маниломби ҳузурига боришга рози бўлибди. Сардор Маниломбининг оқилу одиллиги ҳақидаги овоза бутун элга таралган экан; шунга кўра ҳар иккала аёл ҳам, сардор менинг фойдамга ҳукм чиқаради, деган умид билан йўлга равона бўлибди.

Мана, улар Маниломби ҳузурига кириб, ўзлари олиб келган совғаларни унга топшириптилар. Шун-

дан кейин, сардор икки кундошдан: мубоҳасангизнинг боиси не, деб сўрапти.

Биринчи бўлиб Кенги ўз дардини айтибди:

Яқинда менинг кўзим ёриди. Аммо манави кундошим Гунга боламини мендан тортиб олмоқчи. Мен менга гапиргўшамни тўққиз ой кўкрагим остида асраб юрсин, тўлгоқ тутган пайтларда не-не азобларга чидагани бўлсаму, ўғил меники бўлмай, уники бўлсинми? Шундан ортиқ гапни гапириш на ҳожат? Зеро шу далилимнинг ўзи ҳам кундошим айтадиган ҳамма гаплардан салмоқлироқдир. Илтижо қиламан сиздан: фақат адолатли ҳукм чиқаринг.

Шундан кейин Гунга гап бошлабди:

— Бола меники, бунинг сабаби бор. Бир куни мен Кенгининг томорқасидан бир сиқимгина ловия териб олганимда, у мендан жуда қаттиқ ранжиган эди. Шунда икковимиз, бундан буён менинг томорқамда унган, юяга етган, дунёга келган ҳамма нарса меники, унинг томорқасида ҳосил бўлган нарса уники бўлади, деб аҳдлашиб олган эдик. Кенгини мен томорқамга чақирганим йўқ, у ўз оёғи билан кириб келди, кейин, унинг чақалоғи менинг томорқамда туғилди; демак, келишилган аҳдимизга кўра, бола меники бўлиши керак, кундошимнинг эса болани олишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Қабила сардори Маниломби иккала томоннинг далилини ҳам диққат билан тинглабди ва Гунганинг талабини тўғри деб топиб, болани шу аёлга ҳукм қилибди.

Лекин маҳкамада ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги Маниломбининг ҳукмидан норози бўлишипти. Улар эътироз билдиришиб, гап боланинг қаерда туғилганида эмас, балки уни ким туққанлигида, дейишибди. Чунки сардор чиқарган ҳукм уларга шубҳали бўлиб туюлибди-да.

Хўш, сиз қандай ҳукм чиқарган бўлардингиз?

ОВЧИ ВА УНИНГ ЎҒЛИ

(Нигерия, Нигер, Чад, Гана ва бошқа Ғарбий Африқа мамлакатларида яшовчи *хауса* халқи ҳикояти.)

... Энди овчи ва унинг ўғли ҳақида ҳикоят эшинг.

Бир овчи бўлиб, унинг Синна исмли ўғли бор экан. Кунларнинг бирида ота-бола икков ўрмонга ов қилгани боришипти. Улар қанча югуриб-елишмасин, ҳеч овлари бароридан келмабди — атиги биттагина жинқарча қуённи отиб ўлдиришипти. Ота бу қуённи олиб юришни ўғли Синнага буюрибди, лекин ўғил, шу сариқ чақага арзимаган ўлжани ҳам кўтариб юрамани, деб қуённи буталар орасига отиб юборибди. Уша куни улар бошқа ҳеч нима овлай олишмабди. Чошгоҳга бориб қоринлари очипти.

— Қани, ўғлим, бояги қуённи пишир-чи, — дебди ота Синнага. — Салгина бўлсаям биқинни чиқариб олайлик.

Лекин ўғли қуённи буталар орасига ташлаб юборганини айтибди. Буни эшитган овчининг фиғони чиқиб кетипти. У жаҳл устида Синнани болта билан урибди, ўғил ҳушидан кетиб йиқилибди, аммо ота ўғлининг беҳуш ётганига парво ҳам қилмай, уйига жўнаб кетипти.

Синна узоқ вақт беҳуш ётипти, ахири қош қораёйиб, вақт алламаҳал бўлганида, ҳушига келибди-да бир амаллаб ўрнидан туриб уйига йўл олибди. У уйдагилар пинакка кетгунча пойлаб туриб, ичкари кирипти ва ўзининг энг зарур буюмларини олиб, бу ердан бош олиб жўнаб кетипти. У Квенде деб аталувчи улкан қишлоқ томонга равона бўлибди ва ярим кечада қабила сардорининг уйига етиб борипти.

Сардор уйгоҳ экан. У бегона йигитни кўриб:

— Қаердан келурсан? — деб сўрапти.

Синна жавоб берипти.

— Нечун уйингни тарк этдинг? — деб савол берипти сардор.

Синна ўрмонда отаси билан бўлган воқеани бирмабир сўзлаб берипти.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бундан бир неча йил муқаддам сардор урушда ўзининг яккаю ягона ўғлидан жудо бўлган эди. Болани душманлар асир олиб кетиб, ўлдириб юборишган экан. Ҳозир сардор Синнага тикилиб қараркан, кўнглига бир фикр келибди.

— Сен, бола, сир сақлай оласанми? — деб сўрабди у.

— Қанақа сир экан? — дебди Синна.

— Менинг ўғлим йўқ, — дебди қабила сардори. — Елғизгина битта ўғлим бор эди, лекин уни уруш пай-

тида асир олиб кетишган. Сенга айтадиган сирим шуки, эрталаб тонг отганда мен одамларни йиғиб, сени қаммага, ўғлим, деб танитаман. Шукрки, ўғлим асирчиқдан қочиб келипти, деб овоза қиламан. Розимисан шунга?

Синна рози бўлибди ва:

— Бунинг ҳеч қийин томони йўқ, — дебди.

Шу гапдан кейин сардор уйига кириб милтиқ олиб чиқибди-да, осмонга қаратиб ўқ узибди. Гумбирлаган ўқ овозидан чўчиб уйғониб кетган сардорнинг хотини ҳовлига югуриб чиқибди.

— О бузрук сардорим, не ҳол юз бердики, сиз ярим тунда ўқ уздингиз? — деб сўрабди у эридан.

— Ўғлимиз қайтиб келди, онаси! — дея жавоб қилибди сардор.

Бу хушxabарни эшитиб хотин ҳам севинганидан баралла чинқириб юборибди. Ўқ овозидан бутун қишлоқ уйғониб кетипти.

— Сардорнинг уйида бир гап бўлганга ўхшайди-ёв! — дейишипти одамлар. — Бўлмаса, ярим кечада ҳаммани безовта қилиб пақиллатиб ўқ узармиди?

Улар нима бўлганини билиб келиш учун сардорнинг уйига одам юборишипти. У одам зумда қайтиб келиб, янгиликни хабар қилибди:

— Сардоримизнинг уруш пайтида асир олинган ўгли кутилмаганда қайтиб келибди, — дебди у.

Буни эшитган қишлоқ аҳли қувониб кетибди. Лекин улар орасида «бундай бўлиши мумкин эмас», деб шубҳаланганлар ҳам топилди.

Йигитча эрталаб тонг отиши билан ювиниб-таранибди, бежирим шоҳона либослар кийипти, сардор берган антиқа совғалар-тақинчоқларни тақибди. Шундан кейин Синна кўчага чиқиб қишлоқни айланибди, ҳамма ерда одамлар уни очиқ чеҳра билан қутлай бошлабдилар. Лекин қишлоқнинг айрим бадавлат оқсоқоллари йигитга тикилиб қарашаркан, шубҳа билан бошларини сарак-сарак қилишиб:

— Йўқ, бу сардорзода эмас, — дейишармиш.

Бошқа одамлар бўлса, уларга эътироз билдириб:

— Йўқ, бу сардорзоданинг ўзгинаси! — дейишармиш.

Одамларнинг шубҳаси кун сайин орта борипти ва ниҳоят кунларнинг бирида ўша шубҳаланган одамлардан қайсиям бири:

— Келинлар, бир текшириб кўрамиз — бола ҳақиқатан ҳам сардорнинг ўғлимикин ё йўқми, — деб таклиф киритибди.

Шундан кейин оқсоқоллар ўз ўғилларига ясашиб, кийиниб, отга минишни буюришипти. Сўнг уларга шундай дейишипти:

— Ҳозир ҳаммангиз от миниб сардорникига борасиз-да, унинг ўғлини улоқ чопиб сайр қилишга таклиф этасиз. Бир оз вақт от чоптириб юргангиздан кейин отдан тушасиз-да, ҳар қайсингиз ўз отингизни қилич билан шартга чопиб ташлайсиз. Кейин, гўё ҳеч нима бўлмагандай, уйга қайтиб келаверасизлар.

Ҳар бир оқсоқол ўз ўғлига ўтқир қилич тутқазибди. Йигитлар отларга минишиб сардорнинг қасри томон йўл олишипти.

Тасодифни қарангки, оқсоқолларнинг бу шум ниятини бир одам эшитиб турган экан. У сардорнинг ҳузурига югуриб келиб, ҳамма эшитганларини оқизмай-томизмай унга айтиб берибди. Чақимчининг бу хабар сардори панд еб қолишдан асрабди. У оқсоқоллар синовига шай бўлиб турибди.

— Ҳай, кўрамиз, — дебди у, — сенлар шоҳида юрсаларинг, мен баргида юраман.

У Синнани ёнига чақириб олиб, шундай деб таъинлабди:

— Сен оқсоқолзодалар билан бўлганигда, уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бор, улар нима иш қилишса, сен ҳам айнан уларга ўхшаб иш тут.

Шу пайт оқсоқолзодалар ҳам етиб келишипти. Улар сардорнинг ўғлини ўзлари билан бирга сайр қилгани чақиритишти. Синна рози бўлибди ва йигитларга қўшилиб от чоптириб кетибди. Оқсоқолларнинг болалари бир ерга етганда таққа тўхташипти-да, отлардан тушишиб, ҳар бири ўз отини қилич билан аямай чопиб ташлабди. Синна буни кўриб, ўзи ҳам суюкли отини шартга чопиб ташлабди.

Бойвачча йигитлар уйларига қайтиб бориб ҳамма бўлган воқеани оталарига сўзлаб берибдилар, шунда оқсоқоллар Синнанинг синовдан ўтганини ва унинг ҳақиқатан ҳам сардорзода эканлигини эътироф этишипти.

— Фақат сардордек улуг зотнинг ўғлигина ўз бебаҳо тулпорини шундай бепарволик билан чопиб ташлаши мумкин, — дейишипти улар.

Лекин бу фикрга қатъий ишониш учун улар сардорзодани яна бир марта синаб кўрмоқчи бўлишипти.

Эртаси куни оқсоқоллар ўғилларига шундай деб тийинлашибди:

— Болани яна бир марта сайрга олиб чиқинглар. Ҳар бирингизга биттадан энг гўзал канизак берамиз. Синалар ўрмонга бориб, сардорзоданинг кўзи олдида канизагингизнинг калласини шартта олиб ташлайсиз.

Лекин кечаги чақимчи одам бу сафар ҳам сардорни оқсоқолларнинг ниятидан огоҳ қилибди. Сардор Синнани чақириб, унга бир эмас, иккита канизак берибди ва шундай дебди:

— Сен йигитлар билан борасан. Едингда бўлсин: улар нима қилишса, сен ҳам айнан шундай қил.

Бу сафар ҳам Синна йигитларга тақлид қилиб иш кўрибди. Ана шундан кейин оқсоқоллар Синнанинг чиндан ҳам сардорзода эканлигига батамом ишонишипти.

— Ҳа, у чиндан ҳам сардорнинг ўғли, — деб тан олишипти улар. — Фақат сардорнинг ўғлигина бойликни шундай писанд қилмаслиги, одам ҳаётини пашшача қадрламаслиги мумкин.

Шундан кейин, орадан анча вақт ўтипти. Синна сардорнинг уйида худди унинг ўғлидек яшаб юраверибди. Лекин кунларнинг бирида бу Квенде қишлоғига Синнанинг отаси — овчи дайдиб келиб қолипти. Бу ерда у тасодифан ўз ўғлини кўриб қолибди-ю, одамлардан сўраб-суриштириб, ҳамма бўлган воқеани билиб олибди. Кейин у сардорнинг уйига кириб борибди. Қараса, ўғли Синна сардор билан ёнма-ён гурунглашиб ўтирганмиш. Овчи даставвал сардорга таъзим қилиб у билан саломлашибди, сўнг йигитга қараб бундай депти:

— Қани, ўғлим, юр, кетдик. Бирга ов қилмаганимизга ҳам анча бўлди. Соғиниб қолгандирсан овчи?

Синна чурқ ҳам этмай ўтираверипти. Шунда сардор овчига юланиб:

— О мусофир, сиримни ошкор қилма. Кўнглинг нимани тусаса ҳаммасини бераман, фақат, илтимос, Синнани менга қолдир, — дебди.

Бироқ овчи сардорнинг илтижосига қулоқ солмабди, ўз сўзида оёқ тираб туриб олибди.

Шунда сардор навкарларини чақириб, учта от эгарлашни ва Синнанинг қўлига шамшир тутқазишни буюрибди. Кейин учовлари: овчи, сардор ва Синна от-

ларга мишишиб, ўрмон томонга шамолдек елиб кетишипти. Улар ўрмонга етиб бориб бир сайҳонликда тўхташипти. Сўнг сардор Синнага қараб бундай дебди:

— Гапларимга қулоқ сол, Синна. Отанг билан мен — икковимиз қуролсизмиз. Фақат сенинг қўлинг да шамшир бор. Бизни ажрим қиладиган йўл фақат битта: ё мени ўлдирасану бутун молу давлатимни ўзингга олиб, отанг билан ўз юртингга қайтиб кетасан, ё бўлмаса, отангни ўлдириб, мен билан қоласан. Ана унда биз яна аввалгидай ота-бола бўлиб ҳузур-ҳаловатда яшайверамиз.

Иигит нима қиларини билмай, саросимада қолибди.

Унинг ўрнида сиз бўлганингизда, кимни ўлдирад эдингиз: овчиними ё сардорними?

Каллапўшни ерга қўйиб бир ўйлаб кўринг-чи!

МОЛ, МЕРОС ВА УЛЖА ДАЪВОЛАРИ

ТЎРТ ОҒА-ИНИНИНГ ФИЛ ОВИГА ЁРГАНИ

(Сенегал, Гамбия ва Нигер дарёларининг юқори оқимида истиқомат қилувчи *мадинго* халқи эртаги)

Бир замонлар тўрт оға-ини ўтган экан. Улардан бирининг исми Мерган, иккинчисиники — Уткиркўз, учинчисиники — Узунқўл ва тўртинчисиники — Кетикатта экан.

Кунларнинг бирида тўртовлон фил овига отланибди. Уларнинг фақат битта милтиғи ва биттагина ўқи бор экан. Шундай бўлса ҳам Мерган укаларига далда бериб:

— Ҳеч ташвиш қилманглар, мен шу битта ўқ билан ҳам филни отиб ўлдираман, кўнглингиз тўқ бўлсин, — депти.

Улар қайиққа ўтиришиб, милтиқ билан ўқни ўтиргичга қўйишипти-да, дарёнинг юқори оқими томон суза бошлашипти. Улар узоқ сузишипти. Бир вақт Кетикатта беҳосдан қимирлаб юборган экан, қайиқ чайқалиб кетипти. Шунда ўтиргичга қўйилган ўқ думалаб бориб, «шўлп» этиб сувга тушиб кетибди. Буни фақат Уткиркўз сезибди.

Тўхтанглар! — дебди у оға-иниларига. — Уқимиз дарёга тушиб кетди. Ана, кўряпман: у сув тубиди ётишти.

Оға-инилар дарров қайиқни тўхтатишипти. Хўш, ошма қилиш керак? Фикр Уткиркўздан чиқибди:

— Узунқўл, — депти у, — бу сенинг вазифанг! Қани, қўлингни чўзиб ўқни сув тагидан ол-чи! Уқ бўлмаса қандай ов қиламиз?

Шунда Узунқўл қўлини сувга тикиб, дарё тубиди ётган ўқни олибди. Уни пуфлаб тозалаб, қуритгани офтобга тутипти. Оға-инилар яна эшкак эшиб сузиб кетишипти.

Бир вақт Уткиркўз бирдан чинқириб юборибди:

— Оғайнилар, қаранглар! Хўв, ана, нариги қиргоқда, буталар орасида бир фил турипти.

Мерган милтиқни ўқлаб, қўндоғини елкасига тирабди, нишонни мўлжалга олиб ўқ узибди. Фил «гурс» этиб қулабди-ю, жон берибди.

Шу маҳал Уткиркўз бегона қабиланинг бир гала овчиларини кўриб қолибди. Улар найзаларини силкитиб, бир нималар деб ҳайқиринганча, ўқ еган фил томон югуриб боришаётган эмиш.

— Биродарлар! — дебди Мерган. — Филни тезроқ нариги соҳилга олиб ўтиб яширишимиз керак, йўқса, анави овчилар ўлжамизни тортиб олишади. Узунқўл, бу сенинг вазифанг!

Узунқўл ўрнидан туриб, чап қўли билан филнинг хартумидан ушлаб, уни қайиқ турган қиргоққа судраб келибди-да, ўнг қўли билан нариги қиргоққа иткитибди.

Лекин бегона қабила овчилари бу пайт анча яқин келиб қолишган экан. Улар қайиқдаги тўрт оға-инига қараб бақира бошлашибди:

— Ҳой! Фил бизники бўлиши керак, негаки у биз ов қиладиган ҳудудда яшарди! Сизлар ўгрисизлар, бизнинг филимизни ўлдириб, ўз соҳилингизга олиб кетдинглар!

— Қанақа фил? — деб бақирибди Кетикатта. — Қаерда кўрдинглар филни? Биз ҳеч қанақа фил-пилни кўрганимиз йўқ. Агар ишонмасанглар, дарёдан сузиб ўтиб, ўзларинг қидириб кўринглар.

Лекин у овчилар то дарёдан сузиб ўтишгунча, оға-инилар соҳилга чиқишипти. Узунқўл филни буталар орасидаги бир чуқурга туширипти, Кетикатта бўлса,

шу чуқур устига ўтириб, кети билан чуқурни ҳам, филни ҳам беркитипти.

Бегона қабила овчилари теварак-атрофда роса изгишипти. Филни мана шу оға-инилар отиб ўлдирганини улар яхши билишарди, лекин қанча қидиришса ҳам, барибир уни топиша олмабди. Кетикаттанинг атрофини ўраб олган ака-укалар бўлса, пинакларини бузмай мийиқларида кулиб ўтираверишипти.

Ниҳоят, бегона овчилар изгйвериб чарчашибди ва ўз соҳилларига қуппа-қуруқ қайтиб кетишипти...

Тўрт оға-ини ўз қишлоғига қайтиб борибди. Ана шунда улар фил гўштининг энг мазали бўлагини таллашиб, можаролашиб қолишибди.

— Ўқнинг дарёга тушиб кетганини мен пайқадим, нариги соҳилда ўтлаб юрган филни ҳам, бегона қабила овчиларини ҳам мен кўрдим, — дебди Уткиркўз. — Мен бўлмаганимда сенлар ҳеч нима қилаолмасдинглар!

— Ўша ўқни дарё тубидан мен олдим, ўлик филни у соҳилдан бу соҳилга мен олиб ўтдим, — дебди Узунқўл. — Менсиз сенларга ҳеч вақо ҳам тегмасди.

— Филни ким отиб ўлдирди? Бир донагина ўқ билан аканг ўлдирди, — дебди Мерган. — Мен бўлмаганимда қўлларингдан ҳеч нима келмасди.

— Мен бўлсам ўтириб олиб, кетим билан филни яширдим, — дебди Кетикатта. — Мен бўлмаганимда ўша бегона қабила овчилари албатта ўлжамизни тортиб олишган бўларди. Ана унда Уткиркўзнинг сезгирлиги ҳам, Узунқўлнинг уринишлари ҳам, Мерганнинг пойлогичлиги ҳам бир пул бўларди!

Оға-инилар шу зайлда узоқ баҳслашишибди ва ниҳоят, можарони ажрим қилгани қабила сардори ҳузурига боришга қарор қилишипти. Сардор ҳузурида уларнинг ҳар бири ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилибди. Сардор тўрт оға-инининг далиллари-ни тинглаб бўлгач, шундай хулоса чиқарибди:

— Ҳаммангиз ҳам ов пайтида қўлингиздан келган ишни бажаргансиз. Илло фил ер юзида энг катта жонивор ҳисобланади. Шунга кўра, фил устига ўтириб, ўз кети билан уни овчилар кўзидан яшира олган одам — бошқалардан кўпроқ ва муҳимроқ ишни бажарган. Бунақа иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

АНБАҲ ДАРАХТИ КИМНИКИ?

(Ҳиндистон)

Вазири аъзам Бирбалнинг ҳузурига бир куни Кешав исмли деҳқон арз билан келибди.

— О вазир жаноблари! — дебди у. — Мен бундан бир неча йил бурун бир туп анбаҳ кўчати ўтқазиб, уни тишим билмай парваришлаб, суғориб вояга етказган эдим. Мана, ниҳоят, аллоҳнинг иродаси билан, бу йил дарахтим биринчи марта ҳосил берди. Менинг Пемла деган бир қўшним бор. У дарахтнинг ҳосилга кирганини кўрди-ю, хасиллиги тутиб, дарахтни талаша бошлади. У: дарахт меники, деб даъво қилмоқда. О марқаматли жаноб, адолатли ҳукм чиқариб, очкўз қўшнимни жазога мустаҳиқ этурсиз, деб умид қилсам бўладими сиздан?

Вазир Бирбал деҳқоннинг арзини зўр эътибор билан тинглабди ва, эртага келасан, деб уни уйига жўнатиб юборибди. Кейин у дарҳол деҳқон Пемлани чақириб келишни буюрибди.

— Пемла! Анави сайҳонликдаги анбаҳ дарахти кимга қарашли? Бу йил у биринчи марта ҳосил берибди, шекилли?

— Зоти шарифлари! — дебди Пемла. — У менинг дарахтим. Мен уни етти йилдан бери муттасил парваришлаб, суғориб ўстиряпман. Инсофсизликни қарангки, бу йил дарахтим ҳосилга кирганида, бирдан кўшним Кешав унга кўз олайтириб қолди — дарахтга эга чиқмоқчи у. Сиз, зоти шарифлари, бизнинг падари бузрукворимизсиз, худо ҳайрингизни берсин, ишимизни адолат билан ажрим қилиб беринг.


— Маъқул. Энди менга айтчи, дарахтни ким қўриқлайди?

— О фақирлар ҳомийси! Қўриқчини биз иккаламиз ёллаганмиз. Лекин ўзимиз ҳам доим бориб, дарахтни парвариш қилиб турамиз.

Бирбал Пемлани жўнатиб юбориб, ҳузурига қоронулни чақиртирибди.

— Анбаҳ дарахтини қўриқлаш учун сени ким ёллаган?

— О фақирлар ҳомийси! Мен фақат икки ойдан бери қўриқчиик қилмоқдаман. Мени икки киши — Кешав билан Пемла ёллашган, илло қай бири дарахтнинг эгаси — айта олмайман.



Шундан кейин, Бирбал қоровулни кун бўйи ўз қасрида олиб ўтириб, кечқурун қош қорайганда унга шундай дебди:

— Ҳозир сен Кешавникига бор, ундан кейин Пемланинг уйига ўт. Борганинда, унисига ҳам, бунисига ҳам: «Ўғрилар анбаҳ дарахтининг мевасини битта қўймай олиб кетишмоқчи, тезроқ бор, бўлмаса қосилдан қуруқ қоласан», — деб айт. Илло, — деб қатъий тайинлабди Бирбал, — билиб қўй! Бошқа битта ҳам сўз айтмайсан уларга. Шу гапни айтасану, кейин уйингга кетаверасан. Натижасини текширгани сенга ўзимнинг иккита одамимни қўшиб юбораман.

Қоровулнинг кўнгли жойига тушиб, севинганидан терисига сиғмай кетипти. Бояқиш қўрқиб кетганидан кун бўйи юраги така-пука бўлиб, даг-даг титраб ўтирган экан, ахир у вазирнинг ниятини билмас эди-да.

Бирбал қоровулга ўзининг иккита навкарини қўшиб юборар экан, уларга тайинлабди:

— Ўзларингни панага олиб, қоровулнинг Кешав билан Пемлага нима деб айтганини, кейин уларнинг қандай жавоб қилганини эшитинглар, ўзларини қандай тутиб, қандай ҳаракат қилганларини кузатинглар-да, ҳамма эшитган ва кўрганларингни келиб менга хабар қилинглр.

Даставвал учовлашиб Кешавникига боришипти. Боришса, Кешав уйда йўқ экан.

Қоровул унинг хотинини чақириб, шундай деб тайинлабди:

— Эринг келса айт: ўғрилар анбаҳ дарахтининг мевасини битта қўймай қоқиб олиб кетишмоқчи. Тезроқ борсин, бўлмаса қуруқ қолади.

— Ҳа, яхши, — дебди Кешавнинг хотини, — эрим келса айтаман.

Навкарлардан бири шу ерда қолиб, ўзини панага олибди ва Кешавнинг уйга қайтишини кута бошлабди.

Қоровул иккинчи навкар билан бирга Пемланикига йўл олибди. Лекин Пемла ҳам уйда йўқ экан. Қоровул унинг хотинига ҳам вазир айтган ўша гапларни тайинлаб айтибди-да, кейин ўз уйига кетворипти. Навкар эса, ими-жимиди бир хилват ерга биқиниб олиб, уй соҳибининг келишини пойлабди.

Салдан кейин Кешав уйига келипти, хотини унга қоровул тайинлаб кетган гапни айтипти.

— Э, менга деса ўт тушиб кетмайдими ўша дарахтга! — дебди жаҳл билан Кешав. — Менга нима? Анбах меникимидики, меҳнатимга куйсам? Очиги, Пемлашинг жиғига тегиш учун жўрттага бошлагандим бу машмашани. Бир худодан бўлиб, дарахтни Пемладан тортиб олсам — нур устига нур, бордию ололмасам — унда ҳам ҳеч нарса ютқазмайман! Э, бошида қолсин дарахти! Нима, шу зим-зиё тунда ўпкамни қўлтиқлаб югуриб бориб, битта дарахт деб ўгрилар билан мушталашайми? Анойи йўқ!

Навкар Кешав айтган бу гапларни яхшилаб қулогига қуйиб олибди-да, эшитганларини Бирбалга етказиш учун дарҳол саройга шошилипти. У йўлда кетаверсин. Энди гапни Пемладан эшитинг. Бу маҳал у ҳам уйига келипти. Пемла остона ҳатлаб уйига кирган ҳамоно, хотини унга қоровул тайинлаб кетган гапни айтибди. Пемла шу заҳоти қўлига милтиғини олибди-ю, кўчага отилибди. У хотинининг: «Ҳой эр, қаёққа? Овқат суздим ахир!» — деганига ҳам парво қилмабди.

— Шу пайтда овқат кўнглимга сигадами? — дебди у, — етти йилдан бери не ҳасратда парваришлаб ўстирган анбахимнинг биринчи ҳосилини ўгрилар талаб кетишаркану, мен қўл қовуштириб ўтираверайми? Йўқ, овқатни кейин ҳам еявераман. Ҳозир тезроқ бориб дарахтимни ҳимоя қилай. Шунча заҳмат чекиб ўстирган анбахим меваси талон-торож бўляпти-ю овқатни гапирасан-а!

Пемла шундай дебдию вақт ярим кеча, ҳамма ёқ зим-зиё бўлишига қарамай, ўша анбах дарахти томон югуриб кетибди...

Энди иккинчи навкар ҳам ўзи беркиниб ўтирган хуфя ердан чиқиб, Бирбал ҳузурига шошилишибди. Иккала навкар ҳам вазири аъзам қошига келиб, ҳамма эшитган ва кўрганлари ҳақида муфассал сўзлаб беришипти.

Эртаси куни иккала деҳқон Бирбал ҳузурига келибди.

— Азизлар, — дебди вазир уларга юзланиб, — камина шикоятларингизни синчиклаб текшириб чиқдим ва дарахтнинг эгаси икковингиз эканингизга иймон келтирдим. Шунга кўра, менинг ҳукмим бундай: ҳозир икковингиз бориб, анбах мевасини теринг-да, уни ўртада тенг бўлашиб олинг, кейин дарахтни кесиб,

Ўтин қилинг, ўтинни ҳам ўзаро тенг бўлашиб олинг. Боринг, амримни бажаринг!..

Бундай ҳукмдан Кешавнинг оғзининг таноби қо-чибди, Пемланинг эса ранги қув ўчиб кетибди.

— О зоти шарифлари! — дебди у ранжу алам билан. — Ахир бу гуноҳ-ку! Анбаҳ меваси ҳали гўр, яхши пишмаган, уни ҳозир узганимиздан нима фойда? Ундан кейин, эндигина ҳосилга кирган дарахтни нечун нобуд қилмоғимиз лозим бўлиб қолди? Баски, сиз, зоти шарифларининг ҳукми шу экан, унда, майли, анбаҳни Кешавга ҳукм қилақолинг, илло уни бекорга нобуд қилманг...

Пемла, ўпкаси тўлиб, бошқа бир сўз ҳам айта олмабди.

Шундан кейин, вазир навкарларга, Кешавни қамчиланглар, деб ишора қилибди. Кешав қўрқиб кетиб, Бирбалга ёлвора бошлабди:

— Вазир жаноблари! Мени савалатманг, айбимни бўйнимга оламан. Тўғриси, анбаҳ дарахти меники эмас, Пемланики.

Шундай қилиб, Кешав ёлгон сўзлаганига ўзи иқрор бўлибди. Бирбалга шу керак эди. Оқибат, вазир, анбаҳнинг эгаси — Пемла, деб ҳукм чиқарибди, Кешавни эса, ўз шумлигига яраша жазолабди.

ТУҚҚИЗИНЧИ ТУРВА (Хауса халқи ривояти)

Бир одам ҳўкиз миниб бозордан қайтаётган экан. Қараса, бир сўқир одам йўл ёқасида жазирама офтобда юм-юм йиғлаб ўтирганмиш.

— Ё алло, фақир бандангга ўзинг раҳм қил, — деб илтижо қилармиш у, — кўзим кўр, ўзим ожизман, жазирама офтоб баданимни жизганак қилиб куйдирмоқда. Кўзим очиқ бўлганида шу ерда хор бўлиб ўтирармидим — биронта дарахтнинг соясида паноҳ топиб, салқинлаб дам олган бўлардим.

Бозор қилиб қайтаётган одамнинг унга раҳми келиб, ҳўкиздан тушибдида:

— О аллоҳнинг бандаси, кел, сени ҳўкизга мингаштириб олай, — дебди.

— Илоё, бу савоб ишинг учун худонинг марҳаматига мушарраф бўл, о саховатли зот, — дебди сўқир ва бозорчининг ёрдамида ҳўкизга мингашибди.

Шундан кейин икковлари: кўзи очиқ — эгарда, сўқир унинг орқасига мингашиб йўлга равона бўлибдилар.

Сўқир ўтирган ерида бозорчи харид қилган тўршалардаги нарсаларни пайпаслай бошлабди.

Бу нима? — деб сўрабди у.

Туз, — деб жавоб қилибди бозорчи.

Бучи?

Майиз.

Бучи?

Зиравор.

- Бучи?

- Мурч.

- Бучи?

- Қалампир.

- Бучи?

- Зарчува.

- Бучи?

- Занжабил

- Бучи?

- Йирик мурч.

Сўқирнинг қўли фақат битта тўрвани пайпаслаб тополмабди, у бошқа халталардан пастроққа илинган экан.

Мана, улар шаҳарга етиб келишибди, шунда ҳўкизнинг эгаси сўқирга дебди:

— Етиб келдик, ошна, қани, тушақол. Шу ерда ҳордиқ чиқаришинг мумкин. Мен бўлсам уйимга борай.

Лекин сўқир ҳўкиздан тушишни хоҳламабди, аксинча, дод-вой қилиб, бозордаги одамларни атрофига тўплабди.

— Манави кўзи очиқ одам менинг ҳўкизимни тортиб олмоқчи! — деб айюҳаннос солибди сўқир.

— Ҳой сўқир, нима деяпсан ўзи? Тепангда худо бор-а, нега ёлғон гапирасан? — дебди аччиғи чиққан бозорчи.

— Мен рост гапиряпман, — дебди сўқир, — сен менинг ҳўкизимни тортиб олмоқчисан.

Бу можаронинг гувоҳи бўлган одамлар, уни фақат амиримиз ҳал қилиши мумкин, дейишибди ва сўқир билан бозорчини амир ҳузурига бошлаб боришипти.

— Қани, кўзи очиқ, — дебди амир, — аввал сен гапир.

— Йўқ, амир жаноблари, — деб илтимос қилибди бозорчи, — майли, олдин сўқир гапирсин.

— Ҳой, сўқир, — дебди шунда амир, — қани, айтчи, нима бўлди ўзи?

— Мен, амирим, уйма-уй тиланчилик қилиб юрганимда, саховатли одамлар менга ҳўкиз инъом қилишганди, — деб ҳикоя қила бошлабди сўқир. — Кейин, шу ҳўкизимга миниб бозорга бордим. У ерда туз, майиз, мурч, зиравор, қалампир, зарчува, занжабил ва йирик мурч харид қилдим. Уларнинг ҳаммасини халта ва тўрваларга солиб, ҳўкизимга ордим. Ишонмасангиз, ўзингиз қараб кўринг, мен харид қилган нарсалар саккизта тўрвада бўлиши керак. Е нотўғрими?

Одамлар текшириб кўришган экан, тўрвалар тўққизта чиқибди. Буни эшитган амир:

— Майли, ҳозир икковларинг бориб дам олинглар. Ҳамма гапни эртага ҳал қиламиз, — дебди.

Сўнгра амир иккита катта товоқни тўлдириб серёғ, сергўшт сўк бўтқа, яна иккита хурмачада қатиқ, иккита пиёлада асал, иккита косада атала ва икки ликобда қовурилган гўшт олиб келишни буюрибди.

— Бул таомларни кўзи очиқ билан сўқирга олиб бординглар, — дебди амир хизматкорларига. — Кейин, уларга сездирмасдан қулоқ солиб кўринглар-чи, ўзларича нима дейишаркин.

Сўқирга овқат олиб борган хизматкорлар унинг шундай деганини эшитишипти: «Бошланиши чакки эмас! Ҳозир мазза қилиб серёғ, сергўшт сўкбўтқани туширамыз, кейин атала билан қатиқни уриб, кетидан қовурилган гўштни еймизу, газагига асални тамадди қилиб, ётиб ҳурракни отамиз. Эрталаб, қараб-сизки, яна ҳўкизли ҳам бўлиб турибмиз». Хизматкорлар амир ҳузурига бориб, эшитганларини унга айтибдилар.

— Сабр қилинглар-чи, кўзи очиққа овқат олиб борганлар нима гап топиб келишаркин.

— Амирим, — дейишипти улар ҳам қайтиб келишиб, — кўзи очиқнинг гапини эшитдик. У: «Шу топда томоғимдан овқат ўтармиди? Ахир кўзимни бақрайтириб, ҳўкизимни тортиб олишяпти-ку!» — деди.

— Яхши, — дебди амир, — энди уй-уйингизга кетаверинглар. Эрталаб келасизлар.

Эрталаб ҳамма йиғилибди. Шунда амир кеча кеч-

курун кўзи очиқ билан сўқирга овқат олиб борилган идиш-товоқларни олиб келишни буюрибди. Қарашса, сўқир ҳамма овқатни урвоғини ҳам қолдирмай еб тугатган, кўзи очиқ бўлса, овқатга ҳатто қўл ҳам урмаганмиш.

— О одамлар, ҳўкизнинг эгаси — кўзи очиқ киши, — деб хулоса чиқарибди амир. — У ҳўкизидан ажраб қолишини сезгандан кейин, руҳи тушиб кетгану иштаҳаси бўғилиб овқатга қайрилиб ҳам қарамаган. Сўқир бўлса, ҳеч ниманинг ташвишини қилмай, бемалол мириқиб овқатланган. Боринглар, икковини чақириб келинглар. Илло ёдингида бўлсин, сўқир харид қилган нарсаларини саккизта тўрвага солганини айтди, аммо биз тўққизта тўрва кўрдик.

Сўқир билан кўзи очиқни бошлаб келишипти. Амир кўзи очиққа юзланиб дебди:

— Қани, бўлган гапни сен бир бошдан сўзлаб берчи!

— Мен бозорга бориб, ўзимга керакли нарсаларни харид қилдим, — деб жавоб қила бошлабди кўзи очиқ киши. — Манави сўқир тўрваларни саккизта деб айтди. Лекин мен биламан: улар тўққизта. Тўққизинчи тўрвага қуритилган райҳон барги солганман. У бошқа тўрвалардан пастроққа осилган эди, шунинг учун, сўқир қопчиқларимни пайпаслаганда, у тўрвага қўли етмаган. Қолган саккизта қопчиқдаги нарсаларни бўлса, у мenden сўраб билиб олган эди.

— Елғон гапиряпсан, — деб бақирипти сўқир, — қопчиқлар саккизта!

— Амиримизнинг умрлари зиёда бўлсин, — дебди кўзи очиқ, — айтинг тўққизинчи тўрвани очиб кўрсинлар.

Тўрванинг оғзини ечишипти. Қарашса, унга ҳақиқатан ҳам, қуритилган райҳон барги солинган экан.

— Елғончи сенсан, сўқир, — дебди шунда амир, — Сенга овқат олиб борган хизматкорларим айтган гапингни эшитишган. Сен: «Бошланиши чакки эмас, ҳозир маза қилиб қорнимни тўйгазаману, ерталаб яна ҳўкизли ҳам бўлиб оламан», — дебсан. Анави кўзи очиқ бўлса, овқатга қўл ҳам урмабди. Соқчилар, ушланглар сўқирни! Бул ўғри ўлимга маҳкум!

Лекин кўзи очиқ амирга ёлвориб:

— Амирим, бир қошиқ қонидан кечинг шу сўқир-

нинг. У мени алдамоқчи бўлувди. Аммо мен унинг жазоланишини истамайман, — дебди.

— Маъқул, — деб рози бўлибди амир, — майли, қўйворинглар уни. Сен бўлсанг, кўзи очиқ, ҳўкизингни олу бемалол уйингга жўнайвер.

УЙ СОҲИБИ ВА УНДАН БОШПАНА СЎРАГАН ОДАМ

(*Кампучия*)

Бир одам ўзига янги уй қурибди. Уй эндигина битган экан, нотаниш бир киши келиб ундан бошпана сўрабди. Уй соҳиби уни уйига қўйишга рози бўлибди. Шундан кейин улар бирга яшаб тураверишипти. Бу орада меҳмон уйда қанча тўсин борлигини, ерига қанча тахта тўшама ётқизилганини, том неча барг билан ёпилганини бирма-бир санаб чиқиб, ҳаммасини қоғозга ёзиб қўйибди.

Орадан бир ой ўтипти. Уй эгаси меҳмонга:

— Уйимда шунча вақт яшадинг. Энди иззатинг битди. Инсоф ҳам керак. Илтимос, энди уйни бўшатиб қўй. Бу ерга оилам кўчиб келади, — дебди.

— Ие! — дебди меҳмон қаршилик кўрсатиб. — Қанақасига? Ахир бу менинг уйим-ку. Мени ўз уйимдан ҳайдашга қандай ҳаққинг бор?

Улар узоқ баҳслашишипти. Ахири бўлмагач, қозининг олдига боришипти.

— Мен янги уй қурган эдим, — дебди уй соҳиби қозига. — Манави одам келиб бошпана сўради. Мен рози бўлдим. Мана, бир ой бўлди, уйимдан кетмайди. Кеча мен ундан, уйни бўшат, деб илтимос қилувдим, бош товлади, устига-устак, у уйимга эга чиқмоқчи ҳам.

Гапириш навбати меҳмонга келибди:

— Аксинча, — дебди у, — уйни мен қурганман. Манави мендан бошпана сўраган эди. Агар ҳақиқатан сеники бўлса, қани айтчи, уйнинг тўсини нечта, ерга ётқизилган тахта тўшама қанча, томга нечта барг ёпилган?

— Санамаганман. Лекин уй, барибир, меники.

Шунда қози гапга аралашиб, меҳмондан сўрабди:

— Баски, уй чиндан ҳам сеники экан, унда ўзинг айта оласанми, уйда қанча тўсин, қанча тахта тўшама бору, томга қанча барг ёпилганини?

Меҳмон бу саволга дарҳол жавоб бериб, тўсинни

ҳам, тахта тўшамани ҳам, барглари ҳам бехато санаб берибди.

«Уйнинг эгаси шу бўлса кераг-ов, — деб ўйлабди қози. — Йўқса қаёқдан билади шунча нарсанинг аниқ миқдорини?» Шундан сўнг у ҳукми меҳмоннинг фойдасига чиқарибди.

Уй соҳиби бундай ҳукмга рози бўлмабди ва айбдорни подшо ҳузурига бошлаб борибди.

Подшо меҳмоннинг гапини эшитиб:

«Шунча нарсани бехато эслаб қолиши бежиз эмас», — деб ўйлабди. Сўнг унга шундай савол берибди:

— Сен уйингни қозиқоёқларга ўрнатгансан-а? Балли. Қани, менга айтчи, ўша қозиқоёқлар тагида нима қўйгансан?

— Ҳеч нима, аъло ҳазратлари, — таъзим қилиб жавоб қайтарибди меҳмон.

— Жануби-шарқий бурчакдаги қозиқоёқ тагида ёғоч гўлача қўйганман, — деб гапга аралашипти уй соҳиби, — негаки ўша ер анча намроқ эди.

Подшо бу далилни текширгани ўз одамларини юборибди, улар текшириб кўриб, қозиқоёқ тагида гўлача борлигига иқдор бўлишипти.

Шундан кейин подшо ҳукм чиқарибди:

— Демак, уй эгаси ҳақиқатан ҳам сенсан. Томга ёпилган барглари санаб берган, ammo қозиқоёқ тагида нима борлигини билмаган одам — гирт ёлғончи, бинобарин, у қонун олдида жавоб бергай ва жазога тортилгай.

УҒИРЛАНГАН ОТ (Араб эртаги)

Кунлардан бир кун бир одам йўлда от миниб кетаётган экан. Ярим йўлга борганида оти бирданига оқсаб чополмай қолибди.

У нима қиларини билмай ҳайрон бўлиб турган экан, шу маҳал йўлда яна бир отлиқ кўринибди. Отлиқ яқин келиши билан, оти оқсаб қолган сувори унга дабдурустан:

— Отингни менга бер! — дебди.

Иккинчи отлиқ бунга рози бўлмабди, албатта.

Шунда биринчи отлиқ қиличини қинидан суғурибди-да:

— Отингни берсанг — бердинг, бўлмаса каллангни оламан! — деб дағдага қилибди.

Иккинчи отлиқ отини унга беришга мажбур бўлибди. Сўнг ўзи оқсоқ отга миниб, от ўғриси орқасидан секин кетаврипти.

Эртаси куни улар шаҳар бозорида бир-бирларига ўқнаш келиб қолибдилар. Шунда отидан айрилган сувори шаҳар қозисининг олдига югуриб бориб, от ўғриси устидан шикоят қилибди ва бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб берибди.

Қози айбланувчини чақиртириб келиб, уни сўроқ қилибди:

— Минган отинг кимники, қой банда?

— Узимники, — деб жавоб қилибди от ўғриси. — Уни мана бундай тойчоқлик чоғидан боқиб катта қилганман.

Шу пайт отнинг ҳақиқий эгаси эғнидан кўйлагини ечибди-да, уни отнинг бошига ёпибди ва дилозор ўғридан сўрабди:

— От сеники бўлса, айтчи, унинг қайси кўзига оқ тушган?

Айбланувчи:

— Унг кўзига, — деб шу заҳоти жавоб қайтарибди.

Шунда от эгаси кўйлагини от бошидан олибди-да:

— Ҳеч қачон отимнинг кўзига оқ тушган эмас! — дебди.

Мана шу далил туфайли қози отни ҳақиқий эгасига қайтариб берган экан.

ИП КОПТОГИ КИМНИКИ?

(Эрон)

Бир куни Илёс қозининг олдига икки аёл бир копток ип кўтариб келибди-да униси ҳам, буниси ҳам ипни, меники, деб даъво қила бошлабди.

Қози иккала аёлни маҳкаманинг икки бурчагига турғазиб кўйибди ва ҳар қайсисининг олдига бориб, ип нимага ўралган эди, деб пичирлаб сўрабди.

— Пайрахага, — дебди биринчи аёл.

— Латтага, — дебди иккинчи аёл.

Қози шу жавобдан кейин ипни чуватишни буюрибди.

Қарашса, ип ичидан пайраха чиқибди. Шундан сўнг қози ипни рост гапирган аёлга беришга ҳукм қилибди.

Елгон гапирган аёлни эса, қамчи билан савалашни буюрибди.

ЗУРДАН ЗУР ЧИКСА...

(Гананинг жануби-ғарбий ҳудудларида истиқомат қилувчи *фанги* халқи эртаги)

Олмаҳоннинг заҳматкаш жонивор эканлигини ҳамма билади. У ҳар куни эрта тонгдан то қоронғи кечгача ўз даласида тиним билмай меҳнат қилибди. Оқибат, эккан экинлари жуда яхши ҳосил берибди. Олмаҳон ишга астойдил берилиб кетганлигидан, даласига бориш учун йўл очишни хаёлига ҳам келтирмабди, чунки ўзи ўша даласига доим дарахтма-дарахт сакраб борар экан-да.

Тасодифни қарангки, шу ёқларда бир Ўргимчак ов қилиб юриб, бир куни Олмаҳоннинг экинзоридан чиқиб қолипти. У ғарқ пишган экинларни кўрибдию севинганидан кўзи ўйнаб кетипти. У экинзорга кириб келадиган йўлни қидирипти, лекин топаолмабди. Шунда бу айёр махлуқнинг миясига бир шум фикр келипти.

Эртаси куни Ўргимчак экин майдонига бутун оила аъзоларини бошлаб келибди. Улар йўл-йўлакай инларини буталарга илиб, ўзлари учун сўқмоқ йўл очибдилар. Бу билан улар экинзорга тез-тез келиб турганликларини билдирмоқчи бўлибдилар-да. Кейин Ўргимчакнинг оила аъзолари пишган бошоқларни узиб уяларига ташмалай бошлабдилар. Олмаҳон келиб қараса, далада иш қизғин.

— Ким ижозат берди сизларга менинг даламдаги ҳосилни йигиб олишга? — деб чинқарибди Олмаҳон хуноб бўлиб.

— Сенинг даланг? — дебди Ўргимчак киноя билан. — Нима сабабдан сен бу ерни ўз даланг деб айт-япсан?

— Нимагаки, бу далада мен меҳнат қилганман, — деб жавоб қилибди Олмаҳон. — Бу ерни мен хас-чўплардан тозаладим, унга ишлов бериб экин экдим, сўнг экинни парваришлаб ўстирдим. Энди бўлса, сен тай-ёрга айёр бўлиб, етиштирган ҳосилимни тортиб олмоқчисан. Бу менинг ерим.

— Сенинг еринг бўлса, қани, бу далага келадиган йўлни кўрсат, — дебди маккор Ургимчак.

— Менга йўл керак эмас, — деб жавоб қилибди Олмахон, — мен дарахтдан дарахтга сакраб келавераман.

— Ҳали шунақа дегин! Хўш, қани, айтчи, қайси деҳдон ўз даласига йўл очмай экин экади? — дебди Ургимчак истеҳзо билан.

Бу зўравонликка чидай олмаган Олмахон Ургимчакни судга берибди. Лекин суд ҳайъати, йўл очилмаган экинзор бўлиши мумкин эмас, деган қарорга келибди ва далага борадиган йўл, шубҳасиз, Ургимчакка тегишли бўлгани учун экинзорни шу Ургимчакка ҳукм қилиб берибди.

Ургимчак оила аъзоларини далага бошлаб келиб, бутун ҳосилни йигиб олибди ва уни сотгани бозорга жўнабди. Аммо ўргимчаклар бозорга кетаётганларида бирдан даҳшатли бўрон кўтарилиб, жала қуя бошлабди. Ургимчаклар юкларини йўл ўртасида қолдириб, ўзларини панага олишибди. Бўрон тўхтаб ёмғир тингач, улар яна йўлга, ўз юклари олдига чиқибдилар. Қарасалар — во ажаб! Баҳайбат бир қора Қарчигай уларнинг юки устида қанотларини кенг ёйганча уни ёмғирдан пана қилиб ўтирганмиш.

— О мусофир, — дебди Ургимчак, — бизнинг молимизни ёмғирдан асраганинг учун минг раҳмат сенга!

— Сизнинг молингиз? — дебди пичинг қилиб Қарчигай. — Бекорларни айтибсан! Қаерда кўргансан, шунча бойликни йўл ўртасида қаровсиз қолдириб кетганларини? Бўлмаган гап! Бу менинг молим. Мен уни сотгани бозорга олиб кетяпман! Саломат бўл, Ургимчак, иккинчи мен билан ўчакиша кўрма.

Қарчигай шундай дебдию ҳосилни чангаллаганча осмонга кўтарилиб учиб кетибди.

КАМБАҒАЛНИНГ БОЙГА ТАҚЛИД ҚИЛГАНИ ҲАҚИДА (Кампучия)

Бор экан, йўқ экан, бир оила бор экан. Оила аъзолари: эру хотин ва бир қиздан иборат бўлиб, улар ниҳоятда фақирона кун кечирар, тирикчиликларини аранг ўтказар эканлар. Кунларнинг бирида эр билан хотин, қандай қилсак биз ҳам бойиб кетаркинмиз, деб ўй ўйлай бошлабдилар.

— Биз ҳозир кунимизни зўрга ўтказаямиз. Шу кешда, хароб бўлиб ўлиб кетишимиз ҳам ҳеч гапмас, — дебди эр. — Ке, хотин, биронта бадавлат одами топайлик-да, унга қўшни бўлиб яшайлик. Кейин ҳар бир ишда унга тақлид қилиб кўрайлик. Шояд мадимиз юриб, биз ҳам бойиб кетсак.

Шундай қилишипти ҳам. Улар ғарибона кулбалани бузишиб, бадавлат бир заминдорнинг ҳовлиси-ча яқин ердан жой олишибди ва ўша ерга янги кулба қуришибди. Заминдор хизматкорларини ўз даласида за богида ишлатар, кейин етилган ҳосилни ўрдириб, гердириб, бозорга сотгани жўнатар экан. Камбағал деҳқон ҳам баҳоли қудрат, шу заминдор қўшнисига тақлид қила бошлабди. У хотини ва кизи билан далада тер тўкиб ишлаб, олинган ҳосилнинг бир қисмини бозорга олиб бориб сотибди, бир қисмини рўзгорга ишлатибди. Бора-бора бу оиланинг иши аста-секин юришиб, турмушлари яхши бўлиб кетибди. Даромадлари кўпайиб, фарован ҳаёт кечири бошлашипти.

Бир куни эр билан хотин маслаҳатлашиб, заминдордан, ўзига билдирмай хўжаликни бошқаришни ўрганиб олганлари учун, унга миннатдорчилик изҳор этмоқчи бўлибдилар. Эр чўнтагига бир сиқим олтин солиб боиникига кириб борибди.

— Бу олтинларни менга нега олиб келдинг? — деб ажабланибди заминдор.

— Бой ота, мен бир қашшоқ деҳқон эдим. Бир куни хотиним билан маслаҳатлашиб, чолдевор кулбамизни буздим-да, сизнинг уйингиз яқинига кўчиб келдим. Кейин ҳар бир ишда сизга тақлид қилиб ишлай бошладим. Ишимиз юришиб, турмушимиз фаровон бўлиб кетди. Ҳозир ҳеч нимадан камчилигимиз йўқ: еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда... Мана шунинг учун сизга миннатдорчилик билдириб, совға олиб келувдим.

— Баски, мен туфайли бойиб кетганингни ўзинг тан олаётган экансан, унда уйингдаги бойликнинг бари меники бўлиши керак. Сен менга бутун молу давлатингни беришинг керак, кейин ундан қанчасини сенга чегириб бериш — бу энди менинг ҳимматимга боғлиқ.

— Ахир мен сизга инсоф юзасидан олтин олиб келдим-ку. Камми шу миннатдорлигим? Ниятингиз-

нинг бунақа бузуқлигини билганимда, ҳеч нима олиб келмасдим.

Заминдор билан собиқ камбағал деҳқон узоқ бахшлашишти. Ниҳоят бир қарорга келишолмагач, улар арз билан ҳакам ҳузурига боришти. Лекин ҳакам ҳам уларнинг жанжалини ажрим қила олмабди ва икковини тўғри қирол ҳузурига бошлаб борибди. Шунда собиқ камбағал деҳқон қиролга таъзим қилиб, ўз дардини сўзлаб берибди:

— Аъло ҳазратлари, мен манави заминдорнинг уйи ёнига кўчиб келдимда унинг хўжаликни бошқаришини кузата бошладим. Кейин ўзим ҳам ҳар бир ишда унга тақлид қилиб тер тўкиб ишладим. Ахири омадим юришиб бойиб кетдим. Мен заминдорга, ўзи билмай туриб бизга кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб, унга бир сиқим олтин олиб кирган эдим, у бутун бойлигимни тортиб олмоқчи бўляпти. Утинаман сиздан, аъло ҳазратлари, шу ишимизни кўриб, одилона ҳукм чиқарсангиз.

— Қирол заминдордан сўрабди:

— Бу одамнинг айтганлари тўғрими?

— Ҳаммаси тўғри, аъло ҳазратлари.

Шунда қирол заминдорнинг ўта кетган даражада қуримсоқ эканлигини тушинибди-да:

— Заминдор, бола-чақанг борми? — деб сўрабди.

— Уғлим бор, аъло ҳазратлари.

— Сенда-чи? — дебди қирол собиқ камбағал деҳқонга.

— Битта қизим бор, аъло ҳазратлари.

— Бундан буён орангизда ҳеч қандай нифоқ бўлмаслиги учун буюраман: иккала оила ўзаро қудалашсин!

Шунда заминдор билан собиқ камбағал деҳқон қиролга эҳтиром ила эгилиб таъзим қилишибди-да, унинг доно маслаҳатини бажариш учун уйларига жўнаб кетишти.

ТОПИЛМАНИ ЎРТАДА БУЛИШ МУАММОСИ
(Камеруннинг жанубида яшовчи булу элати эртаги)

Қадим замонларда кунлардан бир кун учта одам йўлда учрашиб қолибди. Кейин улар бир-бирларига ҳамроҳ бўлишиб, сафарни давом эттиришти. Бит-

ти йўловчининг қўлида палма баргларига ўралган бир бўлак яхна гўшт бор экан, иккинчиси ҳам битта шони баргларга ўраб, қўлтиғига қистириб олган экан. Лекин учинчи ҳамроҳда, орқасидан эргашиб келётган битта кучукдан бўлак ҳеч вақо йўқ экан. Улар икки йўл босишиб, ахири чарчашипти ва озгина ҳордиқ чиқариб олиш учун бир дарахт тагида тўхташипти. Яхна гўшти бор одам гўштини очиб ўртага қўйибди.

— Менда гўшт бору, лекин ноним йўқ-да, — дебди у.

— Менда бўлса, нон бор, лекин гўшт йўқ, — дебди иккинчи йўловчи нонини ўртага қўяркан.

— Менда нон ҳам, гўшт ҳам йўқ. Бор-йўқ бисотим шу ит, — дебди учинчи ҳамроҳ. — Лекин баски, учламиз ҳамроҳ эканмиз, боримизни бирга баҳам кўрмоғимиз керак.

Шундан кейин уовлари ўтириб олишиб, нон билан гўштни тановул қила бошлашибди. Ҳаш-паш дегунча, ўртада гўшт билан нон ўралган барглардан бошқа ҳеч нима қолмабди. Ҳамроҳлар бу баргларни буталар орасига отиб юборишипти. Уларнинг овқатланиб бўлишини бир чеккада кўзини лўқ қилиб кутиб ўтирган ит баргларга ёпишиб қолган ушоқларни ялаб-юлқагани ўзини буталар орасига отибди.

Ҳамроҳлар яна йўлга тушишипти. Улар бир оз юришгач, учинчи йўловчи бирдан итини эслаб қолибди.

— Итим қаёқда қолдийкин-а? — дебди у. — Тагин бизларни йўқотиб адашиб-нетиб юрмасин. Бориб қидириб келай. Илтимос, мени шу ерда кутиб туринглар.

— Майли, бориб келақол, — деб рози бўлишипти ҳамроҳлари. — Биз сени шу ерда кутиб турамыз.

Шундай деб улар йўл ёқасига чиқи ўтиришибди.

Итнинг эгаси боя овқатланишган ерга қайтиб боришти. Лекин ит у ерда кўринмабди. Шунда у палма барглари отиб юборилган буталар ичига кириб борибди. Қараса, ити ўша ерда, чириб фақат устухонигина қолган бир филнинг қовурғалари устида чўққайиб ўтирганмиш. Ит эгаси шу заҳоти бу ерда ётган фил тишини елкасига кўтариб олибди-да, ўз ҳамроҳлари олдига қайтиб борибди.

— Менинг итим ўрмондан ўлган филнинг суякларини топибди, — дебди у дўстларига. — Мен йўли-

мизда учраган биринчи қишлоқдаёқ манави фил тишини сотаман-да, сизлар берган нон билан гўштининг ҳақини тўлайман.

Лекин яхна гўшти бўлган одам унинг гапини эшитиб:

— Бу фил тишини сотишга сенинг ҳаққинг йўқ — дебди жаҳолат билан. — Бу тиш меники бўлиши керак. Негаки менинг яхна гўштим бўлмаганда, ундан кейин, гўшт ўралган баргларни мен буталар орасига отмаганимда, сен ҳам, итинг ҳам ўша ўлган филни топа олмас эдинглар. Бас, шундай экан, фил ҳам унинг тиши ҳам менга тегишли!

Энди иккинчи йўловчи ҳам даъво қилишга тушибди:

— Сен қаёқдан биласан, ит сенинг баргларингга ташланганми ё меникигами? Турган гапки, у мен отиб юборган барглар кетидан югурган, негаки мен ташлаган баргларда нон ушоқлари қолган эди. Йўқ, филда сенинг ҳеч қандай ҳаққинг йўқ! У меники?

Ит эгаси ҳамроҳларига шундай жавоб қилибди:

— Икковингиз ҳам ноҳақ гапиряпсиз. Фил суягини ит топди, ит эса меники. Унинг нима учун буталар орасига киргани — аҳамиятсиз. Фил меники бўлиши керак?

Лекин икки ҳамроҳ, ит эгасининг фикрига қўшилмабди.

— Биз овқатимизни ҳам сен билан, ҳам итинг билан баҳам кўрдик, — дебди улар, — эвазига сендан ҳеч қандай ҳақ сўрамадик. Агарда биз сени боқмаганимизда, силланг қуриб, умуман, ярим йўлда қолиб кетган бўлардинг. Филни бўлса, сенсиз ҳам ўзимиз топган бўлардик. Майли, нонимиз билан гўштимиз учун сендан ҳеч нима талаб қилмаймиз, шу билан бирга, сенинг ҳам филда ҳеч қанақа ҳаққинг йўқ.

Уч ҳамроҳ шу йўсинда узоқ гижиллашишти, лекин, барибир ҳеч келиша олишмабди. Йўлда учраган биринчи қишлоқда ҳам уларнинг баҳсини ҳеч ким ажрим қилиб бера олмабди. Хўш, фил тишини уч ҳамроҳнинг қайси бири олишга ҳақли, сиз айта оласизми?

ТИМСОҲНИНГ ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИ
(Габон давлатида ва Камеруннинг жанубий
қисмида яшовчи *фаланг* қабиласи ҳикояти)

Нганда исмли жуда бой-бадавлат ва аслзода бир тимсоҳ бўлган экан. У бутун умр эл ҳурматини қозониб яшаб, кунларнинг бирида бу дунёдан кўз юмибди. Унинг ўлгани ҳақидаги хабар бир зумда чор атрофга тарқалибди, шунда унга аза тутгани ҳар томондан турфа хил жонзодлар қаторлашиб келаварибди.

Дафн маросими тугаб, марҳумнинг маъракалари ўтиб бўлгач, тимсоҳдан қолган мерос ҳақида гап очилибди. Турган гапки, меросни Нгандонинг қавм-қариндошлари ўзaro бўлишиб олишлари лозим эди. Лекин кимларни тимсоҳнинг қариндоши деб ҳисоблаш керак? Мана шу масала катта баҳсга сабаб бўлибди.

— Тимсоҳ Нгандо — бизнинг жигаримиз, — дейишти қушлар. — Ундан қолган мол-давлат бизга ўтиши керак.

Лекин ҳайвонлар бу фикрга қўшилишмабди.

— Сизлар қанақасига Нгандога жигар бўларкансизлар? — дейишти улар. — Ўзингизга бир қаранг! Марҳумга қаерингиз ўхшайди? Унинг бадани танга-часимон совут билан қопланган эди, сизларнинг бўлса ҳаммаёнгиз пат.

— Тўғри, — деб жавоб қилишти қушлар., — Нгандода пат йўқ эди. Лекин масала — тимсоҳнинг қандай қиёфада ҳаёт кечирганида эмас, балки унинг ҳаёти нимадан бошланганидир. Унинг ҳаёти тухумдан бошланган. У ҳам биз қушлар сингари тухумдан чиққан. Энг муҳими мана шу! Унинг онаси ҳам худди бизнинг онамизга ўхшаб тухум қўйган ва тухум очиб уни дунёга келтирган. Демак, тимсоҳ бизнинг қариндошимиз, шунга кўра, биз бўламиз унинг меросхўрлари!

Лекин ҳайвонлар бунга сира-сира рози бўлишмабди.

— Бу тўғри эмас! — деб шангиллашибди улар. — Нгандонинг қариндошлари бизмиз, демак, ундан қолган мол-давлатни бизлар бўлишиб олишимиз керак!

Ахири бўлмагач, тимсоҳнинг дафн маросимига келган паррандаю аррандалар ичидан кенгаш ҳайъати тузишти. Бу ҳайъат қушларнинг ҳам, ҳайвон-

ларнинг ҳам далолатларини тинглаб, қонуний мерос-хўрларни аниқлаб бериши лозим эди.

Биринчи бўлиб ҳайвонлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила бошлабдилар.

— Бу ерда, — дейишипти улар, — қариндошлик аломатларини ҳаётнинг дастлабки дамларидан қидирмоқ керак, дейилди. Эҳтимол бу фикр тўғридир. Лекин бунга тухумнинг ҳеч қандай даҳли йўқ. Ҳаёт тухумдан бошланмаган. Тухумда фақат ташқи ўхшашлик бор холос. Тимсоҳ Нгандо ёруғ дунёга келганида, худди бизларга ўхшаб, унинг ҳам тўртта оёғи бўлган. Мана сизга ҳақиқий далил. Шунга кўра биз даъво қилиб айтамизки, тимсоҳнинг ҳақиқий қариндошлари бизмиз, демак Нгандодан қолган мол-давлат бизга берилиши керак.

Қушлар бу даъвони эшитиб чидаб туrolмабдилар.

— Гапларингизнинг тутуруғи йўқ, гоҳ ундай дейсиз, гоҳ бундай! — деб чуғиллашипти улар. — Боя бизнинг устимизда тангачасимон совут эмас, пат бўлганини пеш қилиб, Нгандога қариндош эканлигимизни инкор қилувдингиз. Лекин сизлар ҳам ўз вазоҳатингизга бир қаранг! Гавдаларингиз тери ва жун билан қопланган-ку! Қани ўша тангачасимон совутингиз? Кўрсатинг бизларга! Ҳозир бўлса, яна нотўғри гапирдингиз. Чақалоқ Нгандонинг ҳаёти, унда сиз айтган ўша тўртта оёқ ўсиб чиққан пайдан эмас, балки анча олдинроқ, у тухум ичида ётган чоғдан бошланган. Ундан кейин, тухумларни сиз ўзингизнинг мойингизга ўхшатманг-да. Тимсоҳ тухумлари, худди қуйиб қўйгандек, бизларнинг тухумимизга ўхшайди. Демак, тимсоҳнинг қариндошлари сизлар эмас, бизмиз!

Лекин ҳайвонлар баҳсни давом эттираверишипти, иккинчи ёқда қушлар ҳам бўш келишмабди, шунинг учун кенгаш ҳайъати ҳеч қандай тўхтамага кела олмабди. Сиз ҳал қила олармидингиз бу баҳсни?

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ТОВОН ДАЪВО ҚИЛИШ ҲАҚИДА

СУВГА ЧУККАН ТҶАНИНГ ҲАҚИ
(Ўзбек латифаси)

Насриддин афанди бир пайтлар Вобкентда қозилик қилган экан. Кунларнинг бирида унинг олдига

иккита туякаш келиб, бизнинг баҳсимизни ажрим қилиб беринг, деб илтимос қилибди.

— Икковимиз бир бўлиб, қирқ тиллага битта туя сотиб олган эдик. Туя учун мен ўн тилла, шеригим — ўттиз тилла сарфлаганди. Кейин биз анча вақтгача одамларнинг юкини ташиб кун кечира бошладик. Ишлаб топган пулимизнинг бир чорагини мен, уч чорагини шеригим олади. Фалакатни қарангки, бир куни Зарафшондан кечиб ўтаётганимизда туямиз сувга чўкиб кетди. Энди шеригим мендан туянинг ҳақини даъво қилапти.

— Ҳа, ҳа, — деб шангиллабди иккинчи туякаш. — Туяни сотиб олаётганимизда мен ақчани уч ҳисса кўпроқ тўлаганман. Энди у менга яна ўн тилла тўласа, шу билан орамиз очиқ бўлади.

— Ахир, — деб эътироз билдирибди биринчи туякаш, — юк ташиб топган пулимизнинг уч ҳиссасини ўзинг олиб, менга фақат бир ҳиссасини берардинг-ку доим. Тўғри, сен туя учун уч баравар кўпроқ ҳақ тўлагансан, лекин даромаднинг ҳам тўртдан уч ҳиссасини сен олардинг-да!

Икки туякаш бир-бири билан можаролашиб, қозихонани бошига кўтарибди. Уларнинг баҳсини эшитиб ўтирган афанди ўртага шундай савол ташлабди:

— Туя сувга чўкаётганида устида юки бормиди?

— Йўқ, биз юкни эгасига топшириб салт қайтаётгандик.

— Демак, туя юкнинг оғирлигидан эмас, ўз вазнининг салмогидан сувга чўккан, — деб хулоса чиқарибди афанди. — Туя вазнининг уч чораги даъвогарга тегишли. Туянинг чўкиб кетишига эса, айнан мана шу уч ҳисса кўпроқ вазн сабаб бўлган, бинобарин, туянинг нобуд бўлишига ўзинг сабабчисан.

Шундан кейин, афанди ҳукм чиқариб, шу ернинг ўзида бой туякашдан камбағал туякашга унинг ҳиссаси — ўн тиллани ундириб берган экан.

САККИЗТА НОН

(Афгонистон)

Бир йигит йўлда кетаётган экан. У йўл ёқасида бир дарахт тагида ўриб олиб тамадди қилаётган иккита одамни кўриб қолибди. Ўтирганлардан бирининг учта нони, иккинчисининг бешта нони бор экан. Улар

йигитни ҳам ўзлари билан тамадди қилишга чақиришпти. Йигит божонидил рози бўлибди. Улар бор ноннинг ҳаммасини еб бўлишгач, йигит мезбонларга саккиз рупия пул бериб, миннатдорчилик изҳор қилибди-да, яна ўз йўлида кетаверибди.

Шунда ҳалиги икки киши пулни ўртада тақсимламоқчи бўлибди, лекин иккови ҳеч бир-бири билан келиша олмабди.

— Мен беш рупия олишим керак, — дебди улардан бири, — чунки мен ўртага бешта нон қўйдим.

— Йўқ, — дебди иккинчиси, — ақчани тенг бўламиз.

Улар қанча тортишмасин, баҳслашишмасин, барибир, ҳеч келиша олмабди. Ахири бўлмагач, қозининг олдига боришпти. Қози уларнинг арзини тинглагач, шундай хулоса чиқарибди:

— Сен ўзингга беш рупия ол, — дебди у бешта нони бўлган одамга, — қолган уч рупия саники.

— Мен рози эмасман, — деб эътироз билдирибди учта нони бўлган одам. — Иккаламиз тўрт рупиядан олишимиз керак.

— Ундай бўлса, — дебди жаҳли чиққан қози, — сенга фақат бир рупия тегади!

— Нега энди?

— Яхшилаб қулоқ сол! — дебди қози. — Сизлар уч киши эдинглар-а? Ҳа, балли! Нон саккизтаמידди. Саккизтайди. Агар ҳар битта нонни уч бурдадан қилиб ушатиlsa, йигирма тўрт бурда нон ҳосил бўлади. Шундайми? Сенинг уч дона нонинг тўққиз бурда бўлади. Улардан саккиз бурдасини, яъни йигирма тўрт бурданинг учдан бирини ўзинг егансан. Демак, меҳмонга сен фақат бир бурдагина нон бергансан. Манави ўртоғининг бешта нони эса, ўн беш бурда бўлган. Улардан саккиз бурдасини ўзи еган-да, қолган етти бурдасини меҳмон йигитга берган. Мана сенга хулоса: етти бурда нон учун шеригинг етти рупия, бир бурда нонинг учун сен — бир рупия олишинг керак!

ЖАПАҚНИНГ ҲУКМИ

(Адигей халқи ривояти)

Бир замонлар Орий исмли бир донишманд ўтган экан. У ҳар қанақа жумбоқни, ҳар қандай масалани

ҳим адолат билан ҳалол ҳал қилиб берар экан. Шунинг учун унинг олдига маслаҳат сўраб келадиган одамларнинг кети узилмас экан.

Кунларнинг бирида донишманд Орий кўчада кетаётиб, бир тўда болаларнинг алланима тўғрисида баҳслашаётганини кўриб қолибди. Улар кўчани бошларига кўтариб шовқин солишаётганда, узоқда бир боланинг шу томонга келаётганини кўриб қолишибди-ю, бирдан можарони таққа тўхтатишиб:

— Ана, Жапақ келяпти, ким ҳақ-ким ноҳақлигини у айтиб беради ҳозир, — дейиштипти.

— Яхши, — дебди бу орада болалар олдига етиб келган уларнинг тенгқур ўртоғи, — жоним билан ажрим қилиб бераман жанжалларингни. Лекин, қандай ажрим қилай: донишманд Орийга ўхшаб нотўғри ҳал қилайми, ё ҳалол ҳукм чиқарайми?

Орий бу гапни эшитиб ҳайрон бўлиб қолибди. «Тавба, мен ажрим қилган ишларда қандай хатолик ва адолатсизлик ўтибди эканки, бу бола устимдан кулмоқда?» — деб ўйлабди у. Сўнг уйига қайтиб бориб, Жапаққа одам юборибди. Дарҳол болани унинг ҳузурига олиб келиштипти.

— Уғлим, — дебди Орий маҳкамага тўпланган бир талай одамлар олдига болага мурожаат қилиб, — боя кўчада ўйнаб юрган болалар жанжаллашиб қолишганда, улар сенга мурожаат қилишди, шунда сен: «Орийга ўхшаб нотўғри ажрим қилайми, ё ҳалол ҳукм чиқарайми?» — дединг? Мен қачон нотўғри ҳукм чиқарган эканман?

— Йўқ, тақсир, мен ундай деганим йўқ. Сиз донишманд одамсиз, сиз билан тенг келишга фаросатим етармиди? — деб жавоб қилибди Жапақ.

Лекин маҳкамага тўпланган одамлар ҳеч қўйишмагач, бола ҳақиқатни айтишга мажбур бўлибди:

— Ҳа, бўйнимга оламан, айтувдим. Нега бундай деганимни ҳозир тушинтириб бераман. Иккита асаларичи асалари қутиларини далага олиб чиқиб ўрнатибди. Кейин чайла қуриб шу ерда яшай бошлаштипти. Кунларнинг брида уларнинг олдига бир эчки боласи адашиб келиб қолибди. Асаларичилар уни тирик ҳолида тенг бўлашиб олишибди. Эчки боласининг ярми узунасига — бошининг ярим қалласи, гавдасининг ярми (олдинги ва кейинги ўнг оёқлари билан бирга) биттамизга, қолган иккинчи ярми иккин-

чимизга, деб келишиб олишибди. Бир куни эчки боласи ўтлаб юрганида қоқилиб кетиб, бир оёғи синибди. Шу синган оёқ томонининг эгаси дарҳол у оёққа тахтакач қўйиб, устидан латта билан боғлабди.

Шу куни кечқурун асаларичилар олов ёқиб овқат пиширишипти, лкин оловни ўчирмай, ётиб ухлаб қолишибди. Эчки боласи беҳосдан оловга сакраган экан, унинг синган оёғига боғланган латта ёна бошлабди. Эчки боласи қўрқиб кетганидан, асалари қутилари орасида ҳар томонга зир югура бошлабди. Уша ерда бир ғарам похол бор экан, эчки боласининг оёғидаги ёнаётган латтадан шу ғарамга ўт кетибди, натижада, шу кеча ҳамма асаларилар ёниб нобуд бўлибди.

Эртаси куни эрталаб иккала асаларичи донишманд Орий жанобларининг олдига, яъни сизнинг ҳузурингизга келиб, ишимизни ажрим қилиб беринг, деб илтимос қилишган. Сиз, тақсирим, асаларилар эчки боласининг оёғини латта билан боғлаган одамнинг айби билан ёниб кетган, демак, эчки боласининг шу синган оёғи томонига эга бўлган одам шеригига нобуд бўлган асларилар учун товон тўламоғи керак, — деб ҳукм чиқаргансиз.

— Хўш, бу ҳукмининг нимаси нотўғри ва ноодил экан? — деб сўрабди Орий.

— Сиз, тақсирим, эчки боласининг синган оёғини латта билан боғлаган асаларичига айб қўймаслигингиз, аксинча, эчки боласининг соғ оёқли қисмига эгаллик қилган асаларичини жавобгарликка тортишингиз керак эди, — дебди Жапақ.

— Нега энди?

— Тақсирим, сиз мендан юз чандон ақллироқсиз, шунинг учун, яхши биласизки, агарда эчки боласининг соғ оёқлари бўлмаганда, у чўлоқ оёқ билан ҳеч қаёққа юраолмаган бўларди. Унда похол ғарами ҳам ёнмасди, асаларилар ҳам нобуд бўлмасди. Бинобарин, айб эчки боласининг соғ оёқларида. Шунинг учун ҳам сизнинг ҳукмингизни одил ҳукм эмас, деб айтган эдим.

— Офарин, бўтам, дарҳақиқат мен нотўғри ҳукм чиқарган эканман. Бугундан эътиборан ҳакамлик қилиш ҳуқуқини сенга топшираман, — дебди Орий.

Лекин Жапақ: «Мен бу ишни эплай олмайман», — деб ҳадеганда рози бўлавермабди. Халойиқ эса, уни ҳакамликка муносиб деб топибди ва ахири Жапақни ҳакамлик қилишга кўндирибди.

Шундай қилиб, Жапақ, ёш бола бўлишига қарамай, ўз халқига ҳакамлик қила бошлаган экан.

ОЛИМ БИЛАН ДЕҲҚОН
(Хитой.)

Бир камбағал деҳқон бор экан. У ўзининг бир парчагина ерида доим тиришиб-тирмашиб ишлар экан. Бир куни у эккан экинларининг мажмагил бўлиб яхши ўсмаётганини кўрибди, ерининг ориқлаб қолганидан ташвишга тушиб, дарҳол даласига ўғит таший бошлабди. У ўғит солинган саватни бошига қўйиб бо-раётганида бир олим одамга рўпара келибди. Олим жуда шинам кийинган бўлиб, ҳеч қаёққа қарамай, виқор билан кеккайиб келаётгани сабабли, беҳосдан деҳқонга урилиб кетибди, деҳқон бошига қўйиб келаётган саватдаги бадбўй гўнг олимнинг устига тўкилиб, унинг чиройли либосини расво қилибди. Олим ҳам, деҳқон ҳам бир-бирини роса бўралаб ҳақорат қилибди ва ҳар қайсиси зиён кўргани учун: олим кийими булғангани, деҳқон — қимматли ўғитидан айрилгани учун, бир-биридан товонталаб қила бошлабди. Улар кўп баҳслашишипти, лекин ҳеч ҳам келиша олмай, ахири ҳакамнинг олдига боришипти.

— Ҳакам жаноблари, — деб гап бошлабди деҳқон, — манави одамнинг касофатига мен энг қиматли ўғитимдан айрилдим. Энди нима қиламан? Оиламни қандоқ боқаман? Мен ўғитни даламга олиб кетаётувдим. Маълумки, ўғит бўлмаса, дуруст ҳосил ололмайман, ҳосил бўлмаса, бола-чақам очликдан ўлиб қолиши мумкин.

Ҳакам унинг гапини эшитиб, даъвосини тўғри деб топибди. Кейин у олимга сўз берибди.

— Сиз нима дейсиз, — деб гап бошлабди олим, — мана шу эгнимдаги кийимим қанча туради? Ахир манави галварс либосимни бутунлай расво қилди-ку!

«Ҳа — деб ўйлабди ўзича ҳакам, — бу либосинг сенга жуда қимматга тушган. Сен кўча-кўйда тумшугингни кўтариб керилиб юришинг учун вақтинги ҳам, ақчангни ҳам аямагансан. Энди, келиб-келиб, мана шу қашшоқ деҳқондан товон талаб қилмоқчимсан?»

Лекин овоз чиқариб олимга бундай дебди:

— Тўғри, деҳқон сенга товон тўлаши керак.

— Ие, мен қаёқдан оламан товон пулини? — дебди деҳқон аччиғланиб. — Ахир тушинтирдим-ку сизга, оиламнинг тирикчилиги томорқамдан олинадиган ҳосилга боғлиқ деб! Мана, энди ўғитсиз ҳосил ҳам бўлмайди.

— Деҳқоннинг товон тўлашга ақчаси йўқ экан. Унда сен, майли деҳқоннинг юзига юз шапалоқ урақол, — дебди ҳакам олимга, — шу билан ораларинг очиқ бўлади.

Олим ҳукми ижро этишга киришиб, деҳқонни шапалоқлай бошлабди. Лекин у саксон икки марта шапалоқ урганида, бирдан ҳакам олимни сўроққа тутибди:

— Тўхта-чи, — дебди у, — сен ўзи қанақа мансабдорсан? Ҳарб иши бўйичами, ё фуқаро иши бўйичами?

— Ҳарб иши бўйича, — дебди олим.

— Шунақами ҳали? — дебди ҳакам, — фақат фуқаровий мансабдорларгина юз шапалоқ уришга ҳақли, ҳарбий амалдорларнинг ҳуқуқи эллик шапалоқдан ошмайди.

(Шуни айтиб ўтиш жоизки, қадимги Ҳитойда ҳарбий мансабдорларнинг ижтимоий аҳволи фуқаровий мақомдаги мансабдорларникига нисбатан анча паст бўлган.)

Сенга у неча шапалоқ урди? — деб сўрабди ҳакам деҳқондан.

— Саксон икки шапалоқ.

— Унда элликдан ортигини ўзига қайтаришинг мумкин.

Деҳқон севиниб кетибди ва ўттиз икки марта зилдай-зилдай шапалоқ уриб, олимнинг қулоғи тагида шунақанги «шовла қайнатибдики», бечоранинг икки лунжи чўғдек қизариб дўмбира бўлиб шишиб кетибди.

Олим билан деҳқон шу зайлда бир-бирларига «товон тўлашиб», кейин ўз йўлларига равона бўлишган экан.

ИККИ ҲУРЖУН

(Ўзбек халқ латифаси.)

Насриддин афанди Боғдодда қозилик қилганида, бир куни унинг олдида Салим ва Қосим исмли икки араб арз билан келибди.

Уларнинг шикоятидан маълум бўлишича, жануб-
диги шаҳарлардан бирида икковлари хурмо сотиб,
олиб, уни ҳар бири ўзининг қимматбаҳо жун хуржу-
нига солиб олган. Боғдодга қайтаётганларида улар шу
хурмони еб кун кечирганлар. Лекин гап шундаки, ке-
чилари Салим ўз хурмосини ейиш ўрнига, Қосимнинг
хуржунидаги хурмодан олиб еган, Қосим бўлса, Са-
лимнинг урмосини ўғирлаб еган.

Боғдодга келиб қарашса, икковларининг ҳам хур-
жуни бўм-бўшмиш.

Афанди уларнинг арзини эшитиб бўлгач, шундай
ҳукм чиқарибди:

— Қосим Салимнинг хуржунидан хурмо олиб еган,
Салим эса, Қосимнинг хуржунидан. Шунга қўра, Са-
лим Қосимнинг хурмосини егани учун унга ўзининг
хуржунини берсин, Қосим бўлса, Салимга етказган
зиёни учун, унга ўзининг хуржунини берсин.

Салим билан Қосим қозининг ҳукмини бажари-
шипти.

— Энди, — дебди афанди, — маҳкама ҳаражатла-
рини қоплаш учун икковларинг хуржунларингни таш-
лаб кетасанлар.

Шундай қилиб, Қосим билан Салим ҳам хурмо-
дан, ҳам хуржундан айрилиб маҳкамадан икки қўл-
ларини бурунларига тиқиб чиқиб кетган эканлар.

ҚАЙЛИҚЛАР ВА ҚАЛЛИҚЛАР ҲАҚИДА БАҲСЛАР

БОЙЛИК ОРТТИРГАН ЯХШИМИ Е ДУСТ ОРТТИРГАНМИ?

(Ҳабашистон)

Бир замонлар учта ҳакам ўтган экан, учовларига
ҳам худо беадад ақлу идрок ато этган экан. Улар бир-
бирлари билан тотув яшашар ва низолашган одам-
ларни ҳамиша ҳамжиҳатлик билан мурсога келти-
ришар экан. Бу мўйсафидлардан иккитаси учинчи
ҳамкасбларини гоят даражада иззат-ҳурмат қиларкан-
лар, зеро у қария ҳаммалари ичида энг оқил, энг
фозил ҳисобланар экан. Мабода икки ҳакам бирон қа-
рорга келаолмаса, албатта шу донишманд қария олдига
маслаҳат сўраб борар экан. Лекин бу қария наинки ўз
касбдошларига, балки жуда кўп бошқа одамларга ҳам
насиҳатлари ва маслаҳатлари билан доим ёрдам қилиб

келар экан. Бу донишманд қариянинг доврўғи бутун мамлакатга тарқалибди. Унинг биттагина қизи, ҳам-касб дўстларининг эса, биттадан ўғли бор экан. Ҳакамларнинг болалари бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшаб, биргаликда ўсиб улғайишипти. Улар балогатга етиб, турмуш қурадиган бўлганларида ҳам, ўрталаридаги самимий меҳр-оқибат туйғуси заррача завол кўрмабди. Йигитчаларнинг оталари фрзандларининг бошини иккита қилиш ҳақида ўйлай бошлашипти. Лекин таажжубки, улар бу борада бир-бирлари билан маслаҳатлашишни эп кўришмабди. Шундай қилиб, ўша ҳакамлардан бири қизи бор донишманднинг уйига ўз одамини совчиликка юборибди.

— Қизингизни соҳибимнинг ўғлига бераркансиз. — дебди совчи бориб.

Қизнинг отаси совчининг гапини эшитиб бўлгач, ғуломларига, уни яхшилаб меҳмон қилиши буюрибди. Совчи меҳмон бўлиб ўтирганида, иккинчи ҳакамнинг одами ҳам худди шундай таклиф билан ташриф буюрибди. Шунда қизнинг отаси:

— Бу совчини ҳам меҳмон қилинглар, аммо унга ҳеч нима гапирманглар, — деб буюрибди ғуломларига. — Майли, иккала совчи бир-бири билан учрашсин.

Иккинчи совчи дастурхонга ўтирганида, биринчи совчи овқатланиб бўлиб ўрнидан турибди ва уй соҳибни билан хайрлашгани ташқарига чиқибди.

— Жуда яхши-да... Нега энди бермас эканман қизимни? — дебди мезбон. — Мен уч ой муҳлат берман. Бориб соҳибингга айт, шу вақт ичида тайёргарлигини кўриб қўйсин.

Биринчи совчи жўнаб кетибди. Салдан кейин иккинчи совчи ҳам худди шундай жавоб олиб, донишманднинг уйидан чиқиб кетибди. Лекин биринчи ҳакам ҳам, иккинчи ҳакам ҳам, — икковлари ўзларича, донишманд менинг ўғлимни куёв қилади, деб умидвор бўлиб, бу ниятларини бир-бирларидан сир тутушипти.

Мана, совчилар қайтиб бориб, ҳар бири қизнинг отаси — муҳтарам ҳакамнинг жавобини ўз соҳибига етказибди.

— Наҳотки мен муҳтарам ҳакам айтган жумбоқли жавобнинг мағизини чақа олмасам? Йўқ, биз аноийлардан эмасмиз! — дебди йигитлардан бирининг

отаси ва ўглини ёнига чақириб олиб, унга шундай иш буюрибди: — Ўғлим, уч ой бир пасда «гув» этиб ўтиб кетади: шунинг учун, сен кўпроқ ер сотиб олиб, шундай ҳашаматли, данғиллама иморат қургинки, у кошоналарда ўзинг билан хотининг ҳам яйраб-яшиш кун кечирадиган, меҳмонларингнинг ҳам бахридиди очиладиган бўлсин...

Иккинчи йигитнинг отаси бўлса, ўғлига бундай дебди:

— Донишманд одамнинг жумбоқлари гоят чигал бўлади. Илло ҳали шу чоққача мен чигалини ечмаган жумбоқ бўлмаган. Ўғлим, ёнингга кўпроқ ақча олиб дарҳол йўлга туш. Имконинг борича кўпроқ ёрдўст орттир ўзингга. Биламан, анча-мунча дўстларинг бор. Лекин улар камлик қилади. Бўлажак қудамизнинг «тайёргарлигини кўрсин», деган сўзининг тағиди айнан шу маъно ётган бўлиши керак.

Ниҳоят орадан уч ой ўтиб, орзиқиб кутилган кун ҳам келибди.

— Ҳакамлардан бири ўз хизматкорини қизнинг отаси олдига жўнатаркан, унга шундай дейишни буюрибди:

— Мана, сиз тайинлаган кун етиб келди. Соҳибим тўй тарадудини кўриб бўлдилар.

Иккинчи ҳакам ҳам шундай қилибди.

Шунда қизнинг отаси бир мунча қарияни уйига чақириб, зиёфат қилибди ва улардан маслаҳат сўрабди:

— Менинг фақат биттагина қизим бор. Лекин иккала дўстим ҳам ўзаро келишмай туриб қизимга оғиз солишипти. Ўзингиз биласиз, мен қизимни иккига бўла олмайман. Маслаҳат беринглар, қайси йигитни куёв қилай?

Қариялар унга шундай жавоб қилишипти:

— Бу борада сенга маслаҳат бера олмаймиз: бу умр савдоси. Одатда, бизлар бирон масалани ечишга қийналганимизда, ҳамиша сенинг олдингга маслаҳат сўраб келамиз. Қани, ўзинг айтақол, қандай маслаҳат беришимизни истайсан?

Меҳмонлардан дурустроқ бир маслаҳат чиқишига кўзи етмаган ота гапни яна ўзи давом эттирипти:

— Ундай бўлса, буёғини эшитинглар. Мен дўстларимга тўй тадоригини кўриш учун уч ой муҳлат берган эдим. Мана, ўша айтган вақтим етиб келди. Бир дўстимнинг ўгли катта ер сотиб олиб, ўзи ва меҳмонлари учун данғиллама, муҳташам иморат қуриб-

ди. Иккинчи дўстим ўглига кўпроқ ёру дўст орттиришни маслаҳат берибди. Гап мана шунақа. Энди айтинглар-чи, сизлар менинг ўрнимда бўлсангиз, нима қилган бўлардингиз?

Қариялар бу жумбоқни ечишни яна мезбоннинг ўзига ҳавола қилишипти:

— Боя сенга айтдик: бу масалани ҳал қилиш бизнинг қўлимиздан келмайди.

Шундан кейин қизнинг отаси гап бошлаб, ўз аҳдини баён қилибди:

— Ортиқча ер-сув, данғиллама иморатлардан нима наф? Худо кўрсатмасин, бирон фалокат ё табиий офат юз берса, ҳаммаси барбод бўлади: қуюн уйлари вайрон қилиши, ёнғин ё сел уларни кул қилиши ё ювиб кетиши мумкин. Тасодифни тўсиб бўлмайди. Лекин агар ёру биродарларинг кўп бўлса, бошингга оғир кулфат тушганда, ҳеч бўлмаса биронтаси ёрдам қўлини чўзади-ку. Шунга кўра, мен ёлғизгина қизимни мана шу дўст ортирган йигитга бераман. Бу қарорим сизларга маъқул тушадими, йўқми, бари-бир мен бу сўзимдан қайтмайман.

Шу гапдан кейин қариялар унинг тўғри иш тутганини эътироф этишиб, ақлу заковатига қойил қолишган ва унга таҳсинлар ўқишган экан.

ҚАЙТА ТИРИЛГАН ОВЧИ

(Конго дарёсининг қуйи оқимида яшовчи баконго элати)

Матенда исмли бир овчи ўтган эди. Унинг учта хотини бўлиб, учови ҳам кўп мўъжизакор эди. Хаттоки бу хотинларнинг исмлари ҳам уларнинг ажойиб лаёқат соҳибалари эканлигидан далолат берарди. Мана эшитинг: биринчи хотиннинг исми Ндозанту бўлиб, бу «Уйқусида ҳақиқатни кўрувчи» деган маънони билдирарди. Иккинчи хотиннинг исми — Сонганзила, яъни «Йўл кўрсатувчи», учинчи хотиники бўлса — Фулла-Фулла, яъни «Улганларни тирилтирувчи» деган маънони билдирарди.

Матенда жуда зўр овчи эди. Шу сабабли унинг хотинлари ҳеч қачон гўштдан сиқилмасдилар. Лекин бир йили мамлакатда қурғоқчилик бўлиб, эл боши-

ги оғир кунлар тушди. Юртда очарчилик бошланди. Одамлар очлик азобидан қаттиқ қийнала бошладилар. Матенданинг хотинларида ҳам егулик деч нима қолмади. Улар очликдан озиб чўп бўлиб кетишди ва эрларига ёлвориб: агар овга чиқиб, нима қилиб бўлмасин, гўшт топиб келмасанг, очимиздан сирилиб ўламиз, деб зор-зор йиғлашди.

Матенда қўлига милтигини олиб, ўз қишлоғи яқинидаги ўрмонга ов қилгани жўнади, лекин у ерда биронта ҳам жонзодни учратмади. Шундан кейин яна узоқроқ ўрмонга ов ахтириб кетди. Уша ёқда у қўтос изини кўриб қолди ва унинг пайига тушиб, орқасидан қувиб кетди. Мана, ниҳоят Матенда ўша қўтосни кўрди. У товуш чиқармай, оёқ учида пусиб бориб, қўтосга яқинлашди ва ўқ отиб уни ўлдирди. Лекин фалокатни қарангки, овчи милтигини қайта ўқлашга улгурмай, чангалзор ичидан бир урғочи қўтос ўқдай отилиб чиқди-ю Матендага ташланди ва уни, кўз очиб юмгунча вақт ўтмай, сузиб ўлдирди...

Энди гапни Матенданинг хотинларидан эшитинг. Улар эрларининг овдан қайтишини узоқ кутишди, лекин Матендадан дарак бўлмади. Ахири, бу интизорликка чидай олмаган Ндозанту ётиб ухлаб туш кўрди. Тушида қараса, эри Матенда бир ўрмонда отиб ўлдирилган қўтос ёнида ўлиб ётганмиш. Аёл уйғониб, кўрган тушини кундошларига сўзлаб берди. Кундошлари бу аёлнинг сеҳрли мўъжиза соҳибаси эканлигини билишарди. Шунинг учун, Матенданинг ҳақиқатан ҳам ўлганлигига ишонишди.

— Юринглар, — деди шунда иккинчи хотин Сонганзила, — мен сизларга эримизнинг олдига борадиган йўлни кўрсатаман.

Шундан кейин уч кундош йўлга тушди. Улар кўп юришди, қўп юришса ҳам мўл юришди, ўрмонлардан ўтишди, дарёлардан кечибди, тоғлардан ошишди. Ниҳоят ярим кечада эрлари Матенда ўлиб ётган ерга етиб боришди.

Шу маҳал учинчи хотин — Фулла-Фулла аллақандай шифобахш гиёҳларнинг томирлари ва баргларины йигиб-териб келиб, уларни ёндирди ва эрининг жасади устида афсун ўқий бошлади. Во ажаб! Матендага жон кириб, у ўрнидан турди.

Эр кўзини очиб ўрнидан турган ҳамоно уч кундош ўртасида, гўштнинг кўпроқ қисми қай бирлари-

га тегиши кераклиги ҳақида баҳс бошланди. Бу баҳс борган сари авж ола бошлади: гап Матенданинг қайта тирилишига қайси хотин кўпроқ ҳисса қўшгани ва энди уларнинг қай бири бош хотин бўлиши ҳақида борарди.

— Агар мен эримнинг ўлганини тушимда кўрмаганимда, ҳалигача унинг йўлига кўз тикиб, юм-юм йиғлаб ўтирган бўлардик, — деди Ндозанту.

— Борди-ю мен сизларни эрим ўлиб ётган ерга бошлаб келмаганимда, шу пайтгача унга аза тутиб уйда ўтираверардик, — деди Сонганзила.

— Лекин агар мен бўлмаганимда, сизларнинг бу кароматингиздан сариқ чақалик ҳам наф чиқмасди, — деб эътироз билдирди Фулла-Фулла. — Агар мен эримизга жон киритмаганимда, ҳозир уни дафн қилган бўлардик.

Улар тортиша-тортиша ахири учовлари учта қозонда гўшт пиширадиган бўлишди. Матенда биринчи бўлиб қайси хотинининг қўлидан гўшт олиб еса, ўша овчининг бош хотини бўлади ва бундан буён овчи олиб келадиган ўлжанинг кўпроқ қисми ўшанга тегади, деган қарорга келишди. Улар шундай қилишди ҳам: ҳар бир хотин бир бўлақдан қўтос гўшти-ни кесиб олиб, ҳар қайсиси уни ўз қозонида пиширди. Овқат пишгач, учовлари Матенданинг олдига келишди.

Овчи анча вақтгача ўйланиб туриб, ниҳоят Фулла Фулла узатган гўштни олди ва хотинларига юзланиб шундай деди:

— Гарчи сен, Ндозанту, мени тушингда кўрган бўлсанг ҳам, то мени топмагунларингча, гўшт пишириб бера олмасдинг. Сен, Сонганзила, мен ўлиб ётган ерни топдинг, лекин шунда ҳам, барибир, ҳеч нима еяолмасдим, негаки, ўлиб ётган эдим. Аммо Фулла-Фулла менга жон киритди, энди, мана у узатган гўштни ея оламан. Демак Фулла-Фулланинг совғаси ҳам-ма нарсадан азиброқ.

Шу гапдан кейин хотинлар можароси барҳам топди, кейинчалик ҳамма одамлар, Матенданинг тўғри йўл тутгани ҳақида гапириб юришди. Лекин кўпчилик аёллар овчининг қарорини адолатсиз деб топишди.

— Матенда, — дейишди улар, — учала хотини пиширган гўшздан олиб, ҳаммасини омухта қилиб ейи-

ни керак эди. Шундагина тўғри иш қилган бўларди.

Шундай қилиб, нима яхшию нима ёмонлиги аниқланмай, жумбоқ бўлиб қолаверган экан.

УЧ ҚАИЛИҚ

(Тоғо)

Бор экан, йўқ экан, уч оғайни бор экан. Уларнинг исмлари: Тамме, Домбеу ва Камбеу экан. Гарчи бу йигитлар бошқа-бошқа қабиланинг фарзандлари бўлишса ҳам, уларнинг қадрдон дўст бўлиб яшашларига ҳеч нима монелик қилмас экан.

Тасодифни қарангки, кунларнинг бирида, бу йигитлар бир-бирлари билан келишмай туриб, учовлари ҳам Йелле исмли битта қизга ошиқ бўлиб қолишипти. Йелле қўли гул, йишчян қиз экан, ундан кейин, турмушга чиққанида унга бериладиган сеп ҳам жуда бебаҳо экан, шунинг учун не-не йигитлар бу қизга уйланиш иштиёқида юрар экан.

Шундай қилиб, уч оғайни бир-бирларининг ниятидан беҳабар ҳолда, Йелле билан учраша бошлашипти, улар ҳар келишганида қизга кўп-кўп совға-салом олиб келишар экан... Шу зайлда орадан анча вақт ўтипти, лекин йигитларнинг биронтаси ҳам Йелленинг кўнглини овлай олмабди.

Кунларнинг бирида қизнинг онаси унга шундай дебди:

— Қизим, учала йигит ҳам бир-биридан яхши, бири-биридан ўктам. Учови ҳам қимматбаҳо совғалар олиб келяпти сенга. Учовининг ҳам нияти сенга уйланиш. Кел, улардан биттасини ўзинг танла энди. Лекин қайси бирини танласанг ҳам хато қилмайсан.

— Вой, ойижон, — дебди Йелле, — мен танлай олмайман. Ўзингиз танланг.

— Ахир эрга сен тегасан-ку, қизим, куёвни ўзинг танлашинг керак, — дебди онаси. — Бўлмаса, кейинчалик, бирон сабаб билан эринг сенга ёқмай қолса, ёмон куёв танлаган экансиз, деб мендан ўпка қилиб юрма тагин.

— Барибир, мен танлай олмайман, ойи, — дебди қиз.

— Қайси йигит сизга маъқул бўлса, ўшанга тегавераман.

Шу гапдан кейин она ўз қишлоғидаги бир донишманд кампир олдиға маслаҳат сўрагани борибди.

— Мушқулимни осон қилинг, айланай эгачи! — дебди у кампирга юзланиб. — Менинг қизимга бир йўла учта йигит ошиқ бўлиб қолди. Учови ҳам қизимга уйланиш ниятида, уйимизга кун-узу кун қиммат-баҳо совғалар кўтариб келмоқда. Лекин қизимнинг ҳам, менинг ҳам бодимиз қотган: улардан қай бирини қуёвликка танлашни билолмаяпмиз.

— Бунинг ҳеч кийин ери йўқ, — дебди кампир. — Уша қайлиқлар яна келишганида, қизингни яшириб қўйгин-да, уларга, қизим ўлди, деб айт. Шундан кейин, олиб келган совға-саломларингизни олиб кетинглар, деб таклиф қил. Уша заҳотиёқ қайлиқларнинг қизингга қанчалик вафодор эканлигини билиб оласан-қўясан.

— Хўп бўлади. — дебди она. — Худди айтганингиздек қиламан.

У уйига бориб қизини яшириб қўйибди ва Таммега ҳам, Домбеуга ҳам, Камбеуга ҳам: «Уйимга бир келиб кетинглар. Қизим қаза қилди. Энди унга ҳадя қилган совғаларингизни қайтиб олинглар», деб айтгани одам юборибди.

Мана, учала йигит ҳам дарров етиб келибди. Тамме бошини ҳам қилиб, маъюс оҳангда дебди:

— Майли мен розиман. Совғаларимни қайтариб берақолинг. Йелле бўлмаса, бошқасида. Шукр, бўйи етган қизлар сон мингта! Совғани ўшалардан биронтасига бераманда, уйланаман-оламан.

Шундан кейин Тамме совғаларини олиб жўнаб кетибди.

Домбеу ҳам бошини қуйи эгиб, гамгин оҳангда дебди:

— Мен ҳам розиман. Совғаларимни қайтариб берақолинг. Йелле ўлган бўлса, бошқа қизга уйланақоламан. Шукр, бўйи етган қизлар қабиламизда қалашиб ётибди. Ушалардан биронтасини танлаб, совғани бераману, уйланиб оламан.

У ҳам совғасини қайтариб олиб жўнаб кетибди. Лекин Камбеу бошини эгганча, чурқ этмай тураверишти.

— Хўш, сен-чи? — деб сўрабди ундан Йелленинг онаси.

— Бошимга ураманми энди у совғаларни? — деб

жавоб қилибди Камбеу. — Гарчи атрофда бўй етган қизлар кўп бўлса ҳам, Йелле мен учун дунёда ягона эди. Мен фақат уни севардим.

Йигит шундай дебдию ҳеч нима олмай уйдан чиқиб кетибди.

Орадан тўрт ой ўтибди. Шунда Йелленинг онаси учала йигитни яна чақиртирибди ва уларга:

— Йелле ўлмаган эди. У тирик! — деб айтибди.

У қизини уйдан олиб чиқиб йигитларга кўрсатибди, сўнг Домбеу билан Таммега қараб бундай дебди:

— Сиз икковингизни менинг қизим эмас, қизим учун бериладиган бебаҳо сеп қизиқирган. Сизлар қизимни севмагансиз.

Кейин у Камбеуга ўгирилиб дебди:

— Сен Йеллени ҳақиқатан севар экансан. Қизим сен учун ҳар қандай мол-давлатдан ҳам азизроқ экан! Шу сабабли мен сени куёв қиламан.

Шундай қилиб, гўзал Йеллега Камбеу уйланган экан.

СОҲИБЖАМОЛ ЛАКШМИ-ДЕВИНИНГ ҚАЙЛИГИ КИМ?

(Непал)

Бир мамлакатда Дҳанапал исмли бир савдогар ўтган экан. У аҳли тижорат ичида энг софдил ва саҳоватли одам бўлиб, ҳамманинг эъзоз-эътиборига мушарраф бўлган экан. Шунинг учун бўлса керак, бойлик маъбудаси Лакшми ҳам унинг хонадонини ҳеч маҳал тарк этмас экан. Кунлардан бир кун бу хонадонда ҳусну латофат ва фазлу камолотда ўттиз иккита олижаноб фазилат соҳибаси бўлмиш маъбуда Лакшмига қиёс қилса арзигудек қиз тугилибди. Шу боис чақалоққа маъбуда шарафига Лакшми-деви деб исм қўйишипти. Дҳанапалнинг бу қизалоқдан бошқа яна учта балогатга етган ўғли бўлиб, улар мудом оталарига тижорат ишида ёрдамлашар эканлар. Бу оила узоқ йиллар ҳеч қандай ташвиш, гам чекмай, роҳатда-фароғатда кун кечирибди. Лекин кейинги пайтларда Дҳанапалнинг хотини, гўё аччиқ бир дард ич-этини кемираётгандай, кун сайин ранги ўчиб, қони қочиб, чўлдай озиб кетаверибди.

Хотинининг бундай нохуш кайфиятда юришидан хавотирланган савдогар, сени нима безовта қиялпти

ўзи, деб қайта-қайта сўрайверибди. Ниҳоят хотини ёрилиб, эрига шундай дебди:

— Мен ёлғизгина қизимизнинг қисматидан қаттиқ ташвишдаман. Қошқийди, Лакшми-девиға яхши бир куёв топилса-ю, бутун умр саодатда яшаса. Шунда қалбимдаги изтироб барҳам топган бўларди.

Дҳанапал хотинини жуда ҳам яхши кўрарди. Шунинг учун унга; ҳеч ташвиш тортма, қизимизга албатта энг яхши қайлиқ топамиз, деб ваъда қилибди ва эртаси куни эрталабданоқ берган ваъдасини бажаришга киришибди: у учала ўғлини чақириб, сингиллари Лакшми-девиға қайлиқ қидириш учун, бирини мамлакатнинг шимолига, иккинчисини — мағрибга, учинчисини — машриққа жўнатибди, ўзи бўлса, жануб томонга йўл олибди.

Лакшми-девининг отаси ҳам, акалари ҳам унга қайлиқ қидириб жуда кўп шаҳару қишлоқларни кезиб чиқишибди. Қизнинг ҳусну-жамоли ҳақидаги овоза бутун мамлакатга таралган экан, шунинг учун барча навқирон йигитлар бу соҳибжамолнинг васлига етишмоқни орзу қилишар экан. Энди ана шу ошиқ йигитлар ичидан энг сарасини танлаш лозим эди. Бу вазифа анча оғир бўлишига қарамай, қизнинг отаси ҳам, акалари ҳам биттадан куёв танлашиб, улар билан тўй қунини келишиб олишибди. Тасодифни қарангки, ҳаммалари гўё тил бириктиргандек, никоҳни битта кунга тайинлашибди.

Уйга биринчи бўлиб савдогар қайтиб келибди. У қизига куёв топгани ва никоҳ қунини келишиб олгани ҳақидаги хушxabарни хотинига айтиб, унинг кўнглини кўтарибди. Шу пайтдан бошлаб савдогар хонадонда қизгинлик билан тўй тараддуди кўрила бошлабди.

Бу аснода савдогарзодалар ҳам ўз сафарларидан қайтиб келишибди. Қарашса, уйларида тўй тараддуди авжида, никоҳ куни ҳам айнан улар келишиб келган кунга тайинланган. Лекин қизиги шундаки, уч оға-инининг биронтаси бизнинг куёв танлаганимизни ва никоҳ қунини тайинлаганимизни ота-онамиз қаёқдан билақолишипти, деб ўйлаб ҳам кўрмабди. Барча оила аъзолари тўй тараддудида ишга кўмилиб кетганликлари сабабли, бафуржа ўтириб суҳбатлашишга ҳам қўллари тегмабди. Ундан кейин, никоҳ бўладиган кун бир эмас, тўртта куёв мамлакатнинг тўрт

томонидан етиб келишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмабди.

Ниҳоят тўйга ҳамма нарса шай қилинибди: қўни-қўшнилар таклиф этилибди, қариндош-уруғ, ёру биродарлар етиб келишибди; куёв ва унинг қариндошлари учун антиқа лаззатли таомлар тайёрланибди... Мана, ахири бир кун ва бир пайтда савдогарнинг уйига тўрт томондан тўртта куёв бошчилигида тўртта никоҳ маросими яқинлашиб кела бошлабди. Тўрт томонда қувноқ мусиқа садолари янграбди. Тўрттала маросим бир вақтда савдогар дарвозаси олдига келиб тўхтабди ва ҳовлига бир йўла тўртта куёв ўз хешлари, куёвжўралари билан кириб келибди.

Нима қилиш керак? Аввалига қизнинг ота-онаси ҳам, акалари ҳам додираб қолишибди. Биринчи бўлиб, бўлғуси келин ҳушини йиғиб олибди. У куёвларни ҳам йироқ-ёвуқдан келган ҳамма меҳмонларни ҳам дастурхонга таклиф этиб, уларни зиёфат қилишни буюрибди. Бу хонадонда меҳмон кутишни яхши билишгани сабабли, аввалига ҳамма нарса маромида давом этаверибди. Ниҳоят никоҳ ўқиладиган пайт келибди. Таомил бўйича, муқаддас гулхан ёқилиб, шу гулхан олдида келин куёвга топширилар экан. Браҳман — коҳинлар гулхан ёқишибди; сўнг илоҳий мадҳиялар ўқишиб, расм-таомил бўйича, гулханга гуруч соча бошлашибди. Энди фақат келин билан куёвнинг бармоқларини муқаддас ришта билан боғлаш қолибди. Лекин, ахир Лакшми-деви бирварақайига тўртта қайлиққа хотин бўла олмас эди-ку! Ваҳоланки, қайлиқларнинг ҳам ҳеч бири ўзига ваъда қилинган қиздан воз кечишни истамабди. Шунда Лакшми-деви қайлиқларига юзланиб:

— О, шавкатли йигитлар! — дебди. — Отам мени фақат биттангизга эрга бериши мумкин. Афсуски, сизлар тўртта бўлиб келибсиз. Лекин мен биттаман! Узларингиз яхшилаб ўйлаб кўриб, муросага келинглар ва қай бирингизга хотин бўлишимни ўзингиз ҳал қилинглар. Агар бордию биронтангиз ҳам мендан воз кечишни истамаса, унда бу жумбоқни, ижозатингиз билан, ўзим ҳеч бирингизга зиён етмайдиган қилиб ҳал этай.

Лекин шундай оқила ва соҳибжамол қиздан ким ҳам воз кечарди, дейсиз! Шунда куёвлар, майли, ўз қалбинг даъвати билан иш кўрақол, деб илтимос қи-

лишибди қиздан. Лакшми-деви алла қачон бир қарорга келиб қўйган экан. У отаси билан онасига, сўнг оналарига таъзим қилибди-да, гулхан атрофини бир айланиб чиқиб, кутилмаганда ўзини оловга ташлабди.

Куёвлардан бири қайлигининг нобуд бўлганидан ҳайратга келиб; «Мен беҳосдан бир бегуноҳ хилқатнинг ўлимига зомин бўлдим, энди қандай қилиб бу дунёда бош кўтариб юраман, — деб ўйлабди. — Ахир бу ёруғ дунёда изтироб чекиб яшаганимдан кўра ўлганим яхши эмасми! Ҳа, бу руҳий азобдан қутилишнинг бирдан-бир йўли — қайлигим орқасидан бориш. Баски у билан қовушиш бу дунёда насиб этмаган экан, уни у дунёда топиб оламан». Шундай деб ўйлаб у ҳам ўзини гулханга отибди.

Иккинчи қайлиқ Лакшми-девининг ўлиmidан кейин умрбод жаҳонгашталиқ қилишга ва бутун ҳаётини марҳума қаллигининг хотирасига бағишлашга аҳд қилибди.

Учинчи қайлиқ бўлса, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бамайлихотир уйига жўнаб кетибди ва борган заҳоти бошқа бир қизга уйланиб олибди.

«Марҳума менга тегмай ўлиб кетди-ку. Ахир унга нисбатан қандай мажбурият бўлиши мумкин менда?» — деб ўйлабди у.

Фақат охирги қайлиқ тақдирга тан беришни истамабди ва қандай қилиб бўлмасин, ўз қаллигини ажал чангалидан тортиб олишга аҳд қилибди. Йигит шундай эзгу ниятлар билан сафарга жўнабди. Кунларнинг бирида у бир аллома браҳманнинг уйига бориб унга шогирд тушибди. Браҳман анча вақтдан бери муқаддас жойларни зиёрат қилишга шайланган экану, лекин уйини кимга ташлаб кетишини билмай, ниятини юзага чиқараолмай юрган экан. Мана, энди у то хотини билан муқаддасгоҳни зиёрат қилиб қайтгунча уй-рўзгор ишларини бошқариб туришни ўз шогирди — жаҳонгашта йигитдан илтимос қилибди. Браҳман тўрт ойда қайтиб келишини айтиб. Йигитга, у йўғида уйдаги китобларни мутолаа қилишни ва шу йўл билан мантрани, яъни сеҳр-жоду сирларини ўрганишни маслаҳат берибди.

Кунларнинг бирида йигитнинг қўлига ажойиб бир китоб тушиб қолибди: бу китобда ўлган одамни қандай қилиб қайта дунёга келтириш усули ёзилган экан. Йигит буни кўрибди-ю, севинганидан кўнгли тоғдек

ўтарилиб кетибди — негаки у ўз қаллиғини қайта-ан тирилтириш ниятида юрган эди-да. Тўрт ойдан ейин браҳман зиёратдан қайтиб келибди, шу заҳо-и йигит унга уйни бекаму кўст топширибди-да, дар-ол Лакшми-девнинг юртига равона бўлибди. У ни-оҳ тўйи кун муқаддас гулхан ёнган ернй қидириб опибди ва ўша ерда ўзи ўрганган мўъжизавий афсун уосини ўқий бошлабди. У сеҳрли афсунни ўқиб бў-иши билан, кўз олдида Лакшми-деви намоён бўлиб-и, лекин ўшанда бу қизнинг орқасидан ўзини гул-ан ўтига отган қайлиқ йигит ҳам тирилибди.

Яна ўртада келин талаш бўла бошлабди. Энди икки дйлиқдан қай бири (қиз учун жонини фидо қилган игитми, ё уни қайта тирилтирганми?) куёвликка му-осиб эканлиги жумбоқ бўлиб қолибди ва бу жум-оқни ҳеч ким ҳал қила олмабди. Улар шу баҳс билан вора бўлиб турганларида, Лакшми-девнинг номини гзидан қўймай жаҳон кезиб юрган учинчи қайлиқ ам бу ерга етиб келибди. Энди келинга даъвогарлар чта бўлибди. Турган гапки, уларнинг ўзлари баҳсни у сафар ҳам ажрим қила олмабдилар. Лакшми-деви ам бу гал нима қиларини билмай гангиб қолибди. Ахири бўлмагач, ҳаммалари келишиб, ўзларини му-офот рожаси ҳукмига ҳавола қилишибди.

Рожа юз берган воқеадан воқиф бўлгач, ўз музо-ютидаги жамики ҳакамларни тўплаш ҳақида фар-юн берибди. Ана шунда Лакшми-девнинг қайлиқ-ари ҳакамлар анжуманига ўз баҳслари тўғрисида ўзлаб бериб, улардан адолатли ҳукм чиқаришни ил-имос қилишибди.

Ҳакамлар узоқ вақт кенгашишиб, ахири ўз ҳукм-арини эълон қилишибди:

— О йигитлар! Сизлар Лакшми-девидек соҳибжа-юл қизга уйланишни ихтиёр қилибсиз ва бу йўлда конингизни фидо қилиб кўп азиятлар чекибсиз — бу-лар ҳаммаси табиий ҳол, албатта. Лекин агарда сиз иларироқ, яъни Лакшми-деви сизлардан ўзаро муро-ага келишни илтимос қилганида бизга мурожаат қил-ангиз эди, бекорга бунчалик азоб чекмаган бўлар дингиз. Афсуски сизлар биздан жуда кечикиб мадад ўрадингиз. Лекин шунга қарамай, биз бугунги ва-иятдан келиб чиқиб, қуйидагича ҳукм чиқардик:

Биринчи. Келинга эргашиб ўзини оловга отган ва-ариги дунёга рихлат этган қайлиқ фақат аввалги

ҳаётида Лакшми-девиға уйланишни даъво қилиши мумкин эди. Ваҳоланки, бу иккинчи туғилишида у қизга қон-қариндошлик риштаси билан билан боғланиб қолган. Энди улар эгизакдирлар, бинобарин, қонун оға билан сингилнинг турмуш қуришини ман этади.

Иккинчи. Лакшми-девининг иккинчи марта дунёга келишига сабабчи бўлган одам ҳам унга уйлана олмайди, зероки энди у қизга ота бўлиб қолади. Шунга кўра, музофот рожасининг ҳакамлари бундай ғайри қонуний никоҳга руҳсат бера олмайдилар.

Учинчи. Юқорида зикр этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳакамлар бир овоздан шундай қарорга келдилар: Лакшми-девиға уйланиш ниятида бўлган учта қаллиқдан фақат учинчиси — ўз умрини марҳума хотирасига бахшида қилган ва Лакшми-девининг номини тилдан қўймай жаҳонгашталиқ қилган йигитгина қизнинг қайлиги бўлиши мумкин. Зеро бу йигит ўз қаллиғига бўлган вафодорлиги ва садоқатини айнан мана шу йўсинда исботлаган.

Ҳакамлар ҳукмини эшитган одамлар уни одил ҳукм деб эътироф этишибди ва соҳибжамол Лакшми-деви ниҳоят шу йўсинда турмушга чиқибди.

БАШОРАТЧИ, МЕРГАН, ҒАВВОС ВА АЗАЙИМХОН

(Кампучия)

Кунлардан бир кун тўрт оғайни кўҳна Таксила шаҳрига бориб, у ерда бир донишманд алломадан сабоқ олишибди. Йигитлардан бири — келажакни башорат қилишни, иккинчиси — ўқни бехато нишонга теккизишни, учинчиси — денгиз тубига шўнғишни, тўртинчиси бўлса — ўлганларни тирилтиришни ўрганибди. Шундан кейин тўртовлон устоз билан хайр-хўшлашиб, орқага — ўз юртларига равона бўлишибди. Улар кун ботар чоғида бир денгиз бўйига чиқишибди ва шу ерда тунаб қолишибди. Эрталаб уйғонишганида, башоратчи оғайниларига шундай хабар айтибди:

— Дўстларим, пешонамиз ярқираган экан, бизга бахт кулиб боқмоқда. Бир бургут қирол саройидан унинг соҳибжамол қизини ўғирлаб, ҳозир биз томонга учиб келмоқда.

Дўстлар ўзларини буталар панасига олишга энди

улгурган ҳам эканлар, осмонда бир баҳайбат бургут кўринибди; бургут бир қизни чангалига илиб, шу томонга учиб келаётганмиш.

Шунда мерган камонининг чилласини тортиб, бургутга қарата ўқ узибди. Уқ учиб бориб, қушнинг қоқ юрагига санчилибди. Бургут жон аччиғида чангалини ёйиб юборибди ва қирол қизи тўғри денгизга келиб тушиб, чўкиб кетибди. Шу заҳоти гаввос денгизга шўнғиб, қизнинг жонсиз жасадини соҳилга олиб чиқибди. Энди маҳорат кўрсатиш навбати азайимхонга келибди. У сеҳрли афсунлар ўқиб қизни тирилтирибди. Қирол қизи шу қадар гўзал эканки, тўрттала йигит ҳам бир қарашда унга ошиқ бўлиб қолибди.

Оқибат улар, бу қизнинг виқолига етиш учун мен кўпроқ хизмат кўрсатдим, деб ўзаро баҳслаша бошлашипти. Улар узоқ баҳслашишса ҳам, ҳеч бир тўхтамагга кела олмабдилар. Ахири бўлмагач, улар ҳакам ҳузурига боришипти. Лекин ҳакам ҳам уларнинг баҳсини ажрим қилиб бера олмабди ва тўрттала йигитни бошлаб тўғри қиролнинг ҳузурига борибди.

Қирол йигитларнинг баҳсини тинглаб бўлиб, шундай оқилона ҳукм чиқарибди:

— Башоратчи — қизимиз учун доно мураббий бўлсин, мерган унга оталик қилсин, азайимхон — оналик вазифасини ўтасин, гаввос эса, маликага садоқатли эр бўлсин, зеро у маликани денгиз қаъридан олиб чиқаётганда, уни бағрига босиб қучоқлаган.

Орадан бир оз вақт ўтгач кекса қирол қазо қилибди. Шунда қирол қизига уйланган гаввос тахтга ўтириб салтанатга ҳукмдор бўлибди. Алқисса, у ўзининг учта қадрдон дўстини унутмай, мудом уларга ғамхўрлик қилган экан.

КУЕВ ТАНЛАШ

(Нигерия — Камерун сарҳадининг икки томонида яшовчи *бура* элати)

Бир чолнинг Сангба исмли қизи бўлиб, у жуда ҳам гўзал экан, шунинг учун унга уйланиш иштиёқида юган йигитларнинг сони-саноғи йўқ экан. Лекин Сангбанинг отаси, қизига совчи бўлиб келган йигитларнинг ҳаммасига:

— Кимда-ким менга тирик бугу тутиб олиб келса,

қизимни ўшанга бераман, — деб жавоб қилар экан.

Бундай жавобни эшитиб, баъзи йигитлар шу оннинг ўзидаёқ қизга уйланишдан воз кечишар, баъзи бирлари эса, бугу тутгани ўрмонга жўнашар экан, лекин энг чопқир йигитлар ҳам бу вазифани уддалай олмай, ҳафсалалари пир бўлиб овдан қуруқ қайтар эканлар.

Кунларнинг бирида чолнинг олдига узоқ бир қишлоқдан икки навқирон йигит кириб келибди.

— Бизга Сангба деган қизнинг отаси керак эди, — дебди улар. Чол меҳмонларга пешвоз чиқиб, улар билан саломлашибди.

— Сангбанинг отаси мен бўлман, — дебди у. — Хўш, хизмат?

— Мен қизингизга уйланиш ниятида келдим, — дебди меҳмонлардан бири — Нила деган йигит.

Иккинчи йигит — Сефу ҳам шундай дебди.

Қизнинг отаси йигитларга шундай жавоб қилибди: — Менинг қизим фақат биттагина. Лекин сизлар иккита бўлиб келибсизлар. Қайси бирингиз менга тирик буғуни тутиб олиб келсангиз, қизимни ўшанга бераман.

Бу жавобни эшитган йигитлар буғу қидиргани ўрмонга жўнашибди. Бу ерда улар аввал буғунинг изини топишипти, унинг изига тушиб кетаверишган экан, салдан кейин буғунинг ўзини ҳам кўришипти. Кўришипти-ю оёқларини қўлга олганча унинг орқасидан қува кетишипти.

Сефу Нилачалик чопқир ва эпчил эмас экан, шунинг учун сал вақт ўтар-ўтмас, дўстидан орқада қолиб кетибди, ҳолдан тойиб бир дарахт тагига бориб ўтирибди.

«Етар шунча югурганим, — дебди у ўзига ўзи. — Хотин оламан, деб ўрмонма-ўрмон буғу кетидан қувадиган анойи йўқ. Нима, шу Сангбага уйланиш ниятида энди жонимни жабборга бериб, то тилим осилиб қолгунча итдай югуришим керакми? Дунёда қизлар қалашиб ётибди. Ушалардан биронтасига осонгина уйлана қолсам бўлмайдимми? Ундан кейин, хотин олиш учун тирик буғу тутиб бериш одати қаёқдан чиққан ўзи? Мен ҳеч эпитмаганман бунақа таомилни. Яхшиси, шу ерда ўтириб оғайним Нилани кутақолай» — Сефу шундай хаёлга чўмиб ўтириб пинакка кетибди.

Бир вақт уйғониб кетиб кўзини очса, Нила оёқла-

ри боғланган бир буғуни елкасига ортмоқлаб келаёт-
гнмиш.

— Мана, тутдим тирик буғуни, — деб ҳайқи-
рибди суюниб кетган Нила. — Буни чолга олиб бо-
риб бераман. Ҳазир буш келмадим: ахири қувиб етиб
тутиб олдим. Нимага десанг, мен Сангбани жудаям
яхши кўраман!

Икки дўст биргаликда қишлоққа қайтишиб, буғу-
ни Сангбанинг отасига топширишибди. Чол буғуни
сўйиб, гўшtidан йигитлар учун овқат пиширишни
буюрибди. Мана, буғу гўшtidан ҳозирланган таом
дастурхонга тортилибди. Шунда чол икки ўртоққа
юзланиб дебди:

— Қани, гўшtidан олинглар, азизлар. Марҳамат,
тортинманглар. Никоҳ масаласида овқатдан кейин ба-
фуржа гаплашаверамиз.

Зиёфатдан кейин қизнинг отаси қишлоқ оқсоқол-
ларини йигиб, уларга шундай маслаҳат солибди:

— Ҳаммангиз яхши биласиз, менинг биттагина қи-
зим бор. Сангба. Мен уни жонимдан ортиқ яхши кў-
раман. Ҳозир қизимга қайлиқ танлашим керак. Қай-
лиқ, албатта, яхши тарбия кўрган, дили пок, сахо-
ватли одам бўлиши шарт. Манави икки йигит қизим-
га уйланиш ниятида келишибди. Мен уларга олдин
тирик буғуни тутиб келинглари, деб шарт қўйдим. Ле-
кин икковлари биргаликда фақат битта буғу тутиб
келишди. Нима учун бир йигит овдан куруқ қайтди-
кин? Ҳурматли оқсоқоллар, бу ишни аниқлаш сизлар-
га ҳавола. Бу икки йигитдан қай бири менга куёв бў-
лишга лойиқ — буни сизлар ҳал қилинг.

Шунда оқсоқоллар икки йигитга мурожаат қили-
шпти:

— Билишимизча, икковингиз бу ерга бирга кел-
гансиз, — дейишпти чоллар ва икковингиз ҳам Санг-
бага оғиз солгансиз. Шундайми? Лекин буғуни бит-
тангиз тутгансиз. Айтинг, нега иккинчингиз овдан бу-
ғусиз қайтди?

Биринчи бўлиб Нила жавоб қилибди:

— Икковимиз ўрмонга бориб, буғуни қидиришга
тушдик, — дебди у. — Кейин уни кўриб қолиб кува
бошладик. Лекин дўстим Сефу мендан орқада қолиб
кетди. Мен бўлсам Сангбанинг ҳусни-жамолига бу-
тунлай мафтун бўлиб қолган эдим, шунинг учун то
буғуни тутиб олмагунимча, жонимни ҳам аямай, уни

қувиб кетавердим. Ахири тутдим, оёқларини боғлаб елкамга кўтариб олдим-да, орқамга қайтдим. Йўлда дўстимни учратдим. У чарчаб мени кутиб ўтирган экан. Кейин икковимиз биргалашиб буёққа келдик.

Гапириш навбати Сефуга келибди.

— Мен ҳали шу чоққача, уйланмоқчи бўлган одамнинг буғу тутиб келиши лозимлиги ҳақида ҳеч эшитмаган эдим, — дебди у. — Лекин шундай бўлса ҳам дўстим билан буғу овига жўнадим. Шояд овим бароридан келиб, буғуни тута олсам, деган ширин хаёл менда ҳам йўқ эмас эди, албатта. Аммо буғу шамолдек учқур экан. Мен унинг кетидан қувавериб роса чарчадим. Бир дарахт тагига бориб ўтирдим-да: «Бунақа ўпкамни қўлтиқлаб чопадиган бўлсам, тилим осилиб ўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас. Нима, дунёда қизларга қаҳат келганми? Бунақа машаққат билан Сангбага уйланганимдан кўра, осонгина бошқа биронта қизга уйланақолсам бўлмайдами?» — деб ўйладим. Шундай хаёллар билан мен дўстим Нилани кута бошладим. Бир вақт у елкасига бир буғуни ортмоқлаб келиб қолди. Кейин мен уни қишлоққача кузатиб қўйдим. Бор гап шу. Энди мен Сангбани хотинликка сўрамайман.

Оқсоқоллар ўзаро кенгашиб олишгач, шундай ҳукм чиқарибдилар:

— Сен, Сефу, буғуни қувиб тутишни истамабсан — демак, сен бизнинг куёвимиз бўласан. Нила буғу тутиб келди — бундан чиқди, у бир сўзли, қаттиққул одам. Башарти у биронта одамнинг жонига қасд қилгудек бўлса, уни бу ниятидан ҳеч ким қайтаролмайди. У одамларнинг таъна-маломатларига ҳам, ўғитларига ҳам парво қилмай, албатта кўзлаган ишини бажаради. Борди-ю қизимизни унга берсак, худо кўрсатмасин, Сангба бирон хато иш қилиб қўйса, бу йигит ҳеч кимнинг зор-илтижосига қулоқ солмай хотинини шафқатсизларча дўппослаши турган гап. Бизга бунақа куёв керак эмас. Сефу бошқача. У мулоҳазали. У қизимиз билан жанжаллашиб қолган тақдирда ҳам, биз уларни яраштириб қўйгани борсак, сўзимиз ерда қолмайди: у албатта ақл-фаросат билан иш кўради ва қанчалик дарғазаб бўлмасин, газабини тўшовлай олади. У оққўнгил ва беозор одам. Бинобарин, шу Сефу бизга куёв бўлади!..

(Филиппин оролларида яшовчи *пангасинан* элати)

Қадим-қадим замонда бир қишлоқда бадавлат бир одам яшаган экан. Унинг Суан, Илой ва Амбо исмли учта ўгли бўлган экан. Бадавлат одам илм-фанни жуда ҳам қадрлар экан, шу сабабли у учала ўғлини илм олгани шаҳарга жўнатибди. Лекин фарзандларнинг илм олишга унчалик иштиёқлари бўлмай, кўпроқ вақтларини бекорчилик, ўйинқароқлик билан ўтказишти. Таътил пайти келипти. Шунда ака-укалар уйга, оталари олдига қайтиб боришга истиҳола қилишиб, (ахир шунча вақт мактабда ўтириб, ҳеч қандай сабоқ олмаганларидан кейин, қай кўз билан оталарининг юзига боқсинлар?), жаҳонгашталиқ қилиб ўз бахтларини синамоқни маъқул кўриштипти.

Шундай қилиб, улар сафарга жўнабдилар. Йўлда уларга ошини ошаб, ёшини яшаган бир кампир рўпара келибди.

— Бўталарим, манави китобни сотиб олинглар, кам бўлмайсизлар! — дебди у бир китобни кўрсатиб.

— Бу китобингиз нима каромат кўрсатиши мумкин, бувижон? — деб сўрабди Амбо.

— О болагинам, — дебди кампир, — бу китобнинг ажойиб хосияти бор. Уни ўлган одамнинг жасади устида очсанг, жасадга жон кириб, ўрнидан туради.

Амбо ўйлаб-нетиб ўтирмай дарҳол китобни сотиб олибди, сўнг учовлон яна ўз йўлига равона бўлибди.

Салдан кейин улар яна бир кампирга дуч келиштипти. Буниси бўйра сотаётган экан. Биронта мўъжизали нарсани қўлга киритиш орзусида келаётган Илой, бу бўйрангизнинг қандай хосияти бор, деб сўрабди кампирдан.

— Бу бўйрада осмонга учса бўлади, — деб жавоб қилибди кампир. — Устига оёқ қўйсанг бўлди — бўйра ўша заҳоти сени хоҳлаган томонингга учуриб олиб кетади.

Илой шу заҳоти бўйрани сотиб олибди.

Кейин оға-инилар яна йўлга тушиштипти. Бир маҳал Суан ерда ётган иккита тошни кўриб қолибди: бу тошлар бир-бирига яқинлашиб қовушар ва битта дум-думалоқ, қоп-қора тошга айланар, кейин яна ажралиб икки томонга сурилар эмиш. Суан бу тошларни олиб чўнтагига солибди.

«Бу тошлар сеҳрли бўлиши керак, — деб ўйлабди у, — эҳтимол булар бошқа нарсаларни ҳам бир-бирига қовуштирар».

Ҳали кейинроқ кўрасиз — Суан янглишмаган экан. Энди учала оға-ини ҳам мўъжизакор буюм соҳиб бўлибди. Улар қувонганларидан бошлари осмонга етиб, сафарни давом эттирибдилар. Бир маҳал улар фарёд солиб йиғлаётган бир тўда одамни кўриб қолишибди. Бу одамлар қазо қилган бир гўзал қизнинг жасади устида кўзёш тўкаётган эканлар. Амбо бу аздор одамлар олдига яқин бориб, марҳуманинг ота-онасига, агар яхши ҳақ тўласангиз, қизингизни тирилтиришим мумкин, деб айтибди. Турган гапки, улар Амбонинг шартига жон-жон деб рози бўлишипти. Шунда Амбо марҳума қиз тепасига бориб, китобини очган экан, қиз шу заҳоти тирилибди. Бу пайт Илой бўйрасини ерга ёзиб, акаси билан укасига, қизни олиб тезроқ бўйра устига туриглар, деб қичқирибди. Ака билан ука Илойнинг айтганини қилишибди-ю, кўз очиб юмгунча вақт ўтмай, тўртовлари ўзларини бир денгиз соҳилида кўришибди.

Бу ерда улар бир кема олиб, узоқ юртларга сузиб кетишипти. Лекин денгизнинг қоқ ўртасига боришганда, бирдан даҳшатли довул кўтарилибди. Кучли пўртана кемани пора-пора қилиб юборибди. Яхшиям Суаннинг мўъжизакор тошлари бор экан. Бўлмаса ҳаммалари денгиз қаърига ғарқ бўлишаркан. Суан ўша ажойиб тошлари ёрдамида тилка-тилка бўлиб кетган тахталардан бир зумда бус-бутун кема тиклабди ва шундан сўнг ҳаммалари эсон-омон соҳилга етиб олишибди.

Улар соҳилга тушишлари билан бирдан қизни таллашиб қолишибди.

— Бу қиз меники бўлиши керак, — дебди Амбо, — ахир уни мен тирилтирдим-ку!

— Йўқ! — эътироз билдирибди Илой. — Менинг бўйрам бўлмаганида, бу қиз ёнимизда бўлмасди ҳозир.

Суан бўлса:

— Вей, нима деяпсанлар ўзи — дебди. — Мен бўлмаганимда ҳаммаларинг сувга чўкиб ҳалок бўлардиларинг-ку! Унда бу қиз биронтамизга ҳам насиб этмасди.

Уч оға-ини бир-бирлари билан ҳеч келиша олма-

гич, ўз баҳсларини қирол ҳукмига ҳавола қилишибди. Қирол, қиз уч нимтага бўлинсин ва уч оға-инига улашилсин, деб ҳукм чиқарибди. Ҳукм дарҳол ижро этилибди. Ҳар бир йигит ўз улушини олибди. Лекин Илой билан Амбони бундай ҳукм қаноатлантормабди. Қизнинг нимталанган жасади кераксиз матоҳ бўлгани у тун улар ўз улушларини ташлаб юборишибди. Лекин Суан сеҳрли тошлар ёрдамда бу ташландиқ нимталарни бирлаштирибди. Қиз яна тирилибди. Суан унга уйланиб саодатли умр кечирибди. Охиrhoқибат, уч оға-ини ичида энг омадлиги Суан бўлибди.

АФЗАЛЛИК ҲАҚИДА БАҲСЛАР

ЎЗИГА ҲАМ ЯХШИЛИКНИ РАВО КЎРМАЙДИГАН

БАДНИЯТ ОДАМ

(Афғонистон)

Бир куни йўлда учта одам учрашиб қолибди. Улар бир-бирларидан қаёққа кетаётгани, нима учун уйдан бош олиб чиқиб кетгани ҳақида сўраб-суриштиришибди.

Йўловчилардан бири бундай дебди:

— Бизнинг уругимизда хушбичим, ўктам йигитлар кўп. Уларнинг ҳашаматли салла-тўн, чиройли кавуш кийиб, тилла тақинчоқлар тақиб юргангани кўрсам, жигибийроним чиқади.

Иккинчи йўловчи ҳам худди шу сабаб билан уйини тарк этганини айтибди.

— Икковингиз ҳам менинг ичим экансиз, — дебди учинчи йўловчи. — Демак биз ҳамдардлармиз.

Шундай қилиб, бу уч йўловчининг дарди битта эканлиги аниқланибди ва энди улар бир-бирларига ҳамроҳ бўлиб йўлга тушибдилар. Бир маҳал улар йўлда кета туриб бир ҳамён топиб олишипти. Аввалига улар: «Келинлар, ҳамёндаги ақчани тенг бўлишиб оламиз-да, уй-уйимизга қайтиб кетамиз», деган қарорга келишибди. Лекин навбат пулни бўлишга келганда, учовлари ҳам пулнинг бир чақасини ҳамроҳларига раво кўришни хоҳламабди. Оқибат, улар топилган ақчани ўртада бўлиша олмабдилар. Шу зайлда улар кечаю кундуз, емай-ичмай, мижжа қоқмай, теварак-атрофда нималар бўлаётганига парво қилмай,

кўзларини «лўқ» қилиб ҳамёнга тикилиб ўтираверибдилар.

Уша кунларда бу йўлдан тасодифан ўша мамлакатнинг подшоҳи ўз вазиру вазаролари билан ўтиб қолибди. Подшо бир нуқтага тикилиб ўтирган уч ҳамроҳни кўриб, уларга: «Ким бўласизлар, бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар?» — деб савол берибди. Ҳамроҳлар бутун бўлган гапни: бу ерга қандай келиб қолганлари-ю, қандай қилиб ҳамён топиб олганларини, кейин топилмани ўртада бўлишиб ололмаётганларини ва энди мушкулларини осон қиладиган биронта доно одамнинг келишини кутиб ўтирганларини айтиб беришибди.

— Ундай бўлса, — дебди подшо, — ҳар бирингиз менга дилингиздаги ёвузлик меъерини ошкор қилинг. Шундан кейин мен ҳукм чиқаришим мумкин.

— Мен биронта ҳам одамни хурсанд қилишни хоҳламайман, — дебди ўтирганлардан бири, — ҳеч кимга ҳеч қачон ҳеч қандай яхшилик қилмасам дейман.

— Ие, сен жудаям яхши одам экансан, — дебди иккинчи ҳамроҳ. — Сенда ёвузликдан асар ҳам йўқ. Мана, мени ёвуз деса бўлади: агар биронта одамнинг бошқа бировга яхшилик қилганини кўрсам, фиғоним фалакка чиқиб анча вақтгача таъбим тирриқ бўлиб юраман.

— Икковларинг ҳам олижаноб инсон экансанлар, — дебди учинчи ҳамроҳ. — Тўғри, дилларингда озгина ёвузлик борлиги сезилиб, турибди. Лекин бари-бир, ёвузлик қилишда менинг олдимда сизлар ип эша олмайсизлар. Мен шунақанги ичи қора одамманки, ҳатто одамларнинг менга ҳам яхшилик қилишларини ёқтирмайман. Кошкийди, эзгулику меҳр-оқибат ер юзидан бутунлай ғойиб бўлса!

Подшо уч ҳамроҳнинг жавобини эшитиб, ҳайрон бўлганидан оғзи ланг очилиб қолибди. У узоқ вақт ўйланиб қолибди ва ниҳоят шундай фармон берибди:

«Биринчи йўловчи — мол-мулки мусодара этилиб, мамлакатдан бадарга қилинсин: баски у бошқаларга яхшилик қилишни истамас экан, унинг ўзига ҳам раҳм-шафқат қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ!

Иккинчи йўловчи қатл этилсин, зеро у одамларнинг бир-бирларига яхшилик қилганини кўрганида қаттиқ азобланар экан. Бинобарин, уни азоб чекишдан қутқармоқ мақсадида, қатл этишни мақбул кўрдик.

Учинчи йўловчи кишанбанд этилиб, жазирама офтобга қўйилсинким, бу бадкор шу зайлда азоб чекиб ўлсин!»

Шундай қилиб, учала ёвуз ҳам ўз феълига яраша жазога тортилибди.

Подшо амри шу ондаёқ ижро этилган экан.

МУҒОМБИР МУЛАДЕВАНИНГ ЖАВОБИ

(Ҳиндистон)

Рўйи заминда ўликларни куйдирадиган жой бор. У жойни Бҳутаваса яъни бхуталар (ёвуз руҳлар) маскани деб атайдилар. Бу масканда икки бхута — Карала билан Утала истиқомат қилар экан. Уларнинг хотинлари бўлиб, бирининг исми — Дхумапрабха, иккинчисиники — Мегҳапрабха экан. Иккала бхута эртаю кеч, менинг хотиним чиройли, сенинг хотининг хунук, деб баҳслашгани-баҳслашган экан. Кунларнинг бирида бхуталар ўз хотинлари билан сайр қилиб юришганда, бирдан Муладева деган одамни учратиб қолишипти. Шу заҳоти бхуталар унинг қўлидан ушлаб: «Мана шу икки аёлдан қайси бири гўзалроқ? — деб сўрашипти. — Агар ёлгон гапирсанг ўлдираман». Аммо иккала хотин ҳам шунақанги тасқара, шунақанги бадбашара эканки, уларга кўзи тушган одамнинг лабига қўрққанидан ўша заҳоти учуқ тошиб кетар экан. Муладева нима десин? Агар тўғриси айтса, бхуталар уни ямламай ютишади. У бироз ўйлаб туриб шундай жавоб қилган экан:

«Ҳар бир эр учун дунёда ўз маҳбубасидан гўзалроқ хилқат йўқ!»

Муғомбирлар муғомбирининг бундай доно жавобини эшитган ёвуз руҳлар уни шу заҳоти қўйиб юборган эканлар.

ИККИ АҲМОҚ

(Ўзбек халқ эртаги)

Иккита одам масжид олдида ўтирган экан. Шу пайт кўчадан бир отлиқ уларга салом бериб ўтибди. Иккала одам ҳам унинг саломига алик олибди.

Отлиқ сал узоқлашгач, бу икки одам баҳслашиб қолибди.

— Нега сен алиқ олдинг? — дебди бири иккинчисига. — Ахир отлиқ саломни менга берди-ку!

— Бе, кўйсангчи, ошна, у мен билан саломлашди, — деб эътироз билдирибди иккинчиси.

Улар баҳслашиб-баҳслашиб ҳеч қандай тўхтамга кела олишмабди ва бу ҳақда отлиқнинг ўзидан сўрашга қарор қилишипти. Лекин отлиқ, бу орада, анча узоқлаб кетган экан. Икки ошна ўпкаларини қўлтиқлаганча отлиқнинг орқасидан югуришипти. Ниҳоят улар отлиққа етиб олиб, уни йўл ўртасида тўхтатишипти-да, ҳаллослаб нафас олганча:

— Бизга айтиб кетинг, боя қай биримизга салом бериб ўтдингиз? — деб сўрашибди бараварига.

«Вой, овсарлар-е», — деб ўйлабди отлиқ мийғи-да кулиб кўяр экан, кейин уларга шундай жавоб қилибди:

— Қайси бирингиз аҳмоқ бўлсангиз, ўшанга салом бердим.

Шунда баҳслашувчилардан бири:

— Мен аҳмоқман! — дебди шоша-пиша.

— Бе, сенинг ниманг аҳмоқ экан? Мана, бизмиз аҳмоқларнинг аҳмоғи! — деб мақтанибди иккинчи одам. — Ҳеч ким менга тенг келолмайди аҳмоқликда.

— Ундай бўлса, — дебди отлиқ кулиб юборишдан ўзини зўрга тийиб, — қилган аҳмоқликларингиз ҳақида менга батафсил сўзлаб беринг. Фақат олдин биттангиз, кейин иккинчингиз сўзланг.

Мана, биринчи одам ҳикоя қила бошлабди:

— Илғари мен мактабда домлалик қилган эдим. Бир куни болалар сув солинган хумнинг ичига мўра-лаб, унда ўз аксларини кўришгану менинг олдимга югуриб келиб: «Домлажон, бориб қаранг, аллақандай бегона болалар хумга тушиб, сувни булғаб ётишибди», — деб айтишди. Турган гапки, мен ғаздбланиб кетдим. «Шошмай туришсин, — дедим, — ҳозир адабларини бериб кўяман. Унгача сизлар пойлаб туринглар — агар битта-яримта бола хумдан бошини чиқарса, аямай пўстагини қоқинглар». Шундан кейин хум олдига бориб, ичига қарадим. Лекин хумда сув кам эди — юқоридан ҳеч нима кўринмади. Шунинг учун, бошимни хум оғзига тикиб роса тикилиб қарадим ҳеч зог кўринмади... Мен бошимни энди хумдан

чиқарган эдим, болалар қўлларига илинган нарса билан мени дўппослаб кетишди, Улар менинг пўстагимни қоқишди... Ушандан бери: «Узим ҳам гирт аҳмоқ эканман. Ахир ўшанда: «Ҳой, болалар, нима қилиясизлар? Мен домлангизман-ку! — десам ўларканманми?» — деб ўйлайман.

Шундан кейин иккинчи одам ҳикоясини бошлабди:

— Бир куни тобим қочиб қолди. Табиб келиб кўриб: «Сиз гўшт ҳам, тухум ҳам емаслигингиз керак, қирқ кунгача фақат ёвгон овқат истеъмол қилинг», — деди. Мен ўттиз тўққиз кунгача сабр-тоқат билан табибнинг сўзидан чиқмай, парҳездорлик қилдим. Қирқинчи кунга ўтганда, уйимдагилар нонуштага тухум пишириб келиб, мени ейишга мажбур қилишди. Мен, сўлагимни оқизиб тухумни чақдим, уни эндигина оғзимга солганимни биламан, шу маҳал эшиқдан табиб кириб келса бўладими... Мен қўрқиб кетиб тухумни лунжимга тикдиму қўрққанымдан дағ-дағ титраб ўтиравердим. «Ие, лунжингиз шишиб кетибдию! Нима бўлди?» — деб сўради табиб. Мен қўрқиб кетиб: «Шўрим қуриди! Табиб парҳезни бузганимни сезиб қолса, шарманда бўламан!» — деб ўйладим ва: «Тишим оғрияпти, шунга лунжим шишиб кетди», — деб жавоб қилдим. «Аттанг, аттанг! Чакки бўлибдию!» — деди табиб ва шу заҳоти устарасини ғилофидан чиқариб, унинг тиғи билан лунжимни тилди, қон тирқираб оқа бошлади. Энди шу воқеани эсласам; «Шунчалик аҳмоқ эканман-а! Ушанда табибга, лунжимда тухум бор, деб айтақолсам, нима, осмон узилиб ерга тушармиди?» — деб ўзимни ўзим койийман.

Отлиқ, бу иккала аҳмоқнинг ҳикоясини эшитиб бўлиб шундай дебди: — Икковларинг — сен ҳам, сен ҳам — чинакам аҳмоқ экансанлар!

Кейин у отига қамчи босиб, йўлига равона бўлган экан.

УИҚУЧИ ЯЛҚОВЛАР БЕЛЛАШУВИ

(Либериянинг шимоли-ғарбида, шунингдек Сьера-леоненинг шимолида яшовчи *ваи* элати)

Бу ердан узоқ ҳам яқин ҳам бўлмаган бир қишлоқда иккита машҳур тамбал яшаркан. Улар дангасалик-

да бутун элга донг таратган эканлар. Униси ҳам, буниси ҳам ўзини дунёда энг ялқов одам деб ҳисоблар экан. Кунлардан бир кун бу икки танбал, менинг уйқум сеникидан қаттиқроқ, деб тортишиб қолишибди. Тортиша-тортиша, ахири уйқучилик бўйича мусобақа ўйнамоқчи бўлишибди ва бу мусобақага ҳакамлик қилиш учун қишлоқ оқсоқолларини чақиришибди.

Биринчи дангаса уйига кетиб, ухлашга ҳозирлик кўра бошлабди. У совуқ қотмаслик учун гулхан ёқибди ва шу гулханнинг ёнгинасига ётиб пинакка кетибди. Бир маҳал гулхандан учган учқун томнинг похол бўғотига тегиб, том ёна бошлабди. Кейин четан деворни ўт олибди. Лекин ялқов ҳеч нимани сезмай, хуракни отиб ухлаб ётаверибди. Энди олов унинг товонларини ялашга ўтибди, эғнидаги кийими тутай бошлабди. Лекин тамбал ҳамон пинагини бузмай ухлайверибди. Ҳакамлар қарашса, у ёниб кетадиган, дарров уни аланга ичидан тортиб чиқаришибди-да, тутай бошлаган кийимларини ўчириш учун, уни ерда худди ўқлогидек думалата бошлашипти.

— Кўзинги оч! Ҳей уйғонсанг-чи! — деб уни тортқилай бошлашипти.

Ахири танбал уйқудан кўзини очиб:

— Мени тинч қўйинглар, бир пас мизғиб олай! Ҳа ли уйқуга тўйганим йўқ, — дебди.

Эртаси кун иккинчи танбал ухлагани уйига кетибди. У ўз уйи олдидан ўтган йўлга ётиб ухлаб кетибди. Бу аснода осмонни булут қоплаб, шаррос жала қуя бошлабди. Ёмғир суви кўчадан дарё бўлиб оқибди ва оқибат тамбални ҳам денгизга оқизиб кетибди. Лекин у шунда ҳам уйғонмабди. Ғафлат уйқусидаги танбални денгизда бир улкан балиқ кўриб, ямламай ютиб юборибди. Қишлоқ балиқчилари тўр ташлаб, балиқни тутишибди ва уни қишлоққа олиб келишиб, қорнини ёришибди. Қарашса, танбал балиқнинг қорнида маст уйқуда ётганмиш. Одамлар уни ташқарига тортиб чиқариб:

— Уйғонсангчи, ҳей, ҳей, бола! Кўзинги оч! — деб тортқилай бошлашибди.

Шунда танбал бир керишибди-да, уйқусираган овоз билан:

— Тинчлик борми ўзи? Энди кўзим илинувди-я! Нега уйғотдинглар мени? — деб тўнғиллабди.

Ҳакамлар кўп ўйлашипти, кўп муҳокама қилишибди, лекин шунда ҳам икки дангасадан қай бири уйқучироқ эканлигини аниқлашолмабди. Хўш сиз нима дейсиз.

АЙЕРЛИК ВА МАККОРЛИК БИЛАН БАҲС ЮРИТИШ ҲАҚИДА

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

(Ҳиндистон)

Бир шаҳарда Надука исмли бир савдогар яшаган экан. У инқирозга учраб, бутун мол-дунёсидан айрилибди-ю бошқа шаҳарга жўнаб кетмоқчи бўлибди. Унинг уйида ота-боболаридан мерос қолган минг пала (бизнинг ҳисобимизда — тахминан 93 кг.) темирдан ясалган каттакон тарозу бор экан. У бошқа юртга жўнаб кетиш олдидан ўша тарозусини тужжорлар бошлиғи Лакшманага омонат қилиб қолдирибди. Савдогар бегона юртларда анча вақтгача жаҳонгашталиқ қилиб юриб, ниҳоят кунларнинг бирида яна ўз шаҳрига қайтиб келибди. Келган заҳоти ўша тужжорлар бошлиғи олдига бориб; «О Лакшмана! — дебди. — Мана, мен ватанимга қайтиб келдим. Энди ўша сенга қолдириб кетган тарозумни қайтариб берсанг». Лекин Лакшмана унга бундай жавоб қайтарибди: «О Надука! Надоматлар бўлсинки, тарозунгни сичқонлар кемириб кетди». Бу жавобни эшитган Надука: «Сичқон кемирган бўлса сенда айб йўқ. Буни кўргулик дейдилар. Бу дунёда ҳеч нима боқий эмас. Ҳай, ҳаволаси худога. Мен таҳорат қилиб, поклангани дарё бўйига бормоқчи эдим. Агар хизмат бўлмаса, ўғлинг Дҳанадевага айт, орқамдан таҳорат анжомини кўтариб борсин», — дебди. Товламачилиқ қилгани учун, оёғи куйган товукдай типирчилаб турган Лакшмана Надуканинг илтимосига дарров кўнақолибди ва ўғлини чақириб: «Дҳанадева! Бу киши Надука амакинг бўлади, — деб таништирибди ва — амакинг дарё бўйига бориб таҳорат қилмоқчи. Сен, ўғлим, таҳорат анжомларини олиб, у билан бирга бор», — дебди.

Амакисига дастёрлик қилишини эшитган Дҳанадева суюниб кетибди ва таҳорат анжомларини олиб,

Надука билан дарё бўйига йўл олибди. Надука дарёда чўмилиб покланибди, сўнг Лакшмананинг ўглини шу ердаги бир ғорга қамаб, ғор оғзини харсанг тош билан тўсиб қўйибди-да, ўзи Лакшмананикига қайтиб келибди.

Меҳмоннинг ёлғиз қайтганини кўрган Лакшмана: «О Надука! — дебди. — Сен билан кетган ўғлим Дҳанадева қаерда қолди?» Надука унга шундай жавоб қилибди: «О Лакшмана! Надоматлар бўлсинки, ўғлингни бир лочин чангаллаб олиб осмонга учиб кетди». Лакшмана бўлса: «О Надука! Нега ёлгон гапирасан? Ахир лочин паҳлавондай болани қандай кўтараолсин?» — дебди. Шу гапдан кейин Надука унга жавобан бундай дебди: «О Лакшмана! Наҳотки темир тарозуни сичқонлар еб юборгани рост бўлса? Агар ўғлинг сенга азиз бўлса, тарозумни қайтариб бер!» — дебди.

Улар шу зайлда бир-бирлари билан тортиша, баҳслаша, суд маҳкамаси олдига бориб қолишипти. Шу ерга келганда Лакшмана овозининг борича дод солиб хайқирибди: «Вой, дод! Адолат борми ўзи дунёда? Адолат! Манави Надука ўғлим Дҳанадевани ўгирлаб яшириб қўйди!» Ҳакамлар Лакшмананинг зорини эшитиб, Надукага: «Ҳой, қайтариб бер унинг ўглини!» — дейишипти. Надука бўлса: «Қизиқмисизлар? Қандай қайтараман? Кўзимнинг олдида болани бир лочин дарё бўйидан чангалига илиб осмонга учиб кетди-ку!» — дебди. Ҳакамлар бўлса: «Ҳой, Надука! Гапинг ғирт ёлгон! Муштумдаккина лочин ўн беш ёшли болани қандай олиб қочиб кетиши мумкин ахир?» — дейишипти. Шунда Надука кулиб туриб ҳакамларга бундай деган экан: «Бўлмаса, яхшилаб эшитиб олинглар:

Жажжигина сичқон темир тарозуни еб юборганда, Лочин қуши боланимас, филни олиб қочса ишонинг!»

«Бу гапингни қандоқ тушунмоқ керак?» — деб сўрашипти ҳакамлар. Шунда Надука уларга тарозу воқеасини сўзлаб берибди. Ҳакамлар бу можарони эшитиб кулиб юборишипти ва шу ернинг ўзида икки даъвогарни муросага келтириб, бирига — тарозусини, иккинчисига — ўглини қайтариб берган эканлар.

ЛАИНИНГ ПУЧГА ЧИҚҚАН НАЙРАНГИ
(Танзания ҳудудида яшовчи *ираку* қабиласи)

Лай асалга ўч эди. У ҳамиша бировларнинг арихоналарини ковлаштириб, асалини ўгирлаб юрарди. Кунларнинг бирида у дайдиб юриб, жуда кўп арихонаси бўлган бир ерга бориб қолди. Қараса, арихоналарнинг эгаси шу ерда экан.

— Салом, — деб сўрашди у билан Лай. — Ишлар қалай?

— Сенга нима керак, Лай? — деди унга жавобан арихоналар эгаси.

— Мени ойинг юборди.

— Хўш, нима деди ойим?

— Менга бир мўнди асал бераркансан. Ойингга рўзгор ишида қарашворувдим.

— Шу гапинг ростми? — деб сўради арихоналар эгаси.

— Нима қиламан ёлгон гапириб? — деди Лай. — Агар гапимга ишонмасанг, майли, ойингнинг ўзи келгунча кутиб турайлик. Лекин билиб қўй, агар асални ҳозир бермасанг, мени ёлгончи деганингни ойингга айтиб бераман. Эшитиб, ойинг сендан қаттиқ хафа бўлади. Онани хафа қилиш яхши эмас.

Шу гапдан кейин арихона эгаси Лайга бир мўнди асал берди. Лай асални олиб жўнаб қолди.

У юриб-юриб сигири кўп бир хонадонга келди. Бу уйнинг эгаси ҳам ўгри эди.

— Кирсам майлими? — деб сўради Лай.

— Киравер, — деди уй соҳиби.

Лай кириб, мўндисини сигирларга яқинроқ жойга олиб бориб қўйди. (Лай доим шунақа найранг ишлатиб келар эди). Уй эгаси бунни сизди ва: «Ҳай, майли, кўрамиз ҳали, ким кимни гел қиларкин», — деб қўйди ичида. Лай ухлаб кетгандан кейин, у мўндини олиб яшириб қўйди.

Лай эрта саҳарда уйғонди ва:

— Мўндим қани? — деб сўради.

— Қанақа мўнди?

— Мен огилхонага ичи лим-лим асалга тўла бир мўнди қўйган эдим.

— Қайси аҳмоқ асал тўла мўндини огилхонага қўяди? Мен ҳеч нима кўрганим йўқ.

— Кўп йўл юриб жуда толиққан эдим-да, — деди Лай.

— Нима, мўнди ҳақида бир оғиз гапиришга ҳам ҳолинг қолмаганмиди?

— Э, нима қиласан гапни чўзиб? Яхшиликча асал тўла мўндимни топиб бер!

Лекин уй эгаси:

— Мен сенинг қўлингда ҳеч қанақа мўнди-пўнди кўрганим йўқ, — деб туриб олди. — Нима қиласан ёлгон гапириб?..

— Йўқ! Мен тер тўкиб топган асалини бекорга ташлаб кетадиган анойилардан эмасман, — деди Лай кўзлаган ниятига ета олмагач. — Қани, юр, султонимизнинг олдига борамиз. Ишимизни ўша ҳал қилиб берсин!

Уй эгаси бунга рози бўлди ва улар икковлашиб султон ҳузурига боришди.

— О султон ҳазратлари! — биринчи бўлиб гап бошлади Лай. — Менинг бир мўнди асалим бор эди. Манави одамникига бориб, тунаб қолиш учун ундан ижозат сўрадим. Мўндимни бўлса, сигирлар турган оғилхонага қўйдим. Узоқ йўл юриб чарчаганлигимдан, ётибману қотибман, денг. Эрталаб уйғониб қарасам, асал тўла мўндим қўйган еримда йўқ.

— Хўш, кейин нима бўлди? — деб сўради султон. — Уй эгасига нима дединг.

— Мен ундан, мўндим қани, деб сўрадим. У бўлса, келганингда қўлингда ҳеч қанақа мўнди йўқ эди, деб мен билан тортиша бошлади.

Султон бир оз вақт ўйга толиб ўтиргач, шундай деди:

— Сен, Лай, не сабабдан асалингни, келиб-келиб, сигирлар оёғи тагига қўйдинг? То шуни менга тушинтириб бермагунингча, бу жумбоқни ечиб бўлмайди!

— Менинг ниятим бундай эди: — деб жавоб қила бошлади Лай, — мўндини сигир тепиб синдирадию, мен тўкилган асалим эвазига уй эгасидан сигир талаб қиламан, деб ўйловдим.

Султон бу гапни эшитиб қаттиқ газабланди.

— Сен уччига чиққан қаллоб экансан, Лай, — деди у. Агар яна шунақа найранг ишлатадиган бўлсанг, аямай калтаклатаман. Ҳозир яхшиликча жўнаб қол бу ердан. Иккинчи бу одамнинг уйига яқин йўлама!

Лай маҳкамадан икки қўлини бурнига тикиб қу-

руқ чиқиб кетди. У уйига қайтаркан ўзича: «Ҳозир анави ўғрининг болалари менинг асалимни еб ўтиришгандир. Бориб секин мўралаб кўраман», — деб ўйлади. Бориб қараса болалар, қақиқатан ҳам асал еб ўтиришибди.

— Ие, асални қаёқдан олдинглар? — деб сўради Лай.

— Асални дадамиз олиб келди, — деб жавоб қилди катта ўғил.

— Асални даданг қанақа мўндида олиб келувди, — менга кўрсат-чи, — деди Лай.

Болалар мўндини олиб чиқиб кўрсатишган эди, Лай уни таниди. Кейин жаҳли чиқиб, болаларни калтакламоқчи бўлиб турганида, уйга болаларнинг отаси кириб келиб Лайга ўдағайлаб берди:

— Ҳой муттаҳам, яна нега келдинг менинг уйимга?

— Мана, кўр ўзинг, — деди унга Лай, — ахир бу менинг асалим-ку! Болаларинг менинг асалимни еб ўтиришибди!

— Бу сенинг асалинг эмас, — деди уй эгаси. — Боя султон нима деган эди сенга? Қани, туёгингни шикиллатиб қол-чи!

— Қани, юр, яна султоннинг олдига борамиз, — деди Лай. — Унга ўзимнинг мўндимни кўрсатаман. Асали еб бўлинган мўндимни... Мен бу асални не машаққатлар билан топган эдим. Болаларинг уни бир зумда қуриштишти! Улар яна султон ҳузурига боришди!

— Яна нега келдинглар? — деди султон.

— Мен ўғирланган асалимни топдим, — деди Лай.

— Борсам манави одамнинг болалари еб ўтирган экан.

— Е тавба! — деди султон. — Сен яна бордингми бу одамнинг уйига?

— О султоним, — деди уй эгаси гапга аралашиб, — ижозат беринг, бу шилқимнинг қулоғи остида бир шавла қайнатай!

— Ие! — деди Лай ҳайрон бўлиб. — Болаларинг асалимни мазза қилиб ейишсину шапалоқни мен еярманманми? Йўқ, сен асалимнинг ҳақини тўлайсан. Сиз, султоним, қонунга амал қилиб ҳалол ҳукм чиқаринг!

— Қонунни сен биласанми ё мен биламанми? — деди султон жаҳолат билан. — Сен ҳозир бу ердан

қуппа-қуруқ чиқиб кетасан. Агар қорангни ўчирма-санг, ҳолингга маймунлар йиглайди.

— Нима, мен асалимдан айрилиб қолавераманми? — деди Лай жиғибийрони чиқиб. — Ҳали шуми сизнинг адолатли ҳукмингиз? Сиз, султоним, айниб қолибсиз! Чиқарган ҳукмингизда адолат йўқ! Мен ўша асални не машаққатлар билан топган эдим!

Лай маҳкамани бошига кўтариб шангиллайверди. Шунда султон:

— Манави шангини маҳкамадан қувиб чиқаринглар! — деб буюрди ўз одамларига.

Шундан кейин Лай оёғини қўлига олиб қочиб қолди. У уйига кетиб бораркан: «Аттанг, бугун омадим келмади. Зора эртага пешонам ярқираб, менга бахт кулиб боқса. Уша бахтни этагидан тутсам, марра меники: уни ҳеч ҳам қўйиб юбормайман», — деди ўзига ўзи.

ЛАЙ ВА ПОДАЧИ

(Танзания ҳудудида яшовчи *ираку* қабиласи)

Кунлардан бир кун Лайнинг жуда ҳам асал егиси келиб қолибдию асал қидириб топгани йўлга отланибди. Лекин: «Мен кетсам сигирларимни ким боқади?» — деб ўйланиб қолибди.

Кейин у қўшнисини чақириб унга шундай дебди:

— Мен зарур иш билан бир жойга бориб келмоқчиман. Келгунимча сигирларимга қараб туролмайсанми?

— Майли, — деб жавоб қилибди қўшниси. — Хизмат ҳақимга нима берасан?

— Хизматинг учун асал бераман, — дебди Лай.

— Яхши, — деб рози бўлибди у одам. — Лекин жудаям ҳаяллаб қолмагин-да. Лай асал қидиргани жўнабди. У қаердандир икки мўнди асал ундириб, кечқурун уйига қайтиб келибди. Лекин шу оқшомнинг ўзида асалнинг ҳаммасини бир ўзи еб битирибди. Сигирларини боққан подачига ҳеч нима қолдирмабди.

— Қани менга атаган асалинг? — деб сўрабди подачи.

— Мен бугун бир мўндигина асал топиб келдим, — дебди Лай. — Ўзимга зўрга етди.

— Менга бермадинг-ку! — дебди жаҳли чиққан подачи.

— Бир кунгина сабр қилгин. Эртага яна асалга борман. Ҳшанда сенга бир мўнди асал бераман.

Подачи ҳеч нима демай чиқиб кетибди. Лекин эртаси куни Лай яна жўнаб кетганида, унинг сигирларини ўзининг оғилхонасига ҳайдаб кириб беркитиб қўйибди.

Лай ярим кечада уйига қайтиб келса, сигирлари йўқмиш. У ғизиллаганча подачи қўшнисиникига борибди.

— Қани менинг сигирларим? — деб дағдага қилибди у.

— Қанақа сигирларни сўраяпсан?

— Сигирларимни сенга қолдириб кетувдим-ку!

— Мен сигирларингни кўрганим йўқ, — деб жавоб қилибди подачи.

Лай тажанг бўлиб уйига қайтибди. У, энди нима қилсам экан, деб ўйлай бошлабди. Эртаси куни эрталаб яна подачиникига борибди.

— Айт, менинг сигирларим қаерда? — деб сўрабди у яна.

— Сигирларинг менинг оғилхонамда. Лекин уларни сенга бермайман, — деб жавоб қилибди қўшниси.

— Нега энди бермас экансан?

— Негаки, сен менга асал ваъда қилиб, ваъдангнинг устидан чиқмадинг. Мен сигирларингни икки кун боқдим, лекин хизматимга бир томчи ҳам асал олмадим.

Бу жанжалдан кейин Лай яна султоннинг ҳузурига бориб, ишимизни ажрим қилиб беринг, деб илтимос қилибди. Султон Лайнинг ўлгудек доғули одам эканлигини биларди, албатта. У аввал Лайнинг арзини тинглабди, сўнг подачини чақиртириб келиб, ундан бўлган воқеани сўзлаб беришни талаб қилибди.

— Мен бу одамнинг сигирларини икки кун боқдим, — деб жавоб қилибди подачи. — У хизматим учун менга асал ваъда қилди, лекин ваъдасида турмай, мени лақиллатди.

Султон бир оз ўйлаб туриб шундай ҳукм чиқарибди:

— Сигирлар — боққанники. Сен, Лай, қўшнингга ваъда қилган асалингни еб ётавер. Ҳукм қатъий. Вассалом!

— Сиз ёмон ҳакамсиз! — деб дағдага қилибди Лай султонга ўқрайиб.

Шу заҳоти султоннинг одамлари уни маҳкамадан қувиб чиқаришибди. Алқисса, фирибгар Лайнинг сиргирлари подачига қолган экан.

ҚАРОЛ (Бурятистон)

Бир камбағал деҳқон бор экан. Унинг бутун умри бойларнинг ерида қарол бўлиб ишлаш билан ўтган экан. Бир йили у бир бойга чорак ботмон бугдойга ёлланибди. Баҳор келганда у бугдойни ўзининг бир парчагина ерига экибди. Лекин, камбағалнинг ови юрса, дови юрмайди, деганларидай, бошоқлар энди етилиб тўлишганида, бирдан шудринг тушиб, камбағал эккан чорак ботмон бугдойни паққос совуқ уриб кетибди, аммо қўшни пайкалдаги бойнинг экинига заррача ҳам зиён етмабди. Оқибат, шўрлик қарол бойнинг даласида бир йил текинга ишлаб берибди.

Келаси йили у яна бойга ёлланибди. Бу бой ўзининг бой қўшниси билан гаров ўйнаб:

— Менинг қаролим, — дебди, — эрталабдан то кун ботгунча чорак ботмон ердаги бугдойни ўзи учун ўриб олади. Агар ўриб улгурмаса, уни ўз ерингда бир йилгача текинга ишлатишинг мумкин.

Кейин у ўз қароли — камбағал деҳқонни чақириб, унга шундай дебди:

— Менга қара, қўшнимнинг чорак ботмон еридаги бугдойни ўзинг учун ўриб олишинг мумкин. Лекин шarti бор: уни албатта қуёш ботгунча ўриб битиришинг керак. Агар улгурмасанг, шу бойнинг даласида бир йил текинга ишлаб берасан.

Камбағал деҳқон қўшни бойнинг даласига бориб, ўзи учун чорак ботмон ерни ўлчаб олибди-да, ўроқ ўришга киришибди. У кун бўйи бир лаҳза ҳам дам олмай, ўраверибди, ўраверибди... Лекин яна омади келмай, атиги бир боғламгина бугдой қолганида, қуёш ботиб кетибди. Яна у бой қўшнининг даласида бепул бир йил ишлаб беришга мажбур бўлибди.

Келаси йили у яна ишга ёлланибди — бу гал бой хизмат ҳақиға битта той ваъда қилибди. Лекин хизмат муддатининг тугашига атиги уч кунгина қолга-

нида, шўрлик камбагалнинг тойини худо кўп кўрибди — уни бўрилар тортиб кетибди. Натижада, қарол бу йил ҳам бойга текинга ишлабди.

«Бу ерда ҳеч омадим юришмаяпти, — дебди ўзича камбагал деҳқон. — Бошқа юртларга бош олиб кетиб, ўша ёқларда ўзимга иш топмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Зора-мора менга ҳам бахт кулиб боқса...»

У шундай қарорга келибди-ю, йўлга равона бўлибди. У кун бўйи ва тун бўйи дам олмай йўл юрибди, одам оёғи тегмаган чангалзор ўрмондан ўтибди ва ниҳоят тонг отар чоғида бир каттакон кўл бўйига чиқибди. Кўп йўл юриб ҳориган қарол шу ерга ётибди-ю, ухлаб кетибди.

Бир маҳал уйғониб қараса, осмонда тўққизта оққуш учиб келаётганмиш. Бу қушлар учиб тушиб қирғоққа қўнишибди; улар олдин қанотларини, кейин ички либосларини ҳам ечиб ерга қўйишти-да, бирдан ҳаммалари тўққизта соҳибжамол қизга айланиб қолишибди. Қарол тикилиб қараса, қизларнинг ичида энг кенжаси жудаям чиройлимиш. Қизлар сувга тушиб чўмила бошлашти. Қарол ётган еридан аста туриб бориб, кенжа қизнинг либосларини олибди-да, бир харсанг тош тагига яшириб қўйибди. Кейин ўзи яна буталар орасига кириб чўққайиб ўтираркан: «Нима бўлса пешонамдан кўрдим», дебди.

Салдан кейин тўққизта қиз сувдан чиқиб кийина бошлабди. Лекин кенжа қиз ўзининг қанотларини ҳам, либосларини ҳам топа олмабди. Қизлар роса қидиришибди — ҳеч ерда йўқмиш. Шундан кейин қизларнинг саккизтаси оққушга айланиб учиб кетишти, кенжа қиз бўлса, соҳилда қолаверибди.

Опалари осмонга учаркан:

— Отамиз Эсэгә-малан сени, эрга тегади, деб айтган эди, — дейишибди. — Қанотинг билан кийимингни ўша эринг беркитиб кўйган бўлса керак.

Кўл бўйида бир ўзи ёлғиз қолган қиз юм-юм йиғлаганча, ҳар томонга зир югуриб кийимларини қидира бошлабди. Мана, у юриб-юриб буталар ичига кирибди. Қараса: у ерда жулдур-жулдур кийимли бир тасқара одам ўтирганмиш.

— Кийимини сен беркитдингми? — деб сўрабди ундан қиз.

— Йўқ, — дебди қарол.

— Кийимимни қайтиб берсанг, сенга ҳамма бойлигимни ҳада қиламан.

— Йўқ, мен олганим йўқ, кийимингни, — дебди яна қарол...

Ўша кун тунда осмондан қизнинг отаси Эсэгэ-малан учиб тушибди ва қизига шундай дебди:

— Мана, қизим, сен ўзингга эр топдинг. Бундан буён сен ер юзида яшайсан.

У шундай деб, ўз хазиначидан олиб келган қизининг улушини унга топширипти-да, яна осмонга учиб кетибди.

...Эртаси куни эрталаб эр-хотин ўринларидан туришипти. Соҳибжамол қиз овқат пишириб эрини боқабошлабди. Кейин, иккинчи, учинчи кун ва тун ҳам шу зайлда ўтипти. Тўртинчи кун келганда, қарол эрталаб туриб, ўзлари учун уй қуришга киришипти. Шу шу бўлибди-ю эр-хотин мана шу қирғоқда яшаб қолибди. Улар ўн саккиз йил биргаликда умр кечиришипти. Бу орада ўн икки фарзанд — олти ўғил, олти қиз кўришипти.

Эр қарибди. Ўғиллари улғайиб, қизларининг бўйи етиб қолибди.

— Мен қайнотам Эсэгэ-маланни бориб кўрмоқчиман, — дебди эр кунларнинг бирида. — Рост-да, турмуш қурганимизга ўн саккиз йил бўлиб, ўн иккита фарзанд кўрибмиз, уларни тарбиялаб катта қилибмизу, ҳалигача қайнотамникида бирон марта ҳам меҳмон бўлмабман-а... Отангникига қандай бориш керак ўзи?

— Тўғри кун чиқар томонга кетаверасан, — дебди хотини. — Йўлингда баланд бир тоғ учрайди. Ўша тоғқа чиқсанг, рўпарангга олдингисидан ҳам баландроқ яна бир тоғ пайдо бўлади. Бу тоғнинг чўққисидан ипақдан эшилган узун арқон тушган бўлади. Сен ўша арқоннинг учидан ушлаб, тоғ бошига тирмашиб чиқ. Чиққан заҳотинг шу ердаги биринчи уйга кир. Уйда ҳеч кимни кўрмайсан. Лекин у ерда сен учун дастурхон ёзилиб, турли хил таомлар қўйилган бўлади. Бу уйда шудринглар сардори Хирута яшайди. Сенинг чорак ботмон ердаги буғдойингни совуқ урдирган шу эди. Кейин бу уйдан чиқиб, яна юрсанг, йўлингда яна бир уй учрайди. Бу уйда ҳам сен учун турфа хил ноз-неъматлар тайёрлаб қўйилган бўлади. Бу уйда қуёш сардори туради. Эсингдами, далада ўраётган буғдойинг бир боғламгина қолганда, унинг қуёши сени кутмай

ботиб кетган эди? Кейин бораверсанг, яна битта уйга рўпара келасан. Бу — бўрилар сардорининг уйи. Тойингни шунинг бўрилари еб кетган эди.

Чол сафарга жўнаб кетибди. У кўп юрибди, кўп юрса ҳам мўл юрибди ва ахири баланд бир тоғ тагига етиб келибди. У шу тоғ бошига чиқиб, яна юриб кетибди. Юраверибди, юраверибди... қаршисида яна бир тоғ учрабди. Қараса, тоғ чўққисидан ипак арқон туширилганмиш. У арқонни ушлаб, шу тоғ чўққисига тирмашиб чиқибди. Бу ерда у бир уй кўрипти. Уйга кирибди. Қараса, бу ерда турли ноз-неъматлар қўйилган хонтахта турганмиш. Чол бу овқатлардан тўйгунича еб, қолганини ҳар ёққа сочиб юборибди. Сўнг, хонтахтанинг бир оёғини синдириб, бу уйдан чиқиб кетибди.

У юриб-юриб яна бир уйга етиб борибди. Ичкарига кирса — бу ерда ҳам хонтахта устида дастурхон яса тиглиқ экан. У таомлардан тўйгунича еб, қолганини сочиб юборибди ва хонтахтанинг иккита оёғини синдириб, уйдан чиқиб кетибди.

Кетаверибди, кетаверибди, ахири яна бир уйга рўпара келибди. Ичкарига кирибди. Қараса, бу ердаги хонтахта яна ҳам чиройлироқ безатилган, дастурхондаги ноз-неъматлар яна ҳам антиқароқ эмиш. Бу таомлардан у тўйгунича еб, қолганини ағдариб юборибди, хонтахтанинг учта оёғини синдириб ташлаб, яна ўз йўлида кетаверибди.

Қараса, сал нарироқда бир улкан уй турганмиш. Уйнинг теварак-атрофида қўриқчи итлар изғиб юрганмиш, дарвоза олдида соқчилар турганмиш... Чол ичкари кирибди. Ичкарида каттакон бир стол турганмиш, столнинг бош томонида соч-соқоли оппоқ оқариб кетган ҳўппа семиз бир одам ўтирганмиш.

— Салом! — дебди қарол чол.

— Салом, салом! — дебди мўйсафид. — Ие, ие, куёвим келибди-ю!

Бу ўтирган мўйсафид қаролнинг қайнотаси Эсэгэ-малан экан...

У дарҳол меҳмон учун олтин хонтахта қўйдириб, куёвини турли ноз-неъматлар билан зиёфат қила бошлабди.

Қайната-кёв маишат қилиб ўтиришганда, бу ерга шудринглар сардори кириб келибди.

— Эсэгэ-малан, — дебди у, — мен куёвинг учун ширин-ширин овқатлар пишириб, уни энг азиз меҳмон-

дек кутиб олдим. У уйимга мен йўғимда келиб, ноз-неъматларни еб-ичибди-да, қолганини ҳар ёққа сочиб ташлаб, яна, хонтахтаминг битта оёғини синдириб жўнаб қолибди. Нега куёвинг безорилик қилади?

Эсэгэ-малан куёвидан сўрабди:

— Сен нега хонтахтанинг оёғини синдирдинг?

Куёв унга шундай жавоб қилибди:

— Мен бир бойга бир йилга қарол бўлиб ёлланганимда, унинг чорак ботмон ерига ўзим учун буғдой эккан эдим. Шудринглар сардори шу буғдойимнинг ҳаммасини айни етилган пайтида совуқ урдириб юборганди, аммо ёнгинамдаги бойнинг даласига заррача ҳам зиён етказмаганди. Шунинг учун хонтахтасининг оёғини синдириб, менга зиён етказгани учун қасдимни олдим.

Куёвидан бундай жавоб эшитган Эсэгэ-малан шудринглар сардорига дебди:

— Неча марта айтганман: бойга эмас, камбағал ва қашшоққа мурувват қилиш керак деб. Сен бўлсанг тескари иш тутгансан. Баски, биринчи бўлиб ўзинг шумлик қилган экансан, демак айб ўзингда.

Ҳа, қарол куёв ўзини оқлаб олибди.

Шундан кейин бу ерга қуёш сардори кириб келибди.

— Эсэгэ-малан, — дебди у, — мен куёвингнинг келишига ширин-ширин овқатлар пишириб, уни худди азиз меҳмондек қарши олмоқчи эдим. Лекин у мен йўғимда келиб, ўзи учун тайёрланган овқатларни еб-ичибди-да, ортиб қолганини ҳар ёққа сочиб юбориб, устига-устига, хонтахтаминг иккита оёғини ҳам синдириб чиқиб кетибди. Мана, энди қуёш аразлаб, тўққиз кундан бери ер юзини ёритмай қўйди. Ҳаммаёқ, зим-зиё: мен қоронғида тимирскиланиб хонтахтани зўрга тузатдим.

— Куёв, нега сен ортиқча овқатни сочиб юбориб, хонтахта оёғини синдирдинг? — деб сўрабди Эсэгэ-малан.

Қарол унга шундай жавоб қилибди:

— Бир кун бой менга қўшнисининг чорак ботмон еридаги буғдойни то кун ботгунча ўриб улгиришни буюрди. Мен чорак ботмон ерни ўлчаб, ўроқ, ўришга тушдим. Улгурсам анча бойиб оламан, деб ўйлаб, жонимни жабборга бериб ишладим. Атиги бир боғламгина буғдой қолганида қуёш мени кутмай ботиб кетди. На-тижада, мен бир йил ўша бойга бепул ишлаб бериш-

га мажбур бўлдим. Мен қуёш сардоридан шу қилмиши учун ўч олиб, хонтахтасининг ижкита оёғини синдирдим.

Эсэгэ-малан бу жавобни эшитиб, қуёш бошлиғига дебди:

— Тўғри-да! Нега кутақолмадинг? Камбағалга зин етказган экансан — айб ўзингда. Мен сизларга доим, камбағал билан бойни бир-биридан фарқ қилинглар, деб айтаман, сизлар бўлсангиз аксини қиласиз.

Бир оздан кейин бу ерга бўрилар сардори ҳам кириб келибди.

— Мен, — дебди у, — қуёвингни меҳмон қилиш учун дастурхон тузаб қўйган эдим. У бўлса ош-нонимни еб, хонтахтамнинг учта оёғини синдириб кетибди.

— Сен нега бундай қилдинг? — деб сўрабди Эсэгэ-малан қуёвидан.

— Мен бир бойнинг уйида қароллик қилардим, — деб ҳикоя қила бошлабди қуёв. — Хизматим эвазига бой менга битта той ваъда қилувди. Лекин хизматим муқлати тугашига уч кун қолганда, менга аталган тойни бўрилар тортиб кетди. Аммо бойнинг отларига тегишмади.

Шунда Эсэгэ-малан бўрилар сардорига дебди:

— Камбағалнинг биттагина тойи бор экан, ўшани ҳам аямай еб юборибсанлар. Мен сенларга доим: камбағалларни хафа қилманглар, уларга қайишинглар, деб айтиб келаман. Айб ўзларингда экан-ку, нега менинг олдимга шикоят билан келдинглар?

Шундай қилиб қарол ўзини оқлаган экан...

ҚАЙНОТА ВА КУЁВ

(Ангола)

Бир куни кечқурун қайнота билан қуёв ўз уйлари олдида кечки салқиндан ҳузур қилиб дам олиб ўтиришпти. Қош қорайиб вақт алламаҳал бўлгач, қайнота ўрнидан, турибди-да:

— Қуёв, юр энди, кириб ухлайлик, — дебди. — Ҳамма ёқ қоқ-қоронғи, кўзинг тўртта бўлганда ҳам ҳеч нима кўролмайсан.

Қуёв бу гапдан лавлагидек қизариб кетибди, чунки унинг бир кўзи кўр экан. Лекин шундай бўлсаям, қайнотасига лом-мим демабди.

Эртаси куни кечкурун қайнота билан куёв яна уй олдида салқинлаб суҳбатлашиб ўтиришибди. Бир маҳал осмонга ой чиқибди. Шунда куёв туриб:

— Ухлайлик энди. Ана, ой ҳам калнинг бошидек ярақлаб турибди. Салқин тушди, энди шамоллаб қолишимиз мумкин, — дебди.

Қайнота куёвидан қаттиқ ранжибди, чунки унинг боши кал экан.

Орадан уч кун ўтибди. Аламига ҳеч чидай олмаган қайнота қишлоқ оқсоқолларига куёви устидан шикоят қилибди:

— Куёвим мени ҳақорат қилди!

Оқсоқоллар куёвни чақириб келгани одам юборишибди. У ҳам дарҳол етиб келибди. Шундан кейин қайнота ўз шикоятини баён қила бошлабди:

— Оқшом пайти мен куёвим билан уйимиз олдида ўтирган эдим. Ойдин кеча эди. У менга соддагина қилиб: «Юринг, кириб ухлайлик», демади. Бунинг ўрнига: «Ана, ой ҳам калнинг бошидек ярақлаб турибди. Юринг, кириб ухлайлик», деб мени ҳақорат қилди. Йўқ, мен бундай ҳақоратга асло чидаб туролмайман. Мен бунақа куёвдан воз кечаман. Тўғри, мен — калман. Тавба, уялмай-нетмай шу нуқсонимни юзимга солиб: «Ой худди калнинг бошидек ярақлаб турипти», дедия! Ахир бу ҳақорат эмасми? Мана шунинг учунам мен куёвимдан воз кечаман.

Шундан кейин куёв ўз дардини айта бошлабди.

— Агар қайнотам мени биринчи бўлиб таҳқирламаганда, мен ҳам бу гапни айтмаган бўлардим. Бир кун олдин кечкурун биз уйимиз олдида қоронғида суҳбатлашиб ўтирган эдик. Шунда қайнотам менга: «Юр, кириб, ухлаймиз. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, кўзинг тўртта бўлгандаям ҳеч нима кўролмайсан», — деди. Менинг бир кўзим кўр. Қани, ўзингиз айтинг, бу гап мен учун ҳақорат эмасми?

Оқсоқоллар куёвнинг гапини тасдиқлаб:

— Сен ҳақсан: қайнотанг сени ҳақорат қилибди, — дейишибди.

Шундан кейин улар қайнотага юзланиб бундай дейишти:

— Ўзинг нега куёвингни хафа қилдинг? Тўғри, у: «Ой калнинг бошидек ярақламоқда», дебди, лекин унинг бундай дейишига сабаб бор экан-ку: олдин ўзинг уни ҳақорат қилган экансан-ку. Қизингни эрга берма-

сингдан олдин ҳам куёвингнинг бир кўзи кўр бўлган. «Олган молингдан нолима», дейдилар. Сен куёвингнинг кўр эканлигини била туриб атайин унинг нуқсонини пеш қилгансан. У ҳам қилмишингга яраша жавоб қайтарибди. Бунинг нимаси ҳақорат экан?

Кейин қариялар ўз ҳукмларини шундай сўзлар билан яқунлабдилар:

— Икковингиз ярашинг. Сенинг, қайнота, ўглинг йўқ. Бинобарин, куёвинг — ўгил ўрнида ўгилдир сенга. Биринчи бўлиб сен уни ҳақорат қилибсан, у бўлса фақат жавоб қилибди. Келинлар, гина-кудуратни ташлаб, дўст-иноқ бўлиб яшанглар. Уят эмасми, шу арзимаган гап деб бир-бирингиздан аразлаб юришингиз? Қани, шароб олиб келинлар. Дилхушлик қилиб, қайнота-куёвни яраштириб қўяйлик.

Шундан кейин қайнота билан куёв, гўё ҳеч нима бўлмагандай, яна апоқ-чапоқ бўлишиб, тотув яшаган эканлар.

МУҒАМБИР ТУМШУҒИДАН ИЛИНАР (Ҳиндистон)

Деҳли шаҳрида бир бой яшаган экан. Бунақа бевош, бунақа қоқвош дунёда иккита бўлса биттаси шу экан. У доим одамларни мазах қилар, хўрлар экану қилмишига жавоб беришга келганда, доим сувдан қуруқ чиқар экан.

Кунларнинг бирида у яна бир жирканч ишга кўл урибди. Уйига бир мусаввирни чақириб, ўз расмини чизишга буюртма берибди.

— Лекин билиб қўй, — дебди у мусаввирга, — сувратим худди қуйиб қўйгандек ўзимга ўхшаши керак, агар ўхшамаса ҳақ тўламайман.

Шу шарт билан ўзаро битим тузишиб, қоғозга имзо чекишибди. Кейин мусаввир уйига бориб, бутун истеъдодини ишга солиб бойнинг расмини чиза бошлабди. У расмни чизиб битириб, бойга кўрсатгани олиб келибди.

Хизматкорлар мусаввирнинг келганини бойга ҳабар қилишибди. Шунда бой жуда усталик билан афт-башарасини ўзгартириб олиб, кейин мусаввирнинг олдига чиқибди. Шўрлик рассом бойнинг афти-ангорини кўрибди-ю, ҳайрон қолибди, сўнг бир нималар деб гўл-

дираганча расмни бошқатдан чизишга сўз бериб уйига қайтиб кетибди.

Мусаввир яна янги расм чизиб олиб келибди. лекин бой бу сафар ҳам найранг ишлатибди — рассомнинг олдига башарасини ўзгартириб чиқибди. Натижада, мусаввир чизган расм яна унга ўхшамай қолибди. Бой шу йўсинда беш марта гирромлик қилибди, ҳар гал бечора рассом унинг расмини бошқатдан чизишга мажбур бўлибди. Ниҳоят, рассом бойнинг найранг ишлатаётганини фаҳмлабди ва ундан ўз хизмат ҳақини талаб қилибди. Лекин бой уни қаттиқ ҳақорат қила бошлабди:

— Расмимни ўхшатиб чизолмадинг-ку, нега энди ҳақ, тўлар эканман? Сен гирт ёлгончи экансан: Ўзингни рассом қилиб кўрсатиб, одамларни алдаб юрибсан. Қани, эсинг борида, туёғингни шиқиллатиб қол-чи! Кўрсатиб қўяман сенга одамларни лақиллатиш қанақа бўлишини!

Мусаввир ҳам бўш келмай, хизмат ҳақини талаб қилиб туриб олибди. У бой билан роса тортишипти, сўкишипти, лекин ҳеч нима ундира олмабди. Шундан кейин у нажот истаб вазири аъзам Бирбалнинг ҳузурига борибди.

У Бирбалга бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб бериб, ўзи чизган бешта расмни ҳам кўрсатибди. Бирбал бойнинг найрангини фаҳмлабди: чамаси, у ҳар гал афтини ўзгартириб турган бўлиши керак, деб ўйлабди Бирбал.

— Гапимни яхшилаб эшитиб, унга амал қилинг, имоним комилки, бу ишда сиз албатта ютиб чиқасиз, — дебди Бирбал. — Сиз бозордан каттакон бир тошойна сотиб олиб, у билан бойникига боринг. Менинг иккита маъмурим ҳам гувоҳ сифатида сиз билан бирга боради. Лекин уларнинг кимлигини ҳеч ким билмаслиги керак. Борганингизда: «Бу гал олиб келган расмим ўзингизга худди икки томчи сувдай ўхшайди», — деб айтасиз бойга. У расмни кўрмоқчи бўлади. Сиз унинг қаршисига кўзгуни қўясиз. Ана унда бой афт-башарасини қанча ўзгартирса ўзгартираверсин. Барибир, кўзгудаги тасвири ўзига ўхшаб тураверади. Шу йўсинда сиз уни тумшуғидан илантирасиз.

Рассом бозордан асл ва қалин ойнадан ишланган каттакон кўзгу сотиб олиб, ёнида иккита гувоҳ билан бойнинг уйига кириб борибди.

— Бой ота, бу сафар сиз ўзингизнинг жуда ҳам аниқ тасвирингизни кўрасиз. У кўнглингизга ўтиради, деган умиддаман, — дебди мусаввир ва буюртмачининг рўпарасига тошойнани қўйибди.

— О, бунақаси бўлган эмас! — деб чинқириб юборибди бой. — Нима, мени ахмоқ деб ўйлаяпсанми? Ахир бу кўзгу-ку! Сен менга, ҳозир мақтаганинг, расмимни кўрсат.

— Бой ота, сизнинг расмингиз шу. Бунда сиз ҳозирги қиёфангизда акс этирилгансиз.

Бой сергакланибди ва ўз найрангини яшириш учун гапни чалғитишга тушибди.

— Қизиқ экансану, ука, қачон мен сенга, расмимни чиз, деб буюртма берувдим?

— Ие, нега лафзингиздан қайтасиз? — дебди мусаввир. — Сизнинг талабингиз бўйича, мен кетма-кет бешта расмингизни чиздим, лекин сиз ҳар гал, «ўхшамабди», деб уларни рад қилавердингиз ва ҳар сафар хизмат ҳақимни бермай, мени қуруқ қайтардингиз. Мана, энди тилингизни қисиб қўйган эдим, яна янги найранг ишлашиб, тузган аҳдингиздан воз кечмоқчи бўляпсиз. Йўқ, тақсир, бунақаси кетмайди! Энди шартимизни бажаришингизга тўғри келади.

«Нима қилиб бўлса ҳам, бу лаънатини гел қилиб, чув туширишим керак», — деб ўйлабди бой ва ҳамма ваъдаю шартларидан воз кеча бошлабди.

Ана шунда, Бирбалнинг одамлари гапга аралашибди:

— Ундай бўлса, тақсирим, вазири аъзам ҳузурига боришингизга тўғри келади. Сиз бу одамга мажбуран олти марта расмингизни чиздиргансиз, лекин битта ҳам ишига ҳақ тўламагансиз. Энди найрангбозлигингиз кетмайди.

— Ким бўлибсизларки, бизнинг ишимизга тумшурингизни тикасиз? — дебди бой аччиғи чиқиб. — Мени вазири аъзам ҳузурига олиб боришга нима ҳаққингиз бор?

Маъмурлар устларидаги ёпинчиқларини очган эканлар, бой уларни либосларидан танибди. Шундан кейин ҳушини йиғиб олиб, мусаввирнинг хизмат ҳақини тўлашга, ноилож, рози бўлибди.

Лекин бой гуноҳни жуда ҳам ошириб юборган эди, шунинг учун маъмурлар уни ушлаб, тўғри Бирбалнинг ҳузурига бошлаб боришибди.

Бирбал бу фирибгар бойнинг найранглари ҳақида илгари ҳам кўп эшитган экан. У бойни сўроқ қила бошлабди. Лекин бой вазирнинг биронта ҳам саволига маънили жавоб бермабди. Рост-да, у нима ҳам деб ўзини оқлай оларди? Қум устида қаср қуриб бўлмаганидек фирибгарликнинг ҳам оқибати войдир!

Сўроқ пайтида Бирбал ҳузурида соқчилар турган экан. Вазир уларга бойни қамчи билан савалашни буюрибди. Соқчилар қамчи кўтариб бойнинг тепасига кела бошлашипти. Бой боши узра силкинган қамчиларни кўрибди-ю, дарров эсини йиғиб олиб, ҳамма айбига иқрор бўлибди. Шундан кейин, Бирбал уни қилмишига яраша жазолабди.

ФОЛБИН БИЛАН ДАЪВОЛАШУВ

(Танзания ҳудудида яшовчи *ираку* қабиласи)

Бир одам қўйларини даштда боқиб юрганида иккита қўйи йўқолиб қолибди. Эгаси уларни узоқ вақт қидирибди, лекин топа олмабди, чунки уларни ёввойи ит олиб қочиб кетган экан.

Шу куни кечқурун қўйларнинг эгаси ёрдам сўраб фолбин олдига борибди. Чунки кимда-ким қўйиними, сигириними ё эчкисиними йўқотиб қўйса, албатта шу фолбин олдига бориб, унга фол очирар ва шу йўл билан йўқолган молини топиб олар экан. Бу расм бизда ҳанузгача сақланиб қолган.

— Ҳа, яхши, — дебди фолбин чўпонга, — мен сенга бир дори бераман; уни қўйчивонлик таёғинга суриб қўяман. Лекин дорининг эвазига менга битта бузоқ берасан.

— Ие, иккита қўйга бузоқ бераманми? — дебди чўпон ранжиган оҳангда. — Нега энди?

— Хоҳламайсанми? Бор, тошингни тер бўлмасам! — деб ўдағайлаб берибди фолбин.

Чўпон: «Нима қилсам экан?» — деб ўйланиб қолибди.

— Ҳа, майли, — дебди у ниҳоят, — агар қўйларим топилса, бузоғимни бераман.

Шундан кейин фолбин чўпоннинг таёғига аллақандай бир дори сўрабди-да дебди:

— Уйингга бориб бу таёқни сигирнинг гўнгига санчиб қўй. Эртага эрталаб иккала қўйинг ҳам уйингга ўз оёғи билан кириб келади.

Бу гапдан суюниб кетган чўпон уйига бориб, фолбиннинг айтганини қилибди. Кейин, тонг отганда кўчага чиқиб, қўйларининг йўлига кўз тикибди. У то чошгоҳгача кутибди — қўйлардан дарак бўлмабди.

«Қўйларим қаёқда қолдийкин? — деб безовта бўла бошлабди у. — Тагин сиртлон еб кетган бўлса-я!»

Шу маҳал кўчадан унинг бир таниши ўтиб қолибди.

— Хўш, қалай, — деб сўрабди у, — кеча йўқолган қўйларингни топдингми?

— Йўқ, ҳали ҳам топилмади, — деб жавоб қилибди подачи. — Лекин фолбин, қўйларинг ўз оёғи билан уйингга кириб келади, деб айтди.

Таниши кулиб юборибди:

— Нима, сен ростданам ишонапсанми ўша фолбиннинг гапига?

— Ҳа, ишонаман унга. У — нафаси жуда ўткир фолбин.

— Сен ғирт овсар, ғирт гўл одам экансан, — дебди ҳамқишлоғи. — Қўйларинг қайтиб келмайди. Уларни аллақачон сиртлон еб кетган бўлса керак.

Шундай деб у ўз йўлида кетаверибди.

Бу гапдан кейин чўпон ўғлини фолбиннинг олдига юборибди:

— Сен, ўғлим, фолбиннинг олдига бориб, қўйларимиз ҳали ҳам қайтиб келмади, деб айт.

Ўғил бориб фолбинга отасининг гапини айтибди.

— Тўғри, қўйларинг қайтиб келмайди, — дебди фолбин. — Сабаб: отанг менга ваъда қилган бузоқни ҳалигача олиб келиб бермади. Отангга бориб айт: агар у қўйларининг қайтиб келишини истаса, олдин менга бузоқни олиб келиб берсин.

Ўғил фолбиннинг гапини отасига етказибди.

— Эҳ, бўлганича бўлди! — дебди ота. — Майли, бузоқни унга олиб бориб бераман.

Чўпон фолбинга бузоғини етаклаб олиб бориб бериб, яна йўқолган қўйларининг йўлини пойлабди. У то қош қорайгунгача йўлга тикилиб ўтирибди, лекин барибир, қўйлар қайтиб келмабди.

Шу маҳал кўчадан унинг эрталабки таниши ўтиб қолибди.

— Сен ҳақиқатан ҳам тентак экансан, — дебди у чўпонга. — Яхшиси, ўзинг даштга чиқиб қўйларингни қидириб кўр.

Шу гапдан кейин чўпон даштга чиқибди ва у ерда

бир ёввойи итни кўриб қолибди. У қўйларни аллақачон еб бўлган, энди ўзидан қолган сарқитларни ялаб-юлқай бошлаган экан. Ит одамзод шарпасини эшитиб ура қочиб қолибди.

Ана шундагина чўпон ҳамма гапга тушинибди-ю, яна фолбиннинг олдига йўл олибди.

— Хўш, топилдимми қўйларинг? — сўрабди фолбин чўпонни кўриши билан.

— Майнавозчиликни қўйинг, — дебди чўпон. — яхшиликча бузоғимни қайтариб беринг!

— Нега энди берарканман сенга бузоқни? — дебди фолбин аччиғланиб. — Ахир мен сенга дори бердим-ку!

— Э, гапирманг ўша байталмон дорингизни, менга ўзимнинг бузоғим керак! Қўйларим топилганида — бошқа гап эди. Улар йўқ, демак бузоғимни қайтариб олишим керак.

— Йўқ, бузоқни сенга бермайман, — дебди фолбин.

Шундан кейин панд еган чўпон фолбиннинг устидан арз қилиб мамлакат султони олдига бормоқчи бўлибди. Лекин бизнинг мамлакатимизда ҳатто султонлар ҳам фолбинлардан чўчишар экан. Чўпон султонга ҳамма бўлган гапни: йўқолган қўйларини топиш учун фолбин олдига ёрдам сўраб боргани ва ундан дори олиб, эвазига ўз бузоғини бергани ҳақида сўзлаб берган экан, султон унинг арзини эшитиб бўлиб:

— Хўш, фолбин сенга нима деди? — деб сўрабди.

— Барибир бузоғингни қайтариб бермайман, деди.

— Агарки фолбин шундай деган экан, — дебди султон, — демак бошқа ҳеч нима қилиб бўлмайди. Ахир сен фолбиннинг олдига ўзинг ўз ихтиёринг билан ёрдам сўраб боғансан-ку! Тўғрими?

Чўпон ҳеч нима деёлмай қолибди. Ахир султондек улуг бир зот билан баҳслашишга қандай ҳадди сиғар эди унинг? Чўпон уйига қайтиб кетибди. Лекин аламига чидолмай, ҳеч ўзини қўярга жой тополмабди. Икки кундан кейин у даштга чиқибди ва у ерда пода боқиб юрган фолбиннинг ўғлини кўрибди. Чўпон оёқ учида оҳиста пусиб бориб, сигирларга яқинлашибди ва подачи болага сездирмай, битта бузоқни ўғирлаб уйига олиб кетибди. Лекин орадан сал вақт ўтар-ўтмас, фолбин бузоғининг йўқолганини пайқаб қолибди-ю дарҳол уни қидиришга тушибди. У чўпоннинг уйига келиб бу ерда ўзининг бузоғини кўрибди.

— Ие, бу менинг бузоғим-ку! — дебди у. — Қандай қилиб сеникига келиб қолди бу?

— Қанақасига сеники бўларкан? — дебди чўпон. — Бундоқ қарасам, сен уччига чиққан муттаҳам кўринасан! Ҳали сен бировларнинг шўрини қуришиб бойлик орттираётган экансан-да? Олдин битта бузоғимни тортиб олудинг. Энди зўравонлик қилиб иккинчи бузоғимдан ҳам жудо қилмоқчимисан мени?

— Вей, тентак! — дебди фолбин. — Нима, кўзим кўрмики, ўз бузоғимни танимасам? Қани, юр султони-мизнинг олдига: ишимизни ўша бир ёқли қилиб берсин.

Мана, улар яна султон ҳузурига йўл олишипти. Шунда фолбин отни қамчилаб, султон олдига биринчи бўлиб кирибди-да:

— Гап шунақа, шунақа... Чўпон бузоғимни ўғирлади, — деб арз қилибди.

Бу аснода чўпон ҳам етиб келибди.

— Аъло ҳазратлари, — дебди у, — арзимни эшитинг! Бу фолбин менга берган ўша байталмон дориси эвазига битта бузоғимни тортиб олган эди. Энди иккинчи бузоғимга ҳам чанг соляпти. Ахир ўзингиз айтинг, шу иши инсофданми, адолатданми? Йўқ, мен бундай хиёнатга ортиқ, чидаб туролмайман. У билан аёвсиз жанг қиламан. Е ҳаёт, ё мамот!

— Чўпоннинг битта бузоғини олган эмишсан — шу ростми? — деб сўрабди султон.

— Ҳа, тўғри, берган дори-дармоним эвазига унинг бузоғини олудим.

— Энди унинг иккинчи бузоғини ҳам тортиб олмоқчимисан?

— Ҳа, бу бузоқ ҳам меники?

— Йўқ, у менинг бузоғим! — дебди чўпон.. — Ҳузоғимники.

Яна жанжал авжига минибди.

— Қани, бас қилинглар можарони! — деб койиб берибди султон. — Ҳузоғинг уста қонуншунос экансанлар, нима қилардиларинг менинг ҳузуримга келиб? Баски, келган экансанлар, ҳукимини эшитинглар: бузоқнинг эгаси — чўпон!

Бундай ҳукмини эшитган фолбин яна баҳслашмоқчи бўлиб оғиз очган экан, султон унинг гапига қулоқ солмай, иккала жанжалкашни уй-уйига жўнатиб юборган экан.

ЧОЛ ВА УНИНГ ОҚИЛА ҚИЗЧАСИ
(Қозоғистон)

Бир чол бўлиб, у ўзининг ёлғизгина ўн икки ёшли қизчаси билан яшар экан. Чолнинг битта туяси, битта оти ва битта эшаги бор экан; у тоғ-тошдан, дала-даштан ўтин териб келиб бозорда сотар ва шу топган пулига бир амаллаб кун кечирар экан.

Кунларнинг бирида у терган ўтинини туясига ортиб бозорга борибди. Шунда унинг олдида бир одам келиб:

— Ўтинингиз неча пул, ота? — деб сўрабди.

— Уч танга.

— Хўп десангиз, шу туришига ўн танга бераман!

Чол рози бўлибди, албатта. У ўтинни харидорнинг уйига олиб борибди.

Қария ўтинни тушириб, кўлига ўн танга олганидан кейин, харидор унга туяни ҳовлидаги қозиққа боғлаб қўйишни буюрибди.

— Мен ўтинни туришича, яъни туянгиз билан қўшиб сотиб олдим, — дебди у. — Бўлмаса, уч танга турадиган ўтинга ўн танга берармидим?

Чол харидор билан тортиша бошлабди, лекин бундан ҳеч наф чиқмабди. Натижада икковлари қозининг олдида боришибди.

— Харидор сенга ўн танга тўлаганмиш. Шу гапи тўғрими? — деб сўрабди қози чолдан.

— Тўғри.

— Демак у ҳақ. Туя уники.

Чол алаמידан йиғлаб юборибди ва уйига туясиз қайтибди.

Яна бир кун у терган ўтинини отига ортиб бозорга борибди. Бу гал ҳам уни ўтган сафардагидек чув туширишипти: яна ўша одам найранг ишлатиб, унинг отини олибди. Қози бу сафар ҳам харидорни ҳақ деб топибди:

— Бу одам ўтинга қўшиб отингни ҳам сотиб олган, — дебди у.

Эртаси куни чол терган ўтинини эшагига ортиб бозорга отланибди. Шунда унинг қизчаси олдида келиб:

— Ота, бу гал ўтинни мен сотиб келаман, — дебди.

— Сизни авраб туянгиз билан отингизни тортиб олишди. Қани, мени ҳам авраб кўришсин-чи!

Мана, қизалоқ эшакка ортилган ўтинни бозорга олиб борибди. Унинг олдига ўша айёр харидор келибди. — Ҳой, қизча! Ўтинингни шу туришича беш тангача сотасанми? — деб сўрабди у.

— Сотаман, — дебди қизалоқ, — агар ўтин ҳақини туришича берсангиз.

Харидор рози бўлибди. Қизча ўтинни унинг уйига олиб келиб туширибди-да:

— Амаки, эшагингизни қаерга боғлай? — деб сўрабди.

Харидор жой кўрсатибди. Кейин қизча билан ҳисоблашмоқчи бўлиб, унга пул узатибди. Шунда қизча харидорнинг биллагидан маҳкам ушлаб олибди.

— Сиз ўтин ҳақини туришича, яъни қўлингиз билан бирга беришга рози бўлувдингиз, — дебди у. — Энди бу қўл ҳам, пул ҳам меники.

Улар тортиша-тортиша, ахири қозининг олдига боришибди.

Қози харидорнинг қўлини ўзида қолдириш эвазига, ундан қизчага беш юз тилла ундириб берган экан.

МОТ БЎЛГАН ҚАИНОТА

(Шарқий Африқода яшовчи *бурунги* элати)

Қадим замонда бир одам ўтган экан. Унинг фақат биттагина қизи бўлиб, унга уйланиш ниятида совчи бўлиб келаётган йигитларнинг кети узилмас экан. Лекин қизнинг отаси ҳамма келган йигитларга бир хилда:

— Сен менинг қизимни ололмайсан, бор, уйингга кетавер! — деб жавоб қилар экан.

Алқисса, ҳамма ошиқ йигитлар, ниятлари пучга чиқиб, уйларига қуруқ қайтиб кетаверишипти.

Лекин битта йигит бўш келмабди:

— Мен уйимга кетмайман, — дебди у қизнинг отасига. — Барибир, қизингизга уйланаман!

— Агар қизимга уйланишни астойдил хоҳласанг, — дебди ота, — унда аввал мен буюрган ишни бажаришинг керак.

— Қанақа ишни?

— Менинг тариқзоримга бориб, шамолни шундай тўсиб туришинг керакки, битта ҳам тариқпоя шамолдан эгилиб синмасин! Агар шу вазифани бажара олсанг, майли, сени куёв қилай.

Йигит бу шартга рози бўлибди.

— Бўпти, кўрсатинг ўша тариқзорингизни, — дебди у. — Мен кечаю кундуз мижжа қоқмай, уни шамолдан қўриқлайман: битта ҳам тариқпоя завол кўрмайди.

— Агар чинданам шамолни тўса олсанг, қизимни сенга берганим бўлсин!

Мана, йигит тариқзорни қўриқлагани тунда далага чиқибди. Эрталаб тонг палласида қизнинг отаси йигитнинг ишини текширгани келибди. Қараса: анча-мунча тариқпояни шамол синдириб кетганмиш.

— Ие, ҳали шунча тариқпоя синдимми? — дебди у йигитга.

— Сиз, қайнотажон, сабр қилинг, — дебди йигит. — Ҳаммаси рисоладагидай бўлади. Боя мен пайкал бошида бир тустовуқ кўрувдим. Олдин ўшани отиб келай — кейин хурсанд бўласиз.

Йигит экинзор этагига бориб, битта тустовуқни отиб олиб келибди.

— Сиз, қайнотажон, манави тустовуқни ҳозир қизингизга олиб бориб беринг, — дебди у чолга. — Қизингиз буни пиширсин-да, шўрвасини човлига солиб менга олиб келсин — ҳали мен бу ерда анча вақт бўламан.

Чол тустовуқни уйига олиб борибди, қизи уни пишириб, шўрвасини човлига олмоқчи бўлган экан — шўрва ҳеч човлида турмабди.

— Қизиқсиз-а, ота, — дебди шундан кейин қиз, — не замонда шўрвани човлига олиб бўларканми? Мен уни далага човлида олиб боролмайман ахир. Буни ҳеч ким ҳам қилолмайди.!

Шунда чол далага одам юбориб, йигитни уйга чақиртирибди. Йигит келибди.

— Сиз, қайнотажон, — дебди у, — ҳозир қишлоқнинг ҳамма қарияларини йигинг. Ким ҳақу ким ноҳақлигини ўшалар ҳал қилсин!

Қариялар тўпланибди. Шунда йигит уларга юзланиб дебди:

— Ҳурматли отахонлар! Қани, менга айтингчи, далага экилган тариқнинг битта ҳам поясини синдирмасин, деб шамолнинг йўлини тўсиб тура оладиган азамат топиладими дунёда? Ахир дайди шамол гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан эсиб турса, қандай қилиб унинг йўлини тўсиш мумкин? Қани, айтинглари, сизлар нима дейсизлар бунга?

Қариялар йигитнинг саволига жавоб қилишибди:

— Биз шунча умр кечириб, биронта одамнинг шамолни тўсгани ҳақида эшитмаганмиз!

— Менинг бўлғуси қайнотам каминага шундай иш буюрган эди, мен ҳам ундан бир нарсани илтимос қилдим, — деб гапида давом этибди йигит. — Битта тустовуқни отиб, буни қизингизга олиб боринг, пишириб, шўрвасини менга човлида олиб келсин, дедим. Лекин шўрвадан дарак бўлмади. Уни кутавериб қорним пиёз пўсти бўлиб кетди.

Оқсоқоллар бу гапни эшитиб, қизнинг отасига савол беришибди:

— Нега бу йигитни оч қолдирдинг? Ахир у сенга тустовуқ отиб берибдику!

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, азизлар, — дебди ота, — не замонда суюқ шўрвани човлига олиб бўладими?

— Ўзинг ҳам айтчи, қайси одам шамолнинг йўлини тўса олади? — деб савол беришибди қариялар қизнинг отасига. — Биз шунча умр кечириб, ҳеч бунанга гапни эшитмаганмиз! Масалан, паррандани, тутиб олиш мумкин, илло шамолни ҳеч ҳам тутиб туриб бўлмайди! Бу йигит ҳақ. У сен қўйган тузоққа ўзингни илинтириб, ўзингни мот қилибди. Баски, ундан шамолнинг йўлини тўсишни талаб қилган экансан, ўзинг ҳам човлида шўрва олиб боришинг керак эди унга!

Оқсоқоллар шундай хулоса чиқаришибди. Кейин яна илова қилиб:

— Қизингни шу йигитга беришдан ўзга иложинг йўқ! Бу ўйинни ўзинг бошлаган экансан. Начора, унда куёвинг ютиб чиқди.

Оқсоқолларнинг шундай ҳукмидан кейин, чол, ноилож, тўй-томоша қилиб, қизини шу йигитга турмушга берган экан.

СОҚОЛ СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛГАН ОДАМ

(Адиғей)

Оғиздан-оғизга кўчиб юрган миш-мишларга қараганда, бир одам нуқул:

— Агар менга минг сўм қарз берадиган азамат топилса, бир кунда ўша қарзимни узардим, — деб кўча-кўйда жар солиб юрар экан.

Одамлар унинг нега бундай деётганига тушинмай, хайрон бўлишаркан. Ниҳоят бир бой: «Бўлганича бўлар. Майли унга қарз бериб кўраман. Қайтиб берса бергани, бермаса — жазосини олади», — дебди-да ўша одамга минг сўм пул берибди.

У одам минг сўмни олволиб:

— Соқол сотиб оламан! Ким соқолини сотади? — деб жар сола бошлабди.

У шундай жар солганча бир оз вақт тентираб юрибди, ниҳоят бир одам унинг олдига келиб:

— Мен сотаман соқолимни, — дебди.

— Бўпти, — дебди харидор, — мен оламан соқолингни. Лекин битта шартим бор: соқолингнинг бутун ихтиёри менда бўлади — уни не кўйга солсам солавераман, майлими?

Соқол сотувчи бу шартга рози бўлибди.

— Ундай бўлса, юр, шартнома тузамиз, — дебди харидор.

Улар шартнома тузишибди. Шартномага, харидор соқолни минг сўмга сотиб олгани ва бундан буёқ ўша соқолни истаган кўйга солиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, соқол сотувчи ҳам олган минг сўм пулдан қандай хоҳласа, шундай фойдаланиши мумкинлиги қайд қилинибди.

Улар уйга киришибди. Соқол сотувчи харидорнинг кўлига устара тутқазиб:

— Ма, ушла, олавер соқолимни, — дебди.

— Гап бундай, — дебди харидор, — мен сенинг иягингдан ўсиб чиққан тукларни эмас, балки соқолингни истаган кўйимга солиш ҳуқуқини сотиб олдим. Шунга кўра, мен сенинг каллангни шартта узиб уйимга олиб кетмоқчиман.

Шундай деб у соқол сотувчини бўғизламоқчи бўлгандай, унинг бўйнини қайирибди.

— Ҳей, нима қиляпсан? — деб бақириб юборибди соқол сотувчи ва сапчиб ўрнидан туриб кетибди. — Биз бундай келишмаган эдик!

— Нима, шунча пулни сенга бекорга бердимми? — дебди харидор.

— Йўқ мен бунга рози эмасман. — дебди соқол соқол сотувчи ва ишни ҳакамга оширибди.

Лекин ҳакам ишни харидор фойдасига ҳал қилибди.

— Харидор ҳақ, — дебди у, — чунки у сендан

юзингда ўсган тукни эмас, балки соқолингни иягинг билан бирга қўшиб сотиб олган.

— Унақа бўлса, менга минг сўм пулинг керакмас, уни ўзингга қайтариб бераман! — дебди соқол сотувчи. — Хоҳламайман соқолимни сотишни.

Ие, лафздан қайтиш йўқ, деб шартлашганмизу. Агар шартимиздан воз кечадиган бўлсанг, менинг минг сўмимга яна минг сўм қўшиб беришинг керак. Бўлмаса, каллангни узиб уйимга олиб кетаман, — деб оёқ тираб туриб олибди харидор.

— Начора... Бошқа иложи бўлмаса, мажбурман... — дебди соқол сотувчи ва ўз ёнидан харидорга яна минг сўм чиқариб берибди.

Муғамбир харидор бойдан олган қарзини унга олиб бориб, сийловига яна беш юз сўм қўшиб берган экан, лекин бой: «Бу доғули ҳали шу беш юз сўмини мендан минг сўм қилиб ундириб олишиям мумкин», деб ўйлаб у пулдан воз кечган экан.

II. КЎРИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ИШЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

АЙБДОРНИ ТОПИШ ИУЛЛАРИ ҲАМДА БЕИХТИЕР АЙБГА ИҚРОР БУЛИШ ҲАҚИДА

АИЕР ВАЗИР
(Афғонистон)

Бир мамлакатнинг пойтахтида бир куни пахта омборига ўғри тушибди. Пахтафуруш савдогарлар бу ҳақда подшога арз қилиб келишибди. Подшо уларнинг арзини эшитиб, дарҳол ўғирланган пахтани топиш ва ўғрини қаттиқ жазолаш ҳақида фармон берибди. Лекин, афсуски, қидирувлар ҳеч қандай самара бермабди. Шунда вазир шоҳ ҳузурига кириб:

— Он ҳазратлари! Ижозат берсангиз, ўғрини мен топишга уруниб кўрардим, — дебди.

— Майли, уруниб кўринг, — дебди шоҳ. Уша куниеқ вазир бутун шаҳар фуқароларига ўз қасрида катта зиёфат берибди. Зиёфатга тумонат одам

келибди. Вазир, одамларга овқат тортилиши олдидан дастурхон атрофида ўтирганларнинг юзига бир-бир тикилиб, ҳаммани айланиб чиқибди. Кейин у баланд супага чиқиб олиб, бошини таънамуз сарак-сарак қилганча шундай дебди:

— Тавба! Инсоф деган нарса қолмабди одамларда! Нима бало, ҳамма аҳмоқ бўлиб кетяптими дейман: ўғирланган пахта қора соқолларингизга ёпишиб қолибди-ку! Сизлар бўлсангиз, уялмай-нетмай вазирингиз саройига меҳмонга келиб ўтирибсиз-а!

Вазир нутқини тугатишга улгурмай, бу ерда ўтирганлардан ўн киши бирданига бўйинларини қисиб ўғринча соқолларини тутамлай бошлабдилар.

— Мана пахта ўғрилари, — деб уларни кўрсатибди вазир. — Ушланглар уларни!

ЎҒРИ

(Ҳиндистон)

Бир одамнинг уйдан бир халта пули йўқолибди. Бу ҳақда у ҳакамга бориб арз қилибди. Ҳакам бу одамнинг уй ходимларини тўплаб, ҳар бирига биттадан таёқ берибди ва:

— Кимда-ким пул ўғирлаган бўлса, эртага унинг таёғи бир энли узайиб қолади! — дебди.

Шундан кейин ҳамма яна ўз иши билан шуғуллангани кетибди. Лекин пул ўғирлаган одам қаттиқ ваҳимага тушиб қолибди: у таёғи узайиб сири фош бўлишидан қўрқибди-да... Натижада, у таёғидан бир энлича ерини қирқиб ташлабди.

Эртаси кун и ҳакам ҳамма уй ходимларини яна йиғиб, ҳамманинг таёғини кўздан кечириб чиқибди... шундай қилиб ўғри қўлга тушган экан.

СЕҲРЛИ ХУРОЗ

(Хакасия)

Бир донишманд камбағал бор экан. У об-ҳаво қандай бўлишини, чорванинг қандай насл беришини ва шунга ўхшаш кўп нарсаларни олдиндан башорат қилиб бера оларкан.

Кунларнинг бирида бир бойнинг уйдан қимматбаҳо буюмлар йўқолибди. Уларни қанча қидиришса ҳам топишаолмабди. Энг нафаси ўткир фолбинларни олиб келиб фол очиришибди, энг пихизи ёрган

қайимхонларга мурожаат қилишибди — самара бермабди. Шунда одамлар бойга камбағал донишмандни чақириб келишни маслаҳат беришибди.

Донишманд келибди. Бой унга йўқолган бойлигини қидириб топишни буюрган экан, камбағал шундай дебди:

— Мен учун бу қийин эмас. Аммо топсам, хизмат ҳақим нима бўлади?

— Бир уюр йилқи бераман, — деб ваъда қилибди бой.

— Розиман, — дебди камбағал. — Сенга мўғул хони бир хўроз тортиқ қилган экан. Айт, ўша хўрозни олиб келишсин.

Бойнинг амри билан дарҳол мўғул хўрозини тугтиб олиб келишибди. Донишманд камбағал ҳеч кимга сездирмай ими-жимиди хўрознинг бўйни ва бошига қорақуя сурибди-да, уни қоп-қоронғи бир хонага киритиб юборибди.

Шундан кейин, донишманд бойнинг уйида хизмат қилувчи барча ходим ва ходималарни йиғибди.

— Ҳаммангиз битта-биттадан шу хонага кириб, хўрознинг бошидан силайсиз, — дебди уларга. — Лекин ёдингизда бўлсин: у хашақи хўроз эмас, Мўғилистондан келган сеҳрли хўроз. У ўғрини қўлидан танийди: ўғри уни силаса, дарров қичқириб юборди. Қани, қўрқмасдан кираверинглар. Фақат уни чап қўл билан силанглар.

Хизматкорлар қоронғи хонага битта-битта кира бошлабдилар. Бой қулогини динг қилиб, хўрознинг қичқиришини кута бошлабди. Лекин хўроздан ҳануз садо чиқмасмиш. Мана, хизматкорларнинг ҳаммаси хонага кириб чиқишибди, лекин хўроз, барибир, қичқирмабди.

— Нима, бизни аҳмоқ қилмоқчи бўлдингми? — деб дағдаға қилибди бой.

— Шошилма, ҳали синов тугагани йўқ, — дебди донишманд. — Қани, ҳамманглар чап қўлларингни кўтаринглар-чи!

Ҳамма қўлини кўтарибди — ҳамманинг кафти қорақуя, фақат бойнинг суюкли малайининг кафти оппоқлигича қолганмиш.

— Мана шу ўғирлаган сенинг бойлигингни, — дебди донишманд ўғрини кўрсатиб.

Малай бойнинг оёғига тиз чўкиб, юм-юм йиғла-

ганча кечирим сўрай бошлабди. Бой уни қамчи билан савалашни буюрибди, камбагалга эса, ваъда қилган бир уюр йилқини беришга мажбур бўлибди. Бир кўнгли, бермоқчиам эмас экану, лекин бу донишманднинг найранг ишлатишидан қўрқибди.

УГРИ ЎЗ ТИЛИДАН ИЛИНАДИ (Афғонистон)

Кунларнинг бирида жамики ҳайвонларнинг подшоҳи — йўлбарс ўз тахтига чиқиб ўтирибди-да, дўсти айиқ полвонга ўрмондаги барча жониворларни йигиб келишни амр этибди. Бу йиғиннинг боиси бор экан: бир кун олдин бир совлиқ қўй подшо ҳузурига келиб, қўзичоғини кимдир еб кетганидан шикоят қилибди. Энди йўлбарс айбдорни топиб жазоламоқчи бўлган экан.

Подшо тўпланган ҳайвонларнинг ҳар бирига диққат билан узоқ-узоқ тикила бошлабди.

Шу маҳал, бўри ўзидан ўзи бирданига зорланиб шанғиллашга тушибди:

— Ахир тинч қўясиэларми ўзи! Кеча мен кун бўйи ўз уямда ҳеч қаёққа чиқмай ётувдим! Менда нима айб? Уша қўзичоқнинг ўзи жарга йиқилиб ўлгандир балки! Нимага энди айбни бировга тўнкашади?

— Учир овозингни! — дебди йўлбарс. — Айбдоқ сенсан — ўз тилингдан илиндинг! Ҳали ҳеч ким сенга айб қўйгани йўқ эди, сен бўлсанг, юрагинг така пука бўлиб, менда гуноҳ йўқ, деб айюҳаннос сола бошладинг! Айиқ полвон! Бу нобакор қўзичоқни нима қилган бўлса, сен ҳам уни шу кўйга сол! — деб фармон берган экан ҳайвонлар подшоҳи.

ФАРОСАТЛИ ҲАКАМ (Қирғизистон)

Бир йигит узоқ сафарга отланиб, ўзининг юз тилла пулини асраб туриш учун қўшнисига қолдирибди.

Орадан бир неча йил ўтибди. Йигит юртига қайтиб келиб, қўшнисидан унга қолдириб кетган ўша юз тилласини қайтариб беришни сўрабди.

Қўшни, кексайиб қолган мўйсафид бўлса ҳам, ўл-
гудек қуримсоқ ва диёнатсиз одам экан.

— Мен сендан сариқ чақа ҳам олган эмасман. Сен
менга ҳеч нима қолдирмагансан, — дебди унга чол.

Йигит бу диёнатсизликдан қаттиқ ранжибди ва бу
ҳақда ёр-дўстларига юрагини ёзибди.

— Сен ҳакамга арз қил, — деб маслаҳат бери-
шибди дўстлари. — У арзингни кўриб чиқиб, пулинг-
ни ўзингга қайтариб олиб беради.

Йигит ҳакам ҳузурига борибди. Ҳакам чолни ча-
қиртирибди.

— Оқсоқол, кекса одам экансиз, ёлгон гапириш
сизга ярашмайди. Ростини айтинг, мана бу йигитдан
сақлаб туриш учун тиллаларини олганмисиз?

— Вой, ўғлим, худо шоҳид, мен бу йигитдан ҳеч
қанақа пул олган эмасман. Оппоқ соқолим билан ёл-
гон гапираманми ахир?

— Ҳой йигит, бу кишига пул қолдирганингга гу-
воҳинг борми? — деб сўрабди ҳакам.

— Йўқ, биронта ҳам гувоҳим йўқ.

— Қанақа жойда берган эдинг пулингни? — деб
яна йигитга савол берибди ҳакам.

— Қишлоғимиз чеккасида бир бақа терак бор, —
деб жавоб қилибди йигит. — Уша терак тагида юз
тилламни бу кишига, асраб қўйинг, деб берган эдим.

— Ундай бўлса, сен ўша бақа терак олдига бориб,
уни бу ерга бошлаб кел. Бу қарияга юз тилла пу-
лингни қандай топширганингни ўша сўзлаб гувоҳлик
берсин.

— Ие, тақсир, — дебди ажабланган йигит, — ахир
у дарахт-ку, қандай қилиб уни бу ерга етаклаб ке-
ламан?

— Мана, менинг муҳримни ол, уни теракка кўр-
сатсанг, ўзи сенга эргашиб келаверади, — дебди ҳа-
кам.

Йигит муҳрни олиб, маҳкамадан чиқиб кетибди,
қария бўлса, бамайлихотир ўтираверибди. Чунки у
тераkning ўрнидан жилмаслигини жуда яхши билар-
ди-да.

Орадан ярим соат ўтибди. Шунда ҳакам қариядан
сўрабди:

— Нима дейсиз, ота, йигит терак турган ерга етиб
бордимикин?

— Йўқ, ҳали етиб борганича йўқ, — деб жавоб
қилибди чол.

Орадан бир оз вақт ўтгач, ҳакам яна сўрабди:

— Энди-чи? Етиб бордимикин?

— Ҳа, энди етволди, — дебди чол ишонч билан.

Орадан яна бир соат вақт ўтибди. Шунда ҳакам чолга учинчи марта савол берибди:

— Йигитимиз энди орқасига қайтаётгандир-а? Сиз нима дейсиз, ота?

— Ҳа, ҳадемай келиб қолиши керак.

Ниҳоят, йигит қуруқ қайтиб келибди. У муҳрни ҳакамга топшириб шундай дебди:

— Мен бориб муҳрни теракка кўрсатдим, лекин у қилт ҳам этмади. Менимча, уни бу ёққа судраб келиш учун камида ўн-ўн бешта ҳўкиз кераг-ов, тақсир.

— Терак аллақачон менинг олдимга келиб, саволларимга жавоб бериб, яна қайтиб кетди, — дебди ҳакам.

— Ие, нима деяпсиз? Қачон келди? — дебди ҳайрон бўлган чол. — Келганида, мен ҳам кўрган бўлардим-ку!

Ҳакам мийигида кулиб қўйибди.

— Мен сизга уч марта савол бердим, — дебди у. — Биринчи гал сиз, йигит ҳали теракка етиб боргани йўқ, деб жавоб қилдингиз, иккинчи гал, энди етиб борган бўлиши керак, деб учинчи марта берган саволимга, ҳадемай қайтиб келиб қолади, деб жавоб қилдингиз. Агар сиз бу йигитдан ўша терак тагида пул олмаганингизда, у дарахтнинг қаердалигини ва қанчалик узоқ-яқинлигини қаёқдан билардингиз? Мана шу жавобларингиздан, йигитнинг юз тилласини олганингиз кундай равшан бўлди-қўйди.

Шундан кейин, қария, ноилож, айбига иқроп бўлиб, йигитнинг юз тилла пулини қайтариб берган экан.

УЛИМ ЖАЗОСИДАН ҚУТИЛИБ ҚОЛГАН ОДАМ

(Адигея)

Бир йигитнинг иккита қаллиғи бор экан. Иккалови ҳам ҳусну-латофатда беқиёс экан. Улардан бири энг камбағал одамнинг қизи, иккинчиси эса, энг бадавлат хонадоннинг қизи экан.

Йигитнинг иккита дўсти бор экан. Бу дўстлари-

дан бири унга камбағалнинг қизига уйлан, деб маслаҳат берибди. «У қиз айнан сенга муносиб, қолаверса, у меҳнатда чиниққан, қўлидан келмаган иш йўқ. Уйлансанг барака топасан», — дебди у.

Иккинчи дўст бўлса бойнинг қизига уйланишни маслаҳат қилибди: «У чевар қиз, бунинг устига, жуда тақводор, беш вақт намозни ҳеч ҳам қазо қилмайди».

Шу маслаҳатлардан кейин, йигит бойнинг қизига уйланибди ва хотини билан тинч-тотув яшай бошлабди. Кунларнинг бирида у биринчи дўстини учратиб қолиб ундан сўрабди:

— Айт-чи менга, нега ўшанда сен менга бойнинг қизига уйланишни маслаҳат бермовдинг?

— Негаки, мен уни билардим: қизлик чоғида кўп йигитлар унинг орқасидан илакишиб юришарди, — деб жавоб қилибди дўсти. — Саёқ ҳаёт таъмини тотиб кўрган қиз, бунақа одатини ҳеч қачон ташламайди.

Қанақасига у саёқ бўлиши мумкин? Ахир у намозхон аёл-ку! — дебди эр ҳайрон бўлиб. — Уйланганимизга шунча вақт бўлган бўлса ҳам, бирон марта унинг номақбул ҳаракат қилганини пайқамадим.

— Сен хотинингни айнан намоз ўқиётган пайтида кузат, агар ҳеч қандай ножўя нарса сезмасанг, унда мени ёлгончи деб атайвер, — дебди дўсти.

Мана, кунлардан бир кун оқшом пайтида хотин хуфтон намозини ўқишга ҳозирлана бошлабди.

Эр ўзини ухлаганга солиб ётаркан, айни чоғда хотинининг хатти-ҳаракатини кузата бошлабди.

Хотин эрини ухлаб қолган, деб ўйлаб, қўлига қумгон олиб, ҳовлига чиқиб кетибди. Эри ҳам ўгринча унинг орқасидан чиқибди. Қараса, хотини тўғри оғилхона томон йўл олиб, бостирма тагига кирибди. Ана шунда эр оғилхонада эркак одам турганини пайқабди.

— Ким у бемаҳалда менинг оғилхонамга кирган? — деб бақрибди эр.

Бу ҳайқириқни эшитган эркак шу заҳоти оёғини қўлига олиб қочиб қолибди, хотин бўлса, югурганча уйга кириб кетибди ва эшикни ичидан занжирлаб олибди.

— Эр уйга кирмоқчи бўлиб келса, хотин уни ичкарига киритмабди.

— Жўна, жўна! Ярим тунда қаёқларда санқиб юрибсан, беномус? Жўна, кўзимга кўринма! — деб шанғиллабди сохта намозхон маккор аёл.

Эр-хотиннинг шанғиллаб жанжаллашаётганини кўчада юрган миршаблар эшитиб қолибди. Улар югуриб келишиб:

— Нега уйингга кирмай, бу ерда турибсан? — деб сўрашибди.

— Хотиним уйга киритмаётибди, — дебди эр.

— Қаёқда юрган экан? — деб сўрашибди миршаблар хотиндан.

— Мен қаёқдан билай — ўзидан сўранглар! Эҳтимол йўлтўсарлик, ё босқинчилик қилгандир, — деб шанғиллабди маккор аёл ичкарида туриб.

— Бунинг қаерда бўлганини мана биз биламиз! — дейишибди миршаблар ва йигитни тутиб олиб бориб қамаб қўйишибди.

Сал кейин уни бир хонадонга олиб боришиб, унга бўғизланиб қора қонига беланиб ётган эр, хотин ва бир гўдакни кўрсатишибди.

— Буларни сен ўлдиргансан!.. Қани, айт, шерикларинг ким эди? — деб сўрашибди миршаблар.

— Мен ҳеч нима билмайман, — дебди йигит ўзига қўйилган айбни бўйнига олмай.

Лекин, барибир, ўйлаб-нетиб ўтирмай, уни ўлимга ҳукм қилишибди.

Йигит, ўлимим олдидан, охирги истагимни бажарсанглар, деб илтимос қилибди.

— Майли, айт, истагинг нима?

— Масжидга бориб, намозжумани ҳамқишлоқларим билан бирга ўқишга ижозат беринг. Шерикларимни сизга ўша ерда кўрсатаман.

Унинг илтимоси қондирилибди. Жума куни йигитни масжидга олиб келишипти. Одамлар намозни ўқиб бўлиб масжиддан чиқиб кетишибди. Лекин шўрпешона йигит ҳамон жойнамоздан турмасмиш: ҳеч намози тугамасмиш. Бу ёқда миршаблар унинг намоз ўқиб бўлишини кутиб тураверишибди. Йигит бўлса, нима қилишини билмай, жойнамоз устида боши қотиб ўтираверибди. У фақат бир нарсадан: ҳеч қандай гуноҳсиз ўлиб кетаётганидан афсусланибди.

Ниҳоят, ўтиравериш жонига тегиб, аста-секин ер остидан уёқ-буёққа назар ташлабди. Қараса, орқаси-

да иккита намозхон ўтирволиб, зўр бериб сажда қилиб ётганмиш.

— Мана менинг шерикларим! — дебди йигит шу икки намозхонни кўрсатиб.

Миршаблар дарҳол уларни ушлаб, олиб бориб қамашибди.

Кейин сўроқ пайтида улар гуноҳларини бўйинларига олишибди.

— Тўғри, ўша одамларни биз ўлдиргандик, лекин анави бизни тутиб берган одамни танитаймиз. Нима учун у ўзини бизга шерик деб ҳисоблапти, ҳайронмиз!— дейишибди қотиллар.

Шу сўроқдан кейин йигитга савол беришибди:

— Айбинг йўқлиги энди бизга аён бўлди. Аммо анави икки қотилни қандай қилиб танидинг?

— Жиноят қилган одам, — деб жавоб қила бошлабди йигит, — ҳамиша тангрига астойдил сиғинади. Бугун ҳам шундай бўлди: мўъмин мусилмонлар аллақачон намозларини ўқиб бўлиб масжиддан чиқиб кетишган бўлса ҳам, бу иккови қилган оғир жиноятини эслаб, гуноҳларини ювиш ниятида, аллоҳга сажда қилишни қанда қилмадилар. Мен қотилларни шу йўсинда таниб олдим.

Йигитни озод қилишибди. У уйига қайтиб бориб, ўша заҳоти хотинини талоқ қилган экан.